

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 821.512.133.09 (043.3)

ТОШПУЛАТОВА ДИЛОРОМ БОБАНАЗАРОВНА

**ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК НАСРИДА МУАЛЛИФ ОНГИ ВА УНИ
ИФОДАЛАШ ШАКЛЛАРИ**
(Улуғбек Ҳамдам ва Исажон Султон асарлари мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Ботирова Шахло Исамиддиновна
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

Жиззах-2022

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3
I БОБ. ЎЗБЕК НАСРИДА МУАЛЛИФ “МЕН”И ВА РОМАНИЙ ТАФАККУР БУТУНЛИГИ	12
1.1. Поэтик ифодада муаллиф дунёкарашини шакллантирувчи омиллар.....	12
1.2. Муаллиф “мен”и бадий асарнинг асосий унсури сифатида.....	33
Боб бўйича хулоса.....	48
II БОБ. ИЖОДҚОР КОНЦЕПЦИЯСИ БАДИЙ ТАКОМИЛИДА ТАСВИР ИНДИВИДУАЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛЛАР	50
2.1. Бадий матнда ритм ва пафос.....	50
2.2. Воқелик ва бадий талқин синтези.....	70
Боб бўйича хулоса.....	92
III БОБ. МУАЛЛИФ ОНГИНИ ИФОДАЛАШДА СЮЖЕТ ВА КОМПОЗИЦИЯ УНСУРЛАРИ	95
3.1. Улуғбек Ҳамдамнинг “Исён ва итоат” романида муаллиф онги намоёиши.....	95
3.2. Романда қаҳрамон ва ёзувчи шахсияти яхлитлашуви.....	110
ХУЛОСА	123
Фойдаланилган адабиётлар	128

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида ёзувчи шахси, онги ва бадий изланишларини яхлит равишда ўрганиш илмий концептуал қарашларнинг янада такомиллашувига асос бўлмоқда. Борлиқни қабул қилиш ва уни ифодалашнинг турли усул ва йўсинлари ижодкор ботиний туйғуларининг доимий ўзгаришга мойил эканлигини ҳамда замон, макон, даврда кечувчи жараёнлар синтезлашувига боғлиқ омилларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш зарурати пайдо бўлмоқда. Ижодий ниятнинг моддийлашуви ва материя уйғунлиги ёзувчи онгининг бир қисмида зоҳир бўлиши билан боғлиқ муаммоларни назарий жиҳатдан асослаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё адабиётшунослигида онг ва шуурда кечадиган ижод жараёни воқелик ва ҳодиса табиатида содир бўлаётган узил-кесил ўзгаришларга уйғун тарзда кўрилаётган ёзувчи поэтик олами ҳамиша ўзига хослиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Фалсафа ва эстетиканинг кесишган чорраҳасида пайдо бўладиган ижод маҳсуллари психоаналитикларнинг ҳам қизиқишга замин яратди. З.Фрейд, К.Юнг каби психоаналитиклар ижодкорнинг ёзиш ва изланиш майлини онг остида аввал босиб ўтилган воқелик тарзида талқин қилиши жорий адабиётда кузатилаётган идеалга талпиниш деган хулосага келинмоқда. Маърифат ва унинг бағрида қоим бўлган онг ва билиш манераси ғоядан озикланган яхлит концепция сифатида муаллиф онгини ифодалаш усулларини ҳам биргаликда тадқиқ қилиш лозим деган хулосага келмоқда. Айнан муаллиф “мен”и ва онг қатламларида пайдо бўлган олам ва одам ўртасидаги азалий муносабатлар йиғиндисини очиб бериш заруратга айлангани сир эмас.

Жорий ўзбек насрида постмодернизм ва неорализм орасидаги чегарани аниқлашда муаллиф онгини ифодалаш катта уринишларга йўл очишга қаратилмоқда. Эстетик танлов, онг ва туйғу нисбати муаллиф талқинларини янада теранроқ кашф қилишнинг муҳим омилларидан бири десак, асло муболаға бўлмайди. Бадий насрнинг модернизм ва постмодернизм каби

ифода оқимларида бўй кўрсатган муаллиф онгида рўй бераётган теран ўзгаришлар, мантиқий боғлам ҳосил қилиши бугунги кун талабидан келиб чиқиб ёндашув муҳим вазифалар сирасига киради. Зеро, «...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ».¹ Бинобарин, асарларни яхлит ёзувчи илк изланишлари, талқин қилиш усуллари, онг ва туйғу нисбати тарзида ўрганиш ўсиб келаётган ёш авлодни глобал оғоҳликка чақириш, тарбия сифатини оширишга қаратилган устувор вазифалардан бири эканлиги аёнлашади. Зотан, янги инсон қисматини англаш ва англатишда бевосита муаллиф онги ҳамда шуурида кечадиган фалсафий-эстетик ғояларнинг психология, тарих, маънавият билан боғлиқлиги юқоридаги мулоҳазалар долзарблигини намоён этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон “Илм-фан ва илмий фаолият

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – 4 август.

тўғрисида”ги қонун ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида ижтимоий онг шакллари ва унинг индивидуал кўринишдан бошланиши борасида олиб борилган тадқиқотлар мавжуд. Дунё мамлакатларининг файласуф-эссеистлари орасида муаллиф онгини ифодалаш талқинига доир қатор олимларни учратиш мумкин. Жумладан, А.А.Потебня, Д.Н.Овсянко-Куликовский, А.Г.Грофед, Л.С.Виготский, М.М.Бахтинларнинг психоаналитик; В.Шкловский, В.В.Виноградов, В.М.Жирмунский, Ю.Н.Тиньянов, Б.В.Томашевский, Г.О.Винокур, Клод Леви-Стросс, Л.С.Выготский, Р.Барт, Ю.Лотман, Д.С.Лихачев, Ф.Шлейермехер, В.Дильтей, М.Хайдеггер, Г.Г.Гадамерлар каби олимлар олиб борган тадқиқотларини келтириш мумкин.² Мазкур тадқиқотчилар изланишларида муаллиф онги ва уни ифодалаш йўсинларига маълум маънода тўхталиб, масаланинг у ёки бу жиҳатларини аниқлашган.

Ўзбек адабиётшунослигида муаллиф онги ва шуури, онг ости қатламларини ўрганишга М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Й.Солижонов, А.Расулов, Б.Назаров, Ҳ.Умуров, Д.Тўраев, М.Холбеков,

² История русского литературоведения. – Москва, 1980; Сакулин П.А. Филология и культурология. – Москва, 1990; Боров Ю. Искусство интерпретации и оценки. – Москва, 1981; Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. Критические очерки. – Москва, 1970; Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. – Москва, 1981; Его же: Введение в структуральный анализ повествовательных текстов // Зарубежная эстетика и теория литературы XIX – XX вв. – Москва, 1987; Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. – Ленинград, 1972; Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. – Москва, 1991.

Қ.Йўлдошев, Д.Курунов, У.Жўрақулов, И.Ёқубов, Б.Каримов, В.Алимасов, М.Кучкарова³лар тадқиқотларида масалага муаллиф онгида кечаётган илқ ижод асоси сифатида атрофлича ёндашишган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Чирчиқ давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Янги ўзбек адабиёти ва адабий танқид” (2017-2021) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий ўзбек насрида муаллиф онгини ифодалаш усуллариининг шаклланиши ва тадрижий такомилени аниқлаш ҳамда Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон асарларида муаллиф “мен”и, муаллиф овози, муаллиф шуурида бўй кўрсатаётган поэтик изланишларни фалсафий-эстетик, психоаналитик ёндашувнинг муҳим назарий қирраларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий ўзбек насрида муаллиф овози ва унинг поэтик бутунлигини таъминлашда онг ва туйғу нисбатини жаҳон ҳамда ўзбек адабиётшунослигида юзага келаётган назарий қонун-қоидалар негизида умумлаштириш;

ҳикоя ва қиссаларда эсселашув жараёнининг юзага келиш омилларини жаҳон адиблари асарларига қиёслаб талқин қилиш;

³ Султонов И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986; Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010; Қўшжонов М. Ижод масъулияти, – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981; Қўшжонов М. Моҳият ва бадиият. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977; Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004; Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: Шарқ, 2004; Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Фан, 2008; Солижонов Ў. XX асрнинг 80-90 йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси. Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2002; Солижонов Ў. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009; Раҳимов А. Роман санъати. – Фарғона: Фарғона нашриёти, 2015; Умунов Ҳ. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002; Раҳимжонов Н. Бадиият – бош мезон. – Тошкент: Академнашр, 2016; Раҳимжонов Н. Адиб эстетикаси. – Тошкент: Фан, 2017; Курунов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004; Курунов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997; Курунов Д. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: Академнашр, 2018; Қосимов У. Адабиётнинг ҳаётбахш кучи. – Тошкент: ЎЗМУ кутубхонаси нашриёти, 2008; Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент: Муҳаррир, 2011; Каримов Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. – Тошкент: Фан, 2016; Кучкарова М. Ҳозирги ўзбек насрида бадиий шартлилик. Филол. фанлари д-ри... дис. – Тошкент, 2020.

кисса ва романда муаллиф онгининг шаклланиши, намоён бўлиш йўсинларини Улуғбек Ҳамдам ижодида юзага чиққан ўхшашлик ва фарқларни тавсифлаш;

Исажон Султон ҳикоя ва қиссаларида мифологик талқиннинг чуқурлашувида тарихий ривоят ва афсоналарнинг роли ҳамда вазифавий аҳамиятини далолатлаш;

бадий ижодда анъана ва ноанъанавий жараёнларнинг теранлашувида муаллиф онги-шуурида бўй кўрсатаётган талқин экзисларини белгилаш;

портрет ва пейзаж, туш ва ўнгаро кечаётган овозлар симфониясининг онгда аввалдан содир бўлган воқелик бўлиши мумкинлигини назарий жиҳатдан асослаш;

ижодий ният яхлитлашувида муаллиф онгидаги ритм ва пафоснинг асарга айланиш қонуниятларини ойдинлаштириш.

Тадқиқот объекти сифатида Улуғбек Ҳамдамнинг “Инсон”, “Ёлғизлик”, “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар”, Исажон Султоннинг “Ойдинбулоқ”, “Муножот”, “Онаизорим”, “Боқий дарбадар” каби ҳикоя, кисса ва романлари асос қилиб олинди. Мазкур асарлардаги муаллиф онги, мени, воқеликка интим муносабатлари поэтик қирраларининг жаҳон адабиёти намуналари таъсирида юзага келган маърифий билишга бўлган интилишларини биографик, қиёсий усулда ўрганишга мурожаат қилинди.

Тадқиқот предметини муаллиф онгида шаклланган поэтик воқелик ҳамда замон, макон, даврда кечувчи ўсиш, ўзгаришларни, сюжет ва композиция уйғунлиги замирида аниқлашда жаҳон адабиётида рўй бераётган адабий янгиланишлар негизида, мавжуд ўзбек насрида юзага келган муаммоларни таҳлил ва талқин қилиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияни шакллантиришда қиёсий-типологик, структурал, биографик, герменевтик ва психологик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

Улуғбек Ҳамдам ва Исажон Султон асарларида муаллиф “онг”и ва “мен”ини ифодалашнинг миф ва дин, фалсафа ва адабиёт, тавсифлаш ва тил воситалари асосида ривожланиш тадрижи ва эпос, драма, романларнинг ўзига хос тамойиллари юнон мифологияси билан алоқадорлиги далилланган;

Улуғбек Ҳамдам ижодининг “Ёлғизлик” қиссасидан бошланган индивидуал услубий хусусиятлари ва муаллиф ижодий концепциясининг бадиий такомилли унинг асарларида акс этган “мен” ва “онг” табиатидаги эврилишлар ҳамда ёзувчи ижод лабораторияси ўсиб борганлиги асосланган;

Исажон Султонга хос мифопоэтик талқин унсурлари мифологик тафаккурнинг поэтик метаморфоза негизида юзага келиши ва бадиий мифопоэтик талқинга айланиш жараёнининг онг ва туйғуда яхлит концептуал сабаб ва омиллари асосланган;

ёзувчилар (Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон) ижодий концепциясидаги “онг” ва “мен” талқини жаҳон бадиий тафаккурида юз бераётган ижодий анъана ва янгиланишлар, бадиий тафаккур борасидаги ижодий эврилишлар, мутафаккир зотларнинг миллий ўзликни англаш борасидаги миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар ҳамда фалсафий-ахлоқий қарашлари асосида далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

муаллиф ботинидан айро чиққан фалсафий-эстетик концепция ва образлар системасида китобхоннинг ички бир “билиш” манераси уйғунлик касб этиши аниқланган;

бадиий талқин қамровининг кенгайиши (Исажон Султон), фалсафий-рамзий талқин (Улуғбек Ҳамдам) романлари, қисса ва ҳикояларида “янги инсон” табиатини алоҳида бир индивид тарзида инкишоф қилиш концепцияси асосланган;

роман жанрининг поэтик қонуниятлари ва психологик лавҳаларнинг бадиий яхлитликда тутадиган ўрни ва аҳамияти композицион узвийликда ўрганилган;

макон ва замонда кечаётган инсон ҳаётини бадиий талқин этишда фалсафий фикр такомилли, давр руҳияти ва ижодкор шахсияти муштараклиги белгилаб олинган;

роман хронотопида муҳимлик касб этган асосий психологик усул ва воситалар ижодкорнинг субъекти билан ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республикамиз ҳамда жаҳон олимларининг илмий-назарий фикр ва қарашларига асослангани;

нашр қилинган тезис ва мақолалар, илмий журналларда тадқиқотлар тегишли муассасалар томонидан тасдиқлангани;

тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методлари қўлланилгани;

янги адабиётшунослик методологияси ёрдамида таҳлил ва талқин қилингани;

диссертацияда илгари сурилган амалий таклиф, тавсия ҳамда хулосаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, таҳлилга тортилган адабий-бадиий, илмий-назарий манбалардан, изланишнинг якуний хулосалари сифатида тавсия этилган материаллардан ўзбек тетралогияси, ёзувчи маҳорати ва адабиёт назарияси масалалари ҳамда мустақиллик даври ўзбек насрига доир тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимидаги “Янги ўзбек адабиёти”, “Ҳозирги адабий жараён”, “Ўзбек адабий танқиди тарихи”, “Адабиётшуносликка кириш” каби фанлардан дарслик, ўқув қўлланмалар яратишда ёрдамчи материал сифатида ҳамда ёзувчилар ижоди бўйича алоҳида семинар ва махсус курсларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий ўзбек насрида муаллиф онги ва уни фойдалаш шакллари тадқиқ этиш ҳамда унинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш асосида:

жаҳон адабиётшунослигининг поэтик қонунияти ҳисобланган муаллиф “онг” ва “мен”ини ифодалашнинг ривожланиш тадрижи ва ўзига хос тамойилларининг юнон мифологияси билан алоқадорлиги антик давр адабиёт намуналарини таҳлил қилиш асосида чиқарилган илмий хулосалардан ФА-Ф1-ГОО2 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасини бажариш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 17 ноябрдаги 350/1-маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг фольклор ва адабий жанрлар юзасидан назарий манбалар бойишига эришилган;

Улуғбек Ҳамдам ижодининг индивидуал услубий хусусиятлари ва муаллиф ижодий концепциясининг бадиий тақомили унинг асарларида акс этган “мен” ва “онг” табиатидаги эврилишлар ҳамда ёзувчи ижод лабораториясини ўрганиш асосида олинган хулосалардан ФА-Ф1-ОО5 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳасини бажариш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 17 ноябрдаги 350/1-маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг фольклоршунослик ва адабиётшунослиги тарихини юзасидан бобларининг назарий манбалар билан бойишига эришилган;

Исажон Султонга хос мифологик тафаккурнинг поэтик метаморфоза негизида юзага келиши ва бадиий мифопоэтик талқинга айланиш жараёнининг сабаб ва омиллари бадиий психологизм қонуниятлари асосида ўрганилиши юзасидан чиқарилган хулосалардан Ё0-А1-009 рақамли “Олий таълим муассасаларидаги фанларни ўқитишнинг методик системасини ишлаб чиқиш ва шу асосида инновацион электрон ўқув-услубий мажмуасини яратиш” амалий лойиҳаси мазмунига сингдирилган (Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг 2021 йил 06 декабрдаги 5154-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг мифологик тафаккурнинг поэтик

метаморфоза негизда юзага келиши ва бадий мифопоэтик талкинга айланиши ҳақидаги ғоялар билан бойитилишига эришилган.

ёзувчилар (Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон) ижодий концепциясидаги “онг” ва “мен” талқини жаҳон бадий тафаккурида юз бераётган ижодий эврилишлар, мутафаккир зотларнинг миллий ўзликни англаш борасидаги фалсафий-ахлоқий қарашлари асосида чиқарилган хулосалар ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳасини бажариш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 17 ноябрдаги 350/1-маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг назарий маълумотлар, амалий ишланмалар билан бойишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробациялари. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика, 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 127саҳифани ташкил этади.

I БОБ. ЎЗБЕК НАСРИДА МУАЛЛИФ “МЕН”И ВА РОМАНИЙ

ТАФАККУР УЙҒУНЛИГИ

1.1. Поэтик ифодада муаллиф дунёқарашини шакллантирувчи омиллар

Барчамизга маълумки, бадиий асар хоҳ у насрий, хоҳ у шеърий, драматик турга мансуб бўлсин, муаллиф барча воқеликни акс эттирувчи, бошқарувчи, сараловчи, бириктирувчи, ўзгартирувчи, қолаверса, сўзлаб, баён қилиб берувчи бош қўмондон вазифасини бажаради. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, ёзма адабиёт тараққий этгунга қадар, бу жараён турли даврларда ўзига хос тарзда ривожланиб, сайқалланиб, тараққий топиб келмоқда. XX аср инсоният тарихида мисли кўрилмаган тараққиёт палласига қадам қўйган бир даврда “одамзоднинг изтиробларини бадиий инъикос топтириш, уларни таҳлиллаш” манераси ҳам тубдан янгиланди. Мавжуд ҳаёт жумбоқларини, чигал муаммоларни ҳал қилишда мумтоз анъаналардан тамомила бошқа бир жанр – роман, қисса, ҳикоялар инжа дардларимизни қаламга олиб, тафаккурга бошқача ёндашув ҳада қилди. Булар жаид мутафаккирларининг турли асарларида акс этиши эътироф этилган ҳодиса.

Биринчи жаҳон урушидан кейин янада оммалашган роман шакли ва табиати одамзоднинг яшаб қолиш умидида олиб борган саъй-ҳаракатларини қаламга олишга киришди. Келажакни олдиндан кўра билган ёзувчилар одамзод манзиллару маконларда қаерга қараб кетаётганини турли хил асарларида тасвирлаб беришга ҳаракат қилдилар. Бу каби маънавий-рухий эҳтиёж ўзбек адабиётини ҳам четлаб ўтгани йўқ.

Муаммонинг илдизига назар ташлайдиган бўлсак, Ж.Жойс, Ф.Кафка, А.Камю, Т.Вулф, М.Твен, Т.Драйзер, У.Фолькнер, Э.Хемингуэй каби жаҳон сўз санъати намояндалари бадиий изланишларида бадиий тафаккур ва

муаллиф онги ифодасининг монологик, диалогик, полифоник нутк шаклларида акс этиш жараёнини кузатиш мумкин бўлади³.

Романчилигимиз асосчиси Абдулла Қодирий энг кичик жанрдаги ҳикоядан то романларигача “муаллиф онги, бадий тафаккури”ни ифодалаш шакллари тубдан ўзгаритиришга ҳисса қўшди. Абдулла Қодирий ва Чўлпон бошлаб берган анъана кейинчалик А.Қахҳор, Ойбек, Ғ.Ғулом, О.Ёқубов, П.Қодиров, Т.Қайипбергенов, Ў.Умарбеков, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, М.М.Дўст, Э.Аъзам, Х.Даврон, Н.Эшонқул, Л.Бўрихон, У.Ҳамдам, И.Султон бадий изланишларида турлича шаклда намоён бўлгани айни ҳақиқатдир. Ўзбек ёзувчилари миллий колорит, миллий адабий-бадий тасвир ўзанидан сира узоқлашмаган ҳолда қайсидир маънода, жаҳон адиблари экспериментларига эргашган пайтлари ҳам бўлди. Бироқ уларнинг ижоди бир-бирини тўлдирувчи моҳият касб этмасдан, ўзига хос услубий-ижодий мактабини яратиш бобида тинимсиз изланишлар олиб борди.

Замонавий ўзбек насрида муаллиф онги ва образини типиклаштириш, уларнинг бадий асар поэтикасидан алоҳида бир муаммо тарзида ажратиб ўрганиш кам ўрганилган. Европа ва рус адабиётшунослигида бу борада анча тадқиқотлар олиб борилган⁴. Демак, муаллиф онги бадий тафаккур шаклига айлангунга қадар босиб ўтилган ижодий услуб ва маҳоратда намоён бўлади. Айниқса, ижодкор бадий концепцияси онг ва туйғу яхлитлигида юзага чиқадиган муҳим масалалардан бири эканлиги аёнлашади. Биз бадий асарни ўқиганимизда, муаллиф – ровий – ҳикоячи образини эмас, ундаги воқеликка қизиқиш натижасида муаллифни ёдимиздан кўтарамиз. Аксинча, уларнинг ҳаммаси, бўлиши мумкин бўлган воқелик муаллиф онгида илк хамиртуруш сифатида етилади. Адабиётшунос Ҳ.Умуров: “Ёзувчи ҳар бир қаҳрамоннинг овозини, юз ифодасини, кечинмасини, сўзлаш услубини бериш учун унинг

³ Қаранг: юқорида зикр этилган ёзувчилар асарлари келтирилади.

⁴ Виноградов В.В. Проблема авторства и теория стилей. М., 1961. С 34-35; Козьмин В.Ф. Автор и образ повествователя в романах и циклах. Филологический науки. 1977. №.4.С. 17; Тимофеев Л. И. Советская литература. Метод, стиль, поэтика.М. 1964. с 227; Нестеренко А. А. Авторская позиция в повествовательном произведении. АҚД. М.1970. с 22; Кожевников В. В. Проблема автора и путь писателя. Контекст. М.1977; Нестеренко А. А. Авторская позиция в повествовательном произведении (на материале творчества Л. Н. Толстого 1850-60-х годов). Автореф.дис. канд.филол.наук. М. 1970.

хатти-ҳаракатини, ирода йўналишини асослаш учун, албатта, ўша қаҳрамонларнинг қиёфасига киришни шарт қилиб қўяди. Бусиз ёзувчи, қаҳрамоннинг ўша шароитдаги, айти шу вазиятдаги қалб ҳолатининг ўзига хослигини тасвирлай олмайди. Дарвоқе, тасвирланаётган шахс билан ёзувчининг шахси ўртасида ўхшашлик бўлмаса-да, унда ёзувчи автобиографиясининг унсурлари кўринмаса-да, барибир, ўзининг юзлаб қаҳрамонларининг ички табиатига мос ўзак нуқталарни топиб тасвирлаш қудратига эга. Чунки юқорида айтганимиздек, ҳар биримизда яширин тарзда инсоний хусусиятларнинг ҳаммаси мавжуд, лекин улардан қай бири бўлсин ички эҳтиёж (қаҳрамон характери) талаби билан биринчи планга чиққанида, ёзувчи тасаввурида жонлана беради. Баъзилар ўйлаганидек, ҳамма дунёда бор руҳий кечинмаларни ёзувчи бошидан ўтказган бўлиши шарт эмас”.⁵ Дарҳақиқат, келтирилган манба шуни тақозо этадики, илк асос – ғоя муаллифнинг олам ва одамга бўлган муносабатидан бошлаб шакллана бориши мумкин. Масалан, болаликда кўрилган қандайдир воқелик инсон онгида, қалбида ўзининг ижобий ва салбий хусусияти (изи)ни қолдирган бўлганида аста-секинлик билан даврини сезилмаган тарзда ўзгартириб бораверади. Уни муаллиф туш сифатида, ҳаётда прогматик рўбарў келган тақдирда ҳамда англамсиз ҳолатда содир бўлишига йўл очиб бериши табиий.

XX аср ибтидосида инсоният бадиий тафаккурининг барча қатламлари – эсселашув жараёнига аста-секинлик билан тадрижий такомиллашув босқичига ўта бошлади. Унда ёзувчи “мен”ининг устувор қатламлари борлиқни бадиий идрок этиш тамойилларини қоришиқ ҳолда баён қилиш борасида янги жанрлар барқарорлашувига замин ҳозирлади. Ж.Жойс, Ф.Кафка, А.Камю сингари файласуф-эссеист ёзувчилар инсонни кашф қилишнинг – туш, хотира, эссе, бадиа каби кўплаб тасвир усулларида муаллиф онгини ва уни ифодалаш усулларини жорий қилишга эришдилар. Ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик биринчи жаҳон уруши йилларида бадиий тафаккурда ўзига хос силжишни юзага келтирди. Булар ҳар қандай

⁵ Умунов Х. Бадиий ижод асослари. –Т: “Ўзбекистон”.2001. –Б. 91.

шароитда – инсон яшашга ва яшаб қолишга маҳкум мавжуд эканлигини ўз асарларида инкишоф қилдилар. Бу борада Тилаволди Жўраевнинг қуйидаги фикрлари ўринлидир: “Ўзбек онг оқими насрида тасвирланаётган дунё бутунлай ўзгача ғоявий-бадий принципларга асосланадики, унда “янги психологик материя” кидириш, борлиқни миф афсоналар асосида англаш, ташқи олам ва инсонни сахналаштириш, ҳаётнинг моҳиятини туб “ички истак” сингари руҳий-ғайришуурийликлар билан ўлчаш тенденциялари йўқ, балки унда романнинг асл моҳияти – шахснинг жамият ва тарих билан юзма-юз тўқнашуви “ярқ” этиб кўриниб туради. Ўзбек модерн йўналиши ғайришуурийликни инсон фаолиятининг ягона стимули, ижтимоий, жамоат шарт-шароитларидан мустасно руҳий бойлиги саналмайди. Шахснинг тарих билан, жамият билан юзма-юз учрашуви давр талаби, замон руҳидир”⁶. Ҳақиқатдан ҳам, бундай тасвир йўсини У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик”, И.Султоннинг “Муножот” қиссаларида ўзига хос тарзда янгича тасвир йўсинларида “муаллиф мени”ни қайта идрок этишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Улуғбек Ҳамдамнинг “Инсон” номли ҳикояси 1996 йил чиққан бўлса-да, бу ҳикояда “муаллиф онги” модификацияси кейинчалик “Ёлғизлик” қиссасида кенг шаклда қайта идрок қилинди. Бу ўлчов ҳикоядан – қиссага, қиссадан – романга қадар турланиб, воқелиқни ифодалашда рамз, миф, афсона, туш, онг ости қатламларида қайта талқин қилиниб, жанрий-композицион яхлитлик синтезлашув ҳодисасига қадар узок ва залворли йўлни босиб ўтишга шароит ҳозирлади.

Шароит ва муҳит ўртасида узвийлик бўлмаса, алалоқибатда инсоният ўзи яшаб турган жамиятдан ажралиб, “бегоналашув” сари қадам ташлай бошлайди. Муаллиф онгидаги ўсиш-ўзгаришлар, тушиш ва йўқотишлар Фрейд таъбири билан айтганда, қачонлардир содир бўлган хотирадаги – туш воқелиқка рўбарў келади. Муаллиф ана шу вазиятни “тутиб қолиш инстинкти” билан азобланиб яшайди. Бундай тасвир Улуғбек Ҳамдамнинг “Аудитория” номли залворли ҳикоясида ҳам кўзга ташланади:

⁶ Жўраев Т. Онг оқими модерн. “Фарғона” нашриёти. 2009. –Б.162.

–Инсон ҳаётининг мазмуни нимада? Биз қайдан келдигу ўлимдан кейин қаерга борамиз? – деган савол башар аҳлининг доимий сўроқларидан бири бўлиб келган. Ҳар бир давр, ҳар бир соҳа – мифдан тортиб дингача, диндан то илмгача – ҳамма-ҳаммасининг бағрида фикрловчи инсон ушбу саволга баҳоли қудрат жавоб излаган. – Профессор аудиториянинг энг охиридаги ўриндиклардан бирида маърузани берилиб тинглаб ўтирган талабанинг кўзларига қараб гапирарди. – Замонавий дунёда мазкур саволни аҳён-аҳёнда бўлса-да, ўз-ўзига бермайдиган, ҳаётини, кечмиш ва кечаётган кунларини шу савол билан тинмай қамчилаб яшамайдиган, шунга эҳтиёж туймайдиган одам ўзини тўлақонли инсонман, деб ҳисоблаши ўринсиздек туюлади менга. Чинакам адабиётнинг асос масалаларидан бири ҳам аслида шу. Лекин бугунги инсон...”⁷

Фикрловчи инсонга жамият билан мураса қилиб яшаш ҳамма замонларда осон кечмаган. У.Ҳамдам ҳикоясидаги қаҳрамон – Профессор нутқида, табиатида, мулоҳазалари-ю, мушоҳадаларида баъзан иккиланиш рўй берса, баъзан материя моҳиятини англашда зўриқишга дуч келади. Инсон – коинотнинг энг ақлли ва мукаммал яратиги. Ёзувчи ана шу яратикнинг ботинини кашф қилишга диққат қаратади. Муаллиф онгини безовталаган, унинг кечмишларида акс-садо бераётган ўз-ўзи билан олишуви маълум маънода ёлғизликка маҳкум этилган қисматни ёдимизга солади. У ўзи яшаб турган жамият, ундан каттароқ қитъа, материя, борлиқни англашнинг бирдан-бир йўли ўз табиатига мутаносиб ва муносиб йўл излашни асосий мақсадга йўналтиради. Ҳикоядаги муаллиф онги ва унинг ўз-ўзи билан олишув жанги атроф-муҳитнинг яралиш мантиғини билишни унчалик хуш кўрмаганлигида деб, бир тўхтамга келганлигида қабариб кўринади.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бу каби ҳикоялар ўтган асрнинг 60 йилларида кўплаб яратилди. Масалан, Ғофур Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикоясида муаллиф ва муҳит ўртасидаги кескин зиддиятлар бир бечора оила тимсолида ҳаққоний ўз ифодасини топган. Бир қарашда

⁷ Ҳамдамов У. Аудитория. Ҳикоя Манба: www.ziyouz.com. 2021 йил.

мазкур ҳикоядаги муаллиф онги – хотиранинг энг чуқур пучмоқларида аксадо берган “йўқчилик”нинг юзага чиқишидаги ижтимоий-психологик ҳолат бўлиб яхлитлашади. Айнан ижтимоий тенгсизлик ёзувчи онгида уйғонган ёки куртак ёзаётган борлиқни англаш ва уни моделлаштириш жараёнидаги психологик таранглиқни ҳам тадқиқ марказига йўналтиради. Бу ҳақда тадқиқотчи Ш.Ботирова қуйидагича қайд этади: “Бадий асар реал олам, воқеликка нисбатан ёзувчи муносабати ҳосиласи сифатида юзага келар экан, унда объектив борлиқ субъектив англаш, тасвирлаш, таҳлил этиш орқали намоён бўлади. Ёзувчи асарда характер бадий тадрижини шакллантирса, иккинчи томондан, жамият ҳаётининг муҳим қирраларини тасвирлай боради, учинчидан инсон иродасини букиб турган тўсиқларни аёвсиз тафтиш этади”⁸. Бу иқтибосда учта муҳим жиҳат эътиборга шоёндыр: биринчидан, характерни шакллантириш, иккинчидан, жамият ва шахс ихтилофидаги жарлик, учинчидан, муҳитнинг хунрезликларини кўриниб тургандек образли бўрттириш манераси идрокланган. Айниқса, “Ёлғизлик” қиссасидаги муаллиф онги ва унинг тафаккур тарзига қаратилган бир қанча тасвирларда “ўз-ўзингни англаб ет” тамойили фалсафий-эстетик нуқтаи назаридан мураккаб тушунчаларни ҳосил қилади. “Инсоннинг ўзини куршаган дунёни тушуниб етиши муҳим фалсафий муаммолардан биридир. Моҳият эътибори билан, дунёни билиш мумкинми, деган масала дунёнинг инсон онгида аниқ ва тўлиқ акс этиш, инсоннинг бу дунёда онгли ва эркин мўлжал олиш ва фаолият олиб бориш имконияти тўғрисидаги масаладыр”⁹. Худди шу тарзда ёзувчилар ҳам ўзининг яшаб турган муҳит ва замони, жамиятидан ҳеч ҳам узоқлаб кетолмайды. Шунинг учун ҳам онг ва тафаккур йўсинида янги уфқларни забт этишга ўзида катта куч ҳамда имкон топа олади. Бинобарин, онг оқими тасвири ички монологга нисбатан қатъий чегарага эга бўлади. У ўзимизни, айни пайтдаги тафаккур тарзимизни ўлчов мезонлари билангина

⁸ Ботирова Ш. Ҳозирги ўзбек романларида бадий психологизм муаммолари. Филол.фан.бўйича.фалсафа док.(PhD).-Қарши. 2019. –Б.51.

⁹ Шермухамедова Н. Гносеология – билиш назарияси. –Т: “2008”. –Б.199.

баҳолай олади. Инсон ўзи яшаб турган муҳитдан сира узоқ кетолмагани каби ўзининг башарият олдидаги умуминсоний қарашларидан ҳам айро тушмайди.

Маълумки, “Ёзувчи шахсининг шаклланиши унинг ўзига хослиги тарихий шароит ва муҳитнинг таъсирида рўй беради. Муаллифнинг нуқтаи назари маълум маънода ижтимоий-тарихий, сиёсий-догматик, диний-маърифий соҳалар билан бевосита чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланади. Бундай тавсифлаш ёзувчи дунёқарашини герменевтик характерда тадқиқ қилишни тақозолайди. Мутаносиблик ва мансублик ёзувчини ўзи яшаб турган даврга ихтиёрий равишда қарам қилиб қўйиши онг ва туйғу пучмоқларида катта якрангликни келтириб чиқаради. Ғоя ва мантиқ чегараси айнан муаллиф онги шуурида, зехниятида янада бошқача бўёқларда юзага қалқиб чиқа бошлайди”¹⁰. Дарҳақиқат, мазкур тавсифлаш У.Ҳамдам ижодида шахс-жамият-олам учлигида қабариб кўринади. “Ёлғизлик”даги муаллифнинг кундалигини ўқиб берувчи дўст образи, “Исён ва итоат”даги Акбар ва Табиб муносабатлари, “Мувозанат”даги Юсуф, “Сабо ва Самандар”даги Самандар ва Шердил характерида муаллиф онги ва тафаккурининг ғайришуурий равишда ўзгариб бориши, мураккаб сегментларнинг юзага чиқишида асос бўлади.

Поэтик ифодада муаллиф дунёқарашини ривожлантирувчи омилларни шароит, муҳит, давр, замон, макон, билиш, материя сингари қатор компонентлар узвийлигида аниқлаштириш ўзини оқлайди. Миллий характер ўсиш-ўзгаришларида қадрият сифатида улуғланган азалий ақидалар инсониятни бир-бирига ўтиб турувчи истакларида янада жилваланади. Моҳиятга интилиш ва мавжудлик жумбоғини ҳис қилишга қаратилган муаллиф дунёсининг хилма-хил диалектик қонуниятларга эргашиши “мен”нинг бутунлигини англашга йўл очади. Зеро, талқин ва тасвирдаги янгича шамоийил онг ости ҳисларининг қайта уйғонишига замин яратади. Натижада муаллиф ва дунё қоришуви ягона бир универсал тизимда поэтик

¹⁰ Водясова Л., Жиндеева Е. Способы представления авторского сознания как коммуникативная стратегия художественного творчества. – Тамбов: Грамота, 2015. № 8 (50): в 3-х ч. Ч. III. С. 44-46.

матрицани янгилашга кенг имкон яратади. Бу онг ва тафаккур англамларида шахснинг ўзини-ўзи тафтиш қила олиш малакасини ҳам жиддий синовдан ўтказишга тайёрлайди.

XX аср ўзбек насрида коммунистик мафкура одамзоднинг “онгини ювиш” билан шуғулланди. Онгимизда азал-азалдан яшаб келаётган миллий ўзлик “мен”, кадрият ва эътиқодни ташқарига қувиб чиқаришга уринди ҳамда маълум маънода мақсадига эришди. “Психоаналитикларнинг аниқлашича, “кумир”, яъни идеал дея билиш ва интилиш, гарчи у инсон онгли фаолиятининг дастлабки босқичига хос бўлса-да, инсонни фаоллаштиради, маълум мақсадга йўналтиради. Шарқда эса ўз илоҳий кудрати, билими билангина эмас, яшаш тарзи, эътиқоди билан ҳам сабоқ бўлган кишиларни “пир” деб уларга қўл берганлар. Ўз эътиқоди йўлида ўлимга тик борган пирлар ҳақида биз бугун уйғониш даврида эшитаяпмиз, ўқияпмиз, улар эришган ёки эришиши мумкин бўлган фаолият кўламларини чамалаб кўраяпмиз. Буюк аждодларни мутолаа қилаяпмиз. Бўшлиқлар тўлиб боргандек бўлаяпти”¹¹. Кўринадики, Н.Эшонқул ички изтироб билан сўз юритаётган масала йиллар давомида “сохта метод гирдобида” қолиб келди. Бу қафасдан чиқишнинг бирдан-бир йўли – истиқлол эди. XX аср тонгида Жойсдан кейин майдонга чиққан ҳар қандай истеъдод ижодида унинг “мен”и сезилиб туради”(Таъкид бизники – Д.Тошпулатова). Ф.Кафка ва А.Камю ижоди ўзбек адабиётининг 90 йилларида кириб келган вакилларига таъсири бугун қандай асарларнинг дунёга келганлигини вақтнинг ўзи исботлаб турибди. Ж.Жойсни – *дарбадарлик*, У.Фолкнерни муттасил – *озодлик*, Ф.Кафкани – *ижтимоий-сиёсий тузум алдовлари*, А.Камюни – *мантиқсизлик, ижтимоий тенгсизлик* ҳамиша таъқиб қилди. Ва бу муаммо сифатида онгдан – бадий асарга, тафаккур, фалсафага, мантиққа кўчиб ўтди. Ўзбек насри архетиплардан маълум маънода озиқланди. Халқ оғзаки ижоди ва мифопоэтик тафаккур шаклини усталик билан ўзлаштирган адибларимиз хилма-хил ифода услубларда асарлар яратди.

¹¹ Назар Эшонқул. Мендан “мен”гача. –Т: “Akademnshr”.

Таъкидлаш жоизки, эпик баён усулида “муаллиф мен”и устувор аҳамият касб этади. Воқелик шартли равишда ровий-ҳикоячи бошқарувида муаллиф дунёқарашини ташувчи асосий фигурага эврилади.

Онг ва дунёқараш: бадий мазмунни ифодалаш шакли сифатида.

Муаллифнинг ҳар қандай вазиятда бадий тафаккурнинг ривожига қўшган саъй-ҳаракатлари олам ва одамга муносабатда янада барқарорлашади. Аввало, ижодий ниятнинг бадий такомили вақт ўтиши билан ўсиб боради. Инсон онги таҳлилига бағишланган асарлар жаҳон адабиётида алоҳида муҳокамага тортилганига уч асрдан ошди. Бу жараён теран бадий инъикос топиши XIX асрдаги каби кенг қўламга эга бўлганича йўқ. Бу адабий формуланинг ўзбек насрида қай даражада акс этишини У.Ҳамдам ва И.Султон асарлари негизида аниқлаштириш саволларга жавоб топишдан иборат эканлиги аёнлашади. Таниқли рус олими В.В.Виноградов таъбирича, муаллиф образи, моҳияти унинг мавзуга бўлган муносабатида қабариб кўринади¹². Адабиётшунос А.И.Есин бу атамани хийла кенгайтириб “муаллиф позицияси”, “муаллиф баҳоси”, “муаллиф идеали” сингари атамалар билан номлаб, ҳар бир асар таҳлилида буларни четлаб ўтиш ишончни оқламаслигини далолатлайди¹³. У.Ҳамдам ва И.Султоннинг онг ва туйғуда акс этаётган воқеликни қоришиқ ҳолда ифодалаш манераси янгиланаётган бадий тафаккурда акс этиш жараёнини бир-бирига ўхшамаган ҳолда тасаввур қилиш мумкин. У.Ҳамдам ижодида **“муаллиф онги”**, **“муаллиф идеали”**, **“муаллиф дунёқарашини”**, **“муаллиф позицияси”**, **“муаллиф образини”**нинг турли шаклда ҳикоядан – қиссага, қиссадан – романга – романдан – эссега қараб ўрин алмашиниб туради. Яъни “Ёлғизлик” асари ҳақида сўз юритган У.Норматов: “Ёлғизлик” У.Ҳамдамнинг кейинги асарларида турли хил жанрда акс этишига хамиртуруш вазифасини ўтайди¹⁴, деган ибратли мулоҳазалари бугун ўз исботини топмоқда. Л.С.Выготский, В.Самохин, А.Асмоилов, П.И.Иванов,

¹² https://ru.wikipedia.org/wiki/Путешествие_на_Запад.

¹³ Есин И.А. Принципы и приемы анализа литературного произведения: учеб.пособие.– М., 2000. – С. 167.

¹⁴ Норматов У. Ижод сеҳри. –Т: “Шарқ”. 2007. –Б.235.

М.Е.Зуфарова, Умберто Эко, Ян Парондовский, А. Ковалев каби олим ва файласуфларнинг илмий-назарий, адабий қарашларида муаллиф шахси ҳақида изланишлар олиб борилган. Ғарб фалсафасининг моҳиятида ШАХСнинг ривожланиши кўпинча ижтимоий муҳит билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шарқда эса ижтимоий муҳит суврати ШАХС камолотининг асоси эмаслиги, балки унда бир вақтнинг ўзида МАЪНАВИЙ комиллик ҳам уйғун бўлишини қатор мумтоз шоирларимиз ҳаққоний ифодалаб берганлар. Истиқлол йилларида адабиётшуносликда фрейдизм таъсирида инсон онги ва шуурида кечаётган воқеликни – ёзувчи-ижодкор онги ва дунёқараши билан боғлиқ жараён сифатида талқин қилиш амалиёти кучайди¹⁵. Жумладан, Фрейд таълимоти ўзбек насрида талқин методологиясининг янгиланишига замин яратди. Муаллиф онги ва шуурида кечаётган “тартибсиз воқелик”ни яхлит композицияда акс эттириш жараёни ижодий концепция билан боғлиқ тарзда “кашф” қилинмоқда. Машҳур психоанализ Эрих Фромм: “Онг бу – биз ташқи дунё билан қилаётган муомаламиз, ҳаракатларимиз билан боғлиқ бўлган миямиз фаолиятидир. Онгости – ташқи дунё билан алоқамиз тўхтаганда “ишлайдиган”, ўзимизни англашга қаратилган миямиз фаолиятидир, бинобарин, унинг хусусияти эгаллаб турган ҳолатимизга боғлиқ¹⁶. Ҳақиқатдан ҳам, Эрих Фроммнинг “онг ости” ибораси фрейдизм таълимотининг бир шакли, холос. Шахснинг ташқи дунё билан очик ёки ёпиқ мулоқоти, ҳаракатларимиз билан узвий боғлиқ тарзда кечиши, кундузги кўрган воқелик реал олам – онг остига, уйқудаги фаолиятга таъсир кўрсатади. Ички ҳолатимизнинг турли кўринишлари онг остида йиғила боради. Шахс билиб-билмаган ҳолда ҳис-туйғу, кечинмани “вақти келган пайтда” қоғозга туширади.

¹⁵ Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. – Тошкент: Noshir, 2008. – Б. 25; Жўраев Т. Онг оқими модерн. – Фарғона: фарғона,ф 2009. – Б. 204; Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2014. – Б. 388; Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 546 ; Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 204; Куронов Д. Завқимдан бир шингил. –Т: “Akademnashr”, 2015. –Б.56. Р.Раҳмат. Адабиётдан чиқиш. –Т: “Akademnashr”. 2015. –Б. 232.

¹⁶ Эрих Фромм. Инсон қалби. –Т: “Ўзбекистон”. 2016. –Б.63.

Онг остида кечаётган жараён фаоллашувида моддий-биологик эҳтиёжнинг ўрни янада ошиб боради. Инсон онг ости истаклари, эҳтиёжлари тўйинмагунича ҳаракатдан тўхтамайди. *Изланиш, ўрганиш, англаш, синтезлаш, тасаввур, тафаккур* юритиш натижасида мукаммаллашиб боради. Бу эса, ўз навбатида, ижодкорда “ёзиш майлининг кучайишига олиб келади” (Н.Эшонқул). У.Ҳамдам “Ёлғизлик” қиссасида ҳам дўст, ҳам қаҳрамон, ҳам образ, ҳам мукаммалликни соғинган комил инсон сифатида ҳаёт икир-чикирларидан – олий мезонларгача таҳлил призмасидан ўтказди. Ўқувчи қаҳрамоннинг алғов-далғов ўй-кечинмаларини фаол қабул қилиши мумкин эмас. Негаки ундаги сочилиб кетган онг остида содир бўлиши мумкин бўлган турфа воқелик завқ ва шавқ бермайди. “Япониянинг аллақайси оролида йил ўн икки ой вулқон отилиб, ер қимирлаб туради, деб эшитганман. Улуғбек “Ёлғизлик” асарида инсон қалбининг ана шундай ҳамишалик безовта, таҳликали қисмини тасвирлашга уринган. У ўз мақсадига эришиш учун ҳикоя ё қисса ёзишнинг маълум ва машҳур анъаналарини қурбон қилиб юборган. Инсон қалби ҳақида ростгўйлик билан гапиришга шу қадар уринганки, ҳатто ёзганлари одатдаги бадиий асарга ўхшамай қолган. Тил – одамнинг оғзидаги ортиғи, деймиз. Тил одамга ўз фикрини яшириш учун ато этилганлигини кўпчилигимиз биламиз. Мен шуни сездимки, Улуғбек асари давомида тилнинг ҳақиқатни яшира оладиган жиҳати – мантиқни парчалашга уринган. Мантиқ тамом бўлган жойдан инсон қалбига илк қадам ташлаймиз, дейди олмон файласуфи.¹⁷ Бинобарин, У.Ҳамдам мантиқни парчалаб, онг остида йиғилган – изтироб, айрилиқ, фожеа, инсон мукаммаллиги, Яратганни танишига қадар бўлган турли-туман йўлларни “шаклий тартибсиз” бир йўсинда битган. Мантиқ ёзувчи онги остида шаклланаёзган катта фалсафа, ҳаётни англаш зинапоялари, Ҳақ ва Ботил йўлларни ажратиб турувчи концепция тарзида намоён бўлади. У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссасида муаллиф онгида куртак ёзган жамият тартиботлари билан сира чиқиша олмаган қаҳрамон ўй-кечинмаларини

¹⁷ Раҳимжон Раҳмат. Бир ёруғлик излаймиз ҳамон. –Т: “Akademnashr”. 2017. –Б. 4.

пайқаш қийин эмас. Чунончи, адиб инсон фожеалари қаршисида томошага ўч оломон кайфиятини ҳам “қистириб ўтади”. Айниқса, унинг наздида оломон томошага ўч, асл мақсадларининг “нима эканлигини билишга қизиқмаган” гуруҳ вакилларида яна қандай синоат кутиш мумкин, деган фалсафий хулосага келади. Жумладан:

“Вужудим жимирлар, борлиғим эрир... Мен бахтли эмасман, мен бахтнинг ўзиман! Мен ҳеч кимга ва ҳеч нарсага муҳтож эмасман. Чунки мен мен эмас, балки кўнглим мендир шу асно. Моддият тузоқларини бирма-бир парчалаб бораман, боравераман... Ниҳоят, рўбарўмда баҳайбат кенглик пайдо бўлади. Афсуски, мен унинг тилини тушунмайман. Унинг бўшлиққа, бўм-бўш дунёга айланиб қолишидан кўрқаман. Қўлингни берсанг-чи, Худо!..”¹⁸

Адиб Яратганга илтижо қилишида одатий ҳолатдан бошқа бир инсонга айлана боради. Ориф зотларгина дунё молу ҳавасига қўл силтайди. Унинг қаҳрамони ўта кучли ва ҳар қандай вазиятда ўзлигидан кечмайди. Маънавий дунёсида рўй бераётган ўсиш-ўзгаришлар замирида “мен”га қарата тузалишга йўл кўрсатади. Жисм – унинг учун бир восита, холос! Асл маъно ва мақсад сари одимлаётган қаҳрамон руҳиятидаги ўзгаришлар Биру Бор – Аллоҳга илтижо янглиғ намоён бўлиши айни ҳақиқатдир. Адибнинг ушбу қиссасининг ёзилиш даврига эътибор берайлик: йигирма олти ёшлардаги инсон фикрлаши, ёши қирқдан ошган ва ҳаётнинг пасту баландини татиган, турмуш қийинчиликларини бошидан ўтказган бир мусофир, дарбадар, дарвеш сифатидаги персонажни кўз ўнгимизга келтирамиз. Қаҳрамоннинг ички, ботиний эҳтиёжи нима? Бу саволга ўз-ўзи билан тинимсиз курашувида, жамият “чизиб берган қоидалар”дан юрмаслигида, бир марталик берилган умрни бахтли ва саодатли кечиришида, насиб қилган ризқдан тўла-тўқис фойдаланишида қабариб кўринади. Ж.Жойс, А.Камю, Ф.Кафка сингари адиблар қарийб саксон йил илгари бошидан кечирган тақдир синовлари У.Ҳамдам дунёсида миллий замин руҳида, румиёна фалсафа негизидан қайта кад ростлайди. Натижада адиб қаҳрамонига ҳаддан зиёд кўп “юк юклайди”.

¹⁸ Ҳамдамов У. Ёлғизлик. –Т: “Янги аср авлоди”. 2019. –Б. 18.

Ёзувчи бирин-кетин эълон қилган асарларини адабий танқидчилар, хаваскор илм соҳиблари “ахлоқсизликда айблаб чиққанлар”(А.Саидов). уларнинг бир ёқлама адабий қарашлари бугунги дунё етиб келган манзилни англаб билмаганида бўлиши ҳам мумкин. Адиб ўзининг бой фалсафий-психологик оламига олиб кирмоқчи бўлган воқелик аслида ҳар бир шахс тақдирида қайсидир маънода бўлиб ўтувчи воқеликнинг ўзгинасидир. Шу маънода, Америка адиби Э.Хемингуэй ҳақидаги рус олими С.Денисова фикрлари мақсадга мувофиқдир: “Агар адиб ёзаётган нарсаларидан жуда яхши хабардор бўлса, билганларининг кўпини матндан тушириб қолдириши мумкин ва у агар ҳаққоний воқеаларни тасвирлаётган бўлса, ўқувчи бу тушириб қолдирилган тафсилотларни ёзувчи қаламга олганлигидан ҳам кучли ҳис этади. Айсберг сузиб юришининг улуғворлиги шундан иборатки, унинг фақат саккиздан бир қисми сув юзасида қад ростлаб туради”¹⁹. Бинобарин, “Айсберг қоидаси” бадиий ижоднинг турли жанрларида кузатилади. У.Ҳамдам кўпинча кўп нуқталар билан иш кўради. Адибнинг бирон фикрни баён қилиб келаётиб, бошқа бир янги воқеликни ҳикоя қилиши, қаҳрамон чигал тақдирининг ҳар куни ҳар хил равишда содир бўладиган кайфиятининг “марказий белгиси” деб баҳолаш лозим. Кўп нуқталар моҳиятида сизу бизга айтмоқчи бўлган “муҳим гапи”ни англаш мураккаблик туғдирмайди. С.Денисова ҳам бадиий ижод психологиясида рўй берадиган асл ҳолатни шу йўсинда баҳолаши тўғри.

Онг остида кечадиган воқеликда ахлоқ масаласи. Санъат асарида акс этган фалсафа, мантиқ, психология, одоб-ахлоқ тамойиллари ёзувчининг ўзи томонидан қабул қилинган эмас. Санъат асари муаллифнинг онгли ҳаётидан “узиб олиниб” узатилган бир парча, холос. Ундаги руҳият, образлилик, кўп қатламлилиқни юзага келтирувчи асосий жиҳат – вазият ва шароит тақозоси маҳсули ҳам дейиш ўринли. Вазият – ёзувчи ёки муаллиф дунёсида ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Шароит – муҳит тартиботларини

¹⁹ Денисова Т. Секрет “айсберга: О художественной особенности прозы Э.Хемингуэя// Литературная учёба, 1980, № 5.

қабул қилиб, шу йўсинда яшаш қонуниятларини ўзида жипслаштиради. Вазиятнинг матн позициясида намоён бўлиши кўп ҳолларда “онгимизда уйғонмаган борлиқ”нинг инъикоси ўлароқ вужудга келади. “Санъат асари яна шунинг учун ҳам мураккаб ҳодисаки, унда бадиий матннинг юза ва ички қаватларидаги маънолар бир-бирини рад қилиши, муаллиф ўйламаган, истамаган мазмунлар ғайриихтиёрий равишда воқеаланиши, буни ҳатто муаллиф ўзи ҳеч қачон сезмай-билмай қолиши ҳам мумкин. Санъат асарини ҳар бир ўқувчи ўзича қабул қилиши, ўзича “ҳукм” чиқариши, ундан ўзича таъсирланиши мумкин”²⁰. Дарҳақиқат, ёзувчи Улуғбек Ҳамдам қаҳрамонининг ўй-хаёллари, тафаккур тарзи онг ва туйғуда акс этадиган турфа кечинмаларни илгари суради. Бир қарасангиз, қаҳрамон дарвеш, ориф, зоҳид, бир қарасангиз, шоир, ёзувчи, олим каби фикрлайди. Шу тарзда ўз ҳаётини ўнгламоқчи бўлган адиб воқеликни қаҳрамоннинг ўз оқимига қўйиб беради. Муҳаббат ва ғазаб, вужуд вайронакорлиги, эҳтирослар тартибсизлигида қаҳрамон чигал савдоларни бошидан ўтказди. У ўта курашувчан ва жасоратли ШАХСга айланади.

Америка ёзувчиси Уильям Фолкнернинг “Мен ўлаётган вақт” (“As I Lay Dying” 1930) романида кузатилган монолог тасвир усули Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссасида қаҳрамонни таҳлил қилишга имкон туғдиради. Матндаги аралаш-қуралаш воқелик 3 та қисмда намоён бўлади. Биринчи қисм ҳикоячи–ровий дўстининг уйига келиши ва дафтарни олиши. Иккинчиси ўша дафтардаги воқеликни ўқиб бериши. Учинчиси эса ниҳоят дафтарни ўқиб, ўзининг хотимасини келтириши билан якун топади. Асосий воқелик иккинчи қисмда рўй беради. Монологнинг ҳар бир лавҳасида воқелик ичдан очила боради. “Китобхон бу дунёни ичдан ҳис қилиши учун ана шу воқеликка, онг оқимига шўнғиши лозим”(А.Саидов).

“Бадиий асарни таҳлил қилар эканмиз, иштирок этувчи персонажлар билан бир қаторда, муаллиф шахсининг ҳам иштирок этаётганлигини ё

²⁰ Қурбонова Н. Нореал ҳаёт тасвирида образ ва хронотоп. Филология фан.бўйича.фалсафа доктори (PhD) диссентацияси автореферати. 2020. –Б. 17.

кўрмаймиз, ёки кўриб-кўрмасликка оламиз. Бадий асарларда муаллиф образи ҳикоя қилиш услубидан тортиб, асарнинг тили ва тасвир усулларида, ҳаётий материал ва воқеа-ҳодисаларга муносабатда ҳам аниқ намоён бўлади. Бир сўз билан айтганда, муаллиф образи унинг асарда ёрқин ифодаланган эстетик идроклари, тафаккури, мафкуриси, тасвирланаётган нарса ва иллатларидан ташкил топади”²¹. Ҳақиқатдан ҳам, бадий асар хоҳ у монологик усулда, хоҳ диалогик йўсинда ифода этилмасин, муаллиф образи воқеликда турли шаклларда намоён бўлади, бироқ айнан асардаги образни муаллифнинг шахсий, интим ҳаётдан “олинган парча” деб тушунмаслик керак. Ундаги руҳ, кайфият, онгли ва онгсиз ҳаёт нашидалари муаллифнинг ўзидан ажралиб чиққан иккинчи бир майдон, ҳудуд, манзилдир. Кўпчилик ҳолларда муаллиф-ровий-қаҳрамон тушунчаси нотўғри қўлланилади. Қаҳрамонни ўзидаги бор сифатлардан олиб, жамиятдаги шахсий-ҳаётий кузатиш, тажрибалардан келиб чиққан ҳолда қайта типиклаштиради. Бу типиклаштириш ёзувчининг мақсадга қандай ёндашув принциpidан туриб олиб боргани билан ўлчанади. У.Ҳамдам онги шуурида акс этган “борлиқ” ҳаёт материални қайта ишлашгача бўлган изтиробли ва машаққатли, азоб-укубатли масофани босиб ўтганлигини эътироф этиш жоиз. Юқоридаги келтирилган парчада: **“Кўлингни бер, Худо!”** деб нола қилиши, ҳаёт чархпалагида чирпирак қилиб учирилган, ўз моддий ва маънавий турмуш мувозанатини сақлаш бобида иккилана-иккилана охири Яратгандан бўлак ҳеч кими қолмаган бир мазлум ҳолатини кузатиш мумкин.

“Психоаналитиклар ижодни онгсиз ҳисларнинг онг қатламига қалқиб чиқиши деб баҳо берадилар. Илҳом ақл бўғиб қўйган, ақлий фаолият тўхтатиб қўйган онг ости ҳисларининг бирдан юзага қалқиб чиқишидир. Буюк ижодкорлар онг ости ҳис-кечинмаларининг юзага қалқиб чиқишини оддий кўникмага айлантирган, онгли фаолият ва онг ости кечинмалари мувозанатини сақлай олган кишилардир. Психоаналитика фани инсон ичидаги “мен”ни излар экан, у руҳий дунёдаги шу руҳиятга хос бўлган

²¹ Раҳимов А. Роман санъати. –Фарғона. 2015. –Б. 47.

“миф”ларга дуч келади. Бу “миф”лар ўзининг инсон рухий дунёсига таъсири жихатидан илк аждодларнинг мифларидан деярли фарқ қилмайди”²². Бинобарин, Ж.Эшонқул таъбирига шуни қўшимча қилиш мумкинки, туш ва хотира, ўтмиш ва босиб ўтилган ҳаёт манзаралари ёзувчига бениҳоя кенг имкониятни тухфа қилади. Бундай кайфият таъсирида ижод – рухий соғайиш, ботиний дардни мустаҳкам асосга йўналтириш, ундан гўзал бир манзара кашф қилишга етаклайди. Мунаққид А.Раҳимов қайд этишича: “Онг остида содир бўладиган сезги, туйғу, тасаввурлар инсон руҳиятининг сўз билан ҳеч қачон ифодалаб бўлмайдиган қирраларини мувозанатдан чиқариб, оммага тақдим қилишга имкон яратади. “Онг ости деганимиз инсоннинг бутун вужудини қамраб олган бир-бирига ўтиб турувчи онгли ҳолатини ҳам, онгсиз ҳолатини ҳам ўз ичига олади. Унда фикр оқими қандайдир ботиний куч таъсирида пайдо бўлувчи ғира-шира кўнгилга келган нарсалар қийналмасдан, ўз-ўзидан узлуксиз қуюлиб келаверади”²³. Бундан келиб чиқадики, ижодкор ҳар бир тасвирда бераётган тафсилотни монологик, полифоник йўсинда ҳам қаҳрамонлар психикасидан келиб чиққан ҳолда уйғунлаштириши мумкин. Негаки, онг ва туйғу нисбати воқеликни баъзан маромдан ўзгартириб юбориши, баъзан ўша ифодадан бошқа бир йўсинга бошлаши мумкинлиги аёнлашади. Полифонизм бир вақтнинг ўзида ҳам шаклга, ҳам мазмунга, ҳам ифода табиатига тааллуқли унсур бўлиб юзага чиқади. Улуғбек Ҳамдам “**Ёлғизлик**” қиссасидаги рухий мувозанат сари дадил бораётган исмсиз қаҳрамон психикасида ажиб ўзгаришлар билан ҳаётга боқимандалик кайфияти билан кириб келаётган оломондан узоқлашиш тадбири ҳам алоҳида ажралиб туради. Унинг қаҳрамони жамиятга бегона кўз билан қарамайди. Нега, нима учун? Саволлари тинимсиз уни таъқиб қилаверади. Асарда кўп нуқта онг остида яшириниб ётган ҳаёт ҳақидаги сир-билимлари ўзи яшаб турган муҳитдан айро эмас, асло! Чунки қаҳрамон воқеликнинг фаол – кўмондони! Унинг ички “мен”ида вужудга келган ҳаёл

²² Жабборов Э. Фольклор : образ ва талқин. –Қарши. “Насаф”. 1999. -Б.146.

²³ Раҳимов А. Муттасил янгиланаётган жанр. –Т: “Turon-iqbol”. 2011. –Б. 132.

ва ҳаёт фалсафаси жамият тартиботларини бир-бирига ўтиб туришини тасвирлаб боради.

“Хотинимни кучоқлаб ётаркан, бундан иккаламиз ҳам хузурланаётганимизни сездим ва шу лаҳзадаёқ кимдир мендан – кўксимдан отилиб, айрилиб чиқди-да, шугинадан лаззатланаётган, шугинадан ортиғига кучи етмайдиган эру хотинга – бутун инсониятга ачинди. Башарнинг шу равишда роҳатланишга, умуман, муайян тарзда яшаб ўтишга маҳкумлигидан ижирғанди. Сўнг яна-да узоқроқ чекилди-да лоқайд назар ташлади...”²⁴

Қисса қаҳрамони ҳар бир тасвирда олам ва одам муаммоларини ечишга кизиқсиниб яшайди. Жисм лаззатидан баланд кўтарилганда, у ахлоқий фазилатларини тартиблаштиради. Ҳеч нарсадан қониқиш туймаган қаҳрамоннинг янада кўпроқ руҳий мувозанатга талпиниши синалган ҳақиқат. Чунки қаҳрамон айна шу тобдаги жисм ва руҳ эҳтиёжининг жирканч башарасидан ўзини олиб қочишга уринади. У оддий кайфиятда ўзини нотавон ва ғариб, ёлғиз ва ожиз ҳис этади. Фақат руҳоний кўтарилиш – авлиёларга хос фазилат эканлигини, Аллоҳга қарата: **“Сенми ёки мен ноҳақ?”** деб кескин трагик саволлар қўйишида аниқ мантиқни кўрамыз.

Адабиётшунос. М.Холбеков таъкидлашича: “XX асрнинг зиддиятли ва шафқатсиз дунёсида шахснинг ёлғизлиги, ўз инсоний қиёфасини йўқотишлик мавзуси 30 йиллар Ғарб адабиётида пешқадам мавзуга айланди. Айниқса, Ғарб адибларининг биринчи жаҳон уруши ва унинг иштирокчилари тақдирини тасвирловчи асарларида ушбу мавзу ўта таъсирчан янгради, китобхон ёдида қоларли ёрқин образларда тасвирланди. Жаҳон адабиёти тарихида “йўқотилган авлод” (lost generation) (Г.Стайн) номини олган бу авлод намояндалари – Уильям Фолкнер (William Faulkner, 1897-1962) Эрнест Хемингуэй (Ernest Hemingway, 1899-1961), Френсис Скотт Фитцджеральд (Francis Scott Fitzgerald, 1896-1940), Жон Дос Пассос (John Dos Passos, 1896-1970), Ричард Олдингтон (Richard Aldington, 1892-1962), Эрих Мария Ремарк (Erich Maria Remarque, 1898-1970), Анри Барбюс (Henri Barbusse, 1873-1935)

²⁴ Ҳамдамов У. Ёлғизлик. –Т: “Янги аср авлоди”, 2019. –Б.10.

ва бошқалар Ғарб адабиётининг кейинги равнақига улкан ҳисса қўшдилар”²⁵. Шу маънода, ўзбек адабиётига кириб келган бу каби оқим намоёндалари асарларининг фазилатларида санъатнинг бениҳоя ролини янгича ифодада ифодалашни тушуниш мумкин. Ғарб адабиётининг мазкур намоёндалари асарлари қайсидир маънода Х.Дўстмуҳаммад, А.Аъзам, Н.Эшонқул, У.Ҳамдам, И.Султон, Ш.Ҳамро, Т.Рустам, С.Вафо, А.Йўлдошев каби ижодкорлар поэтик изланишларида бўй кўрсата бошлади. Натижада жамият ҳаётидаги мавжуд тартиботлар парчалангач, истиклол даврига келиб, “қора бўёқ”ларда зулматни ёриб чиқаётган бир қатим нурдек адабий жамоатчиликда баҳс-мунозара уйғонишига таъсир кўрсатди.

Ёзувчи У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссасида қаҳрамонни шафқатсиз ҳаёт қўйнида тинимсиз таъқиб қилаётган ахлоқий тамойиллардан ситилиб чиқиш, унинг ақлсизлигидан эмас, аксинча, у ўзини ёлғизликда ҳақиқатни айта олиш учун куч топишида билинади. Асардаги монологик нутқ қаҳрамон табиатидаги узил-кесил ўзгаришларни тўлақонли намоён қилиб турибди. Бироқ бу ўзгаришлар мантиқдан ташқарида содир бўлади. У жамиятга аралашган куни фожеани ҳис қилади. Демак, асл мақсад қаҳрамонни икки ҳаёт ва икки вазият бағрида синовдан ўтказди. Қаҳрамон миллий ментал хусусиятларни ҳар қанча ихоталашга уринмасин, барибир “қачондир чегара бузилиши”га ишора қилинади. Бу ҳаёт қонунлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини тақозолайди.

У.Ҳамдам қисса поэтикасида онг ости кечинмаларида ахлоқ масаласига ошкор муносабатда бўлади. У қаҳрамондан қачондир ҳамма билиши мумкин бўлган ҳақиқатни яширмайди. Тавба - тазарру, ҳақиқат ва ёлғон, маддоҳлик ва кўзбўямачиликни аниқлаб олади. Қаҳрамон ҳаётини таҳликага қўйиб бўлса ҳам билиш завқидан чекинмайди. Ҳақ таоло ҳукмининг ўзи яшаб турган жамиятдаги акс-садосидан азият чекади. Яъни қалбан бошқа, зоҳиран Аллоҳ дея “бонг” ураётган тийиқсиз ва тутуриқсиз элита вакиллари аёвсиз

²⁵ Muhammadjon Xolbekov. XX asr modern adabiyoti manzaralari. XX asr modernizm prozasining tadrijiy talqini. Манба www.kh-davron.uz сайтидан олинди. 2018 йил.

танқид остига олади. Айни шу ўрталикда муаллиф позицияси ўзини ёрқин рангларда намоён қилади. Буни қуйидаги парчада ҳам ҳис қиламиз:

“Ҳар куни эрталаб дуо қиларкан, ҳалол яшашни Сендан тилаган ва пок бўлишга аҳд қилган кишиманми мен ёки кечгача чидай олмай, ўзининг қандайдир “ҳақиқат”ларига асосланиб, уларни орқа қилиб, ҳаромга қўл урган ва тунни билан ухлаёлмай ўрнида ағдарилиб чиққан мунофиқми мен? Мен кимман ўзи?! Илмий унвон ва мангулик даввосида ич-этини еб типирчилаётган кўзбўямачими ёки фақат кашф этишу билиш-билдириш иштиёқида ёнаётган одам-олимми? Мен кимман!? Кўксимда мингта, миллионта жангчи ва мингта, миллионта жанг кетаётир, фақат мен қайдаман ва ким томондаман? Мен ўзимни йўқотиб қўйдим, эй Парвардигор! Мен турмушнинг арзимас юмушлари орасида қолиб хор бўлдим, мен улардан тўйдим. Мен бандалик ботқоғидан чиқиб кетолмаётган ўзимдан зерикдим. Мен тинимсиз равишда мажбуриятларни, заруратларни бажаришдан сиқилдим. Ниҳоят, менга чумоли каби битта-иккита издан юра-юра ўлиб кетиш алам қилади. Ниҳоят, мен билган бу олам Сенинг бутун қудратинг ҳосиласи эмас! Мен Сенинг қудратингни кўрмоқ ва кўрмоққа кифоя салоҳият истайман, эй Парвардигор!”²⁶

Ёзувчи тасвирларида қаҳрамон онги ва дунёқарашида акс этаётган воқелик аста-секинлик билан сюжет линияларида уйғунлашиб боради. Бу муттасил давом этадиган кечинма, туйғу ёки бир-бирига монанд тасаввур, тафаккур йўсинлари қаҳрамон БОТИНИЙ оламида инқилоб ясайди. У Аллоҳга муттасил оҳу нола қилувчи, дардини бўлишувчи, баъзан мунозараларида қоникмаслиги, ОЛИЙ НИЗОМнинг моддий дунёда бузилиши, маънавий оламда аросатда қолиши ҳақида қайғуради. Бот-бот қаҳрамон Аллоҳнинг жамолини кўришга эҳтиёж сезса, моддий мувозанат сари одимлаган лаҳзаларида бошқалар қатори яшаб ўтиш ҳам кераклигини ўз-ўзича маъқуллаб боради. Бу инстинкт маълум вақт яшайди. Қаҳрамон оқибатда яна ўзининг табиатида ёлғиз қолишга муваффақ бўлади. Гегель

²⁶ Кўрсатилган адабиёт -1, -Б. 12.

Ўзининг “Эстетика” асарида ёзганидек: “Бадий асардаги ҳиссийлик бевосита табиий предметлардан фарқ қилиб, мушоҳада йўли билан соф кўринишни ҳосил қилади, шунинг учун бадий асар бевосита ҳиссийлик билан идеалликдан иборат бўлган фикрнинг оралиғида туради. У соф фикр бўлмаса-да, ўзининг ҳиссий ҳолатига зид ўлароқ энди қуруқ моддий борлик сифатида тош, ўсимлик ва жонли организмлар сингари кўзга ташланмайди. Бадий асардаги ҳиссийлик моҳиятан идеалликка тааллуқли бўлса-да, бироқ бу идеаллик, айти пайтда, илмий фикрдан фарқ қилиб турувчи нарсалар шаклида ҳам гавдаланиши мумкин”²⁷. Дарҳақиқат, У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссасидаги бадийлик модуси турли шаклларда рўй берган воқелик хронологиясидан иборат. Онг ва туйғуда зоҳир бўладиган ўсиш-ўзгаришлар ёзувчининг дунёқарашида азал-азалдан яшаб келаётган ҳиссий кечинмалар бўлиб туюлади. Қаҳрамон дунёга бир сўз айтиш учун келгандек: “Адолат қани?” дейишида қабариб кўринади. У адолатни ҳатто табиатдан ҳам излайди. Тунда ой, юлдуз, осмон ва қоронғулик ҳамроҳлик қилса, кундузлари салқин шабадалар ва ёмғирли саҳарлар дўст тутинади. Адиб табиат ва жамият, инсон муносабатларида барқ урган ҳаётнинг ўзгариб бораётган асл қиёфасини ўқувчига тушунтирмоқчи бўлади. Натижада ўқувчи айти “чигал юк”дан ҳамма нарсани англай олмайдилар. Айти шу жараёнда ҳақиқий модернизм ҳодисаси ўз руҳиятини намойиш қилади. Ёзувчи инсон руҳиятида кечувчи психологик жараёнларни, ўй-хаёлларида пайдо бўлган фикрлар билан бетартиб алмашилиб туришини ўз назоратига олади. Қаҳрамон маънавий интеллектини намойиши қисса архитектоникасида ўзига хос мавқени касб этади. Демак, қиссадаги воқелик ташқи олам билан боғланиб, сира чиқиша олмаётган одам тақдирини бевосита тартиблаштириб борадиган модуслардан иборатлиги аёнлашади.

Онг остида кечувчи ахлоқ масаласи ёзувчининг адабий-эстетик қарашларининг юксалиб бораётганини тақозо этади. “Ёлғизлик” қиссасидаги қаҳрамон туйғулари самимияти асл инсон майлларининг изтироблар

²⁷ Гегель. Эстетика.// Шарқ юлдузи. 2014. №1-2 сонлар.

куршовида улғайганлигини, бу жараён “вақтинча” бўлиб ўтадиган ҳолат эканлигини юзага чиқаради. Қаҳрамон оёғини жамиятдан тортиб олмоқчи бўлган асл қиёфага кирганида, ўз-ўзидан табиатан шу заминга боғланиб қолганлиги изн бермайди. У таркидунёлик қилиб умр кечирмоқликнинг уддасидан чиқолмайди. Негаки, оила ва фарзанд тақдири, тирикчилиги моддий дунёдан тамомила узиб қўёлмайди. Айни пайтда, кундаликда битилган кечинмалар ҳар бир инсон босиб ўтиши лозим бўлган ҳаёт саҳифасининг бир кўриниши янглиғ тушуниш муҳим.

Машҳур психоанализ Карл Густав Юнг шахс ботини бир-бирини тўлдириб турувчи *уч қатлам*дан иборат эканлигини таъкидлайди²⁸:

- 1. Идрок;**
- 2. Шахсий онг ости қатлами;**
- 3. Оммавий онг ости.**

Бугунги кунда ёзувчи У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссасида *идрок*дан фарқли ўларок, “Мувозанат”, “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар” каби романларида иштирок этувчи қаҳрамонлар *учинчи қатлам* – оммавий онг ости кечинмаларига ўзини топширганлигини намоён қилади. “Мувозанат”да – Миразим, Саид, “Исён ва итоат”да Диана, Лариса хола, Турсунбой жонталаш, “Сабо ва Самандар”да Шердил, Саидкомил, Бакир каби образлар мисол бўлади. “Инсон идроки заифлашган, сустлашган, чарчаган ёки бошқаришга қурби етмай қолган пайтларда ўзини турли кўринишларда намоён қилади”(Н.Эшонкул).

Хулоса шуки, поэтик ифодада муаллиф дунёқарашини ривожлантирувчи омиллар шундан далолат берадики, Ғарбу Шарқ анъаналари синтезидан озикланган адабий-бадий матнда турли хил кўринишда намоён бўлмоқда. Улуғбек Ҳамдам талқинларида Жойс, Камю, Кафка каби файласуф ёзувчилар ифода усуллари эргашиш кузатилса, Исажон Султон изланишларида бадий идрокни миллий сезимларда идрок этиш манераси қабариб кўринади. Ҳар иккала ижодкор ҳали изланишдалиги, Ғарбу Шарқ мифопоэтик тафаккур

²⁸ Назар Эшонкул. Ижод фалсафаси. –Т.: “Akademnashr”.2018. –Б. 50.

усулларини жиддий ўзлаштирганлигини эътиборга олиш зарур. Чунончи, поэтик талқин вақт ўтиши билан ўзгарувчан бўлиб бораверади. Ундаги олам ва одам муносабатлари тиғизлашуви жамият ва ижтимоий муҳит ривожланиши билан ҳам ўлчанади. Натижада вақтнинг интенсив кўриниши юзага келади.

Улуғбек Ҳамдам ва Исажон Султон насрида икки хил ифода усулини кўришимиз мумкин. Буни кейинги бобларда алоҳида-алоҳида тадқиқ қиламиз. Зеро, онг ва туйғу нисбати ижодкор феноменининг бир кўриниши. Унда жамулжам барча тасвир йўсинлари ҳам шаклда, ҳам мазмунда, ҳам муаллиф дунёқарашида аксланади. Шубҳасиз, талқин ва тасвир қоришуви инсон эҳтиёжларининг бир узвини тўлдиришга хизмат қилиши аёндыр.

1.2. Муаллиф “мени” бадиий асарнинг асосий ифода унсури сифатида

Бадиий асарнинг ўзига хослигини таъминловчи композиция асар структурасини тартиблаштириш билан бир қаторда муаллиф дунёқарашини ҳам намоён қилувчи категориялардан бири ҳисобланади. Муаллиф образи ва “мен” тушунчаси бир-биридан тамомила фарқ қилади. Негаки, “мен” шаклланиб, тўла намоён бўлгунга қадар муаллиф воқеликни ўз тасаввурида, онгида қайта-қайта ишлайди, идроклайди. Бу ўз-ўзидан кечадиган жараён эмас. Бениҳоя мураккаб ва зиддиятли воқелик негизида оламга ва одамга муносабат тарзи ҳам бошқачаланиб боради. Бадиий матн – танқидий ёндашувни тақозо этади. Шундай экан, Л.Толстой ва Ф.Достоевский бадиий изланишларида романий тафаккур салмоғи ниҳоятда ранг-баранг ва кўп қатламли эди. XX аср ибтидосида Ж.Жойс, А.Камю, М.Пруст, Ф.Кафка бадиий ютуғи сифатида одамнинг эркин ва озод яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилганидан кейин юзага келган жамиятнинг асл башарасини, қиёфасини кўриб турибмиз. “Улисс саргузаштлари”, “Бегона”, “Жараён”, “Эврилиш”, “Вабо”, “Йўқотилган вақт” каби қатор асарларда XX асрнинг ҳақиқий

инсоният яшашга кўникаёзган ва шу ораликда “мен” билан чиқиша олмаётган манзарасининг гувоҳи бўламиз.

Бадиий мантикнинг нечоғли муҳим эканлигини юқорида номлари зикр қилинган ёзувчилар асарлари тимсолида кўриш мумкин. Биринчи типдаги ёзувчилар ўзлари яшаб турган жамиятнинг тутимларидан янги – миф яратади. Бу мифологик талқин шахсни ҳар томонлама теран таҳлил ва талқин қилиш имконини беради. Нур ва зулматро мақсад ва мақсадсиз кезаётган оломон тақдири ўша ёзувчиларга сира тинчлик бермайди. “Мен” аста-секинлик билан шахс мақомини олиб асл ижод саҳифаларига кўча бошлайди.

Хаёл ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар инсон ботинида зиддиятга айланиб боради. Мазкур жараёнда адибнинг бадиий концепцияси шаклланади. Исажон Султон асарларида кўзга ташланган воқеликни юзага чиқарувчи омиллар Улуғбек Ҳамдам талқинларидан тамомила бошқача тарзда рўй беради. Ҳар иккала ёзувчидаги муаллиф “мен”ини қиёсан ўрганиб кўрамиз.

Улуғбек Ҳамдам яратган асарларда иштирок этувчи қаҳрамонлар кўпинча бахтсизлик ва омадсизликдан – бахт манзиллари томон ҳаракат қиладилар. Бироқ жамият ҳаётининг баъзи тутимларига чидам беролмай, охир-оқибатда фожеага юзланадилар. Айрим ҳикояларида рамз ва фалсафий-эстетик қамровни ҳисобга олмаганда, ҳикоя қаҳрамонлари ҳам тушкун, аламзада, бахтсиз, омадсиз, содда, ишонувчан образ сифатида намоён бўлади.

Исажон Султон ҳикояларида оддий меҳнаткаш қишлоқ одамларининг одатий кундалик юмушлардан боши чиқмаган, бир умр бола-чақам деб ўтиб кетаётган образларга юзма-юз келамиз. Адиб бадиий изланишларида мифологик образларни қадим афсона ва ривоятларда кўзга ташланувчи асарларни қайта ишлаганлигини ҳис қиламиз.

Машҳур психоаналитик Эрих Фромм XX аср инсоният тақдирида муҳим ва ҳал қилувчи мисли кўрилмаган кашфиётларни бошидан ўтказётгани ҳақида қуйидаги фикрларни ёзади: “Ақлли инсон ҳайратланиш қобилиятига эга бўлиши керак. Агар шу гап рост бўлса, ҳозирги замон одамнинг ақлий

ҳолатига ачинса бўлади. Юксак даражада маълумотли ва билимли бўлишимизга қарамасдан, Худо берган бу неъматни – ҳайратланиш қобилиятини йўқотиб қўйдик. Гўё ҳамма нарса маълум, биз билмаган нарсаларни эса айрим мутахассислар билиши шарт. Ҳақиқатдан ҳам ҳайратланиш ноқулайлик туғдиради. Атрофдагилар бундай одамни ақл-идроки паст деб ўйлайдилар. Ҳатто болалар ҳам камроқ ҳайратга тушишади, ҳеч бўлмаганда, буни намойиш қилгиси келмайди, вақт ўтгани сари эса бундай қобилият йўқола боради”²⁹. Бинобарин, бениҳоя катта ақл эгалари ҳам ҳаётдан ҳеч қачон кўнгли тўлган эмас. Сабаби ҳис ва ҳайрат, ақл бирлашишида инсоннинг маънан қобилияти, яратувчанлиги, барча қусурлари билан ижобий хислатлари ҳам юзага чиқади. Ижодкорлар ана шу нуқтани таҳлил ва тадқиқ қилишга кўп вақт сарфлайдилар. Бу нуқтада – одамзоднинг мақсад муддаоси, яшаш ва кўникиш тарзи, ёвузликлари, зўравонликлари, хунрезликлари билан бирга барча яхши ва ёмон фазилатлари мужассам бўлади. Исажон Султон ана шу манзарани образли тарзда, универсал рамзлар негизида “қайта кашф” қилишга ҳаракат қилади. Хоҳ бу рамзий, анъанавий, модернистик шаклда намоён бўлишидан қатъи назар олтин ўрталикни тутиб қолишга кўп вақт ажратади.

XX аср инсоният етиб келган манзили маконларда кечувчи воқелик ёзувчини доимо қалб кўрини жунбушга келтириб, одамзод изтироблари билан яқка қолишни истаган қаҳрамон табиатини ўзига кўриб, янги улуғвор мақсадлари сари йўналтиришга эътибор қаратади. Булар замон табиатида, макон хусусиятида – образлар системасини мувофиқлаштиришга кенг йўл очиб беради. “Инсон жаннатдан қувилган лаҳзадаёқ унинг кўнглини изтироб ва уят қоплаб олган. Ана шу изтироб маданий онгнинг, барча адабиётнинг, санъатнинг мавзусидир. Чунки инсон жаннатдан қувилиши биланок бутунликдан парчага, яхлитликдан яқкага айланди. Санъат парчаланишга эмас, яхлитликка, бутунликка, асл билан бирлашишга ундаши керак. Инсон қалбидаги аслига қайтиш истагини кўрсатиб берган ва шунга ундаган

²⁹ Эрих Фромм. Инсон қалби. –Т: “Ўзбекистон”. 2016. –6,38.

адабиётгина ҳақиқий адабиётдир. Фожа шундаки, орадан ўтган тарихий жараёнларда, талотўпларда инсон ўзининг жаннатдан нега қувилганини ва бўйнига осилган гуноҳ юкини, бу гуноҳнинг масъулиятини унутиб қўйди. Шунинг учун ҳам бойликка, ҳокимиятга, нафсга ружу қўйиши ўша биринчи гуноҳининг асоратидир. Оқибатда ўзини муқаррар ҳалокатга ташлаб боряпти”³⁰. Ҳақиқатдан ҳам, XX аср ва то бугунга қадар етиб келган “бахт ва саодат” манзили, қанчадан-қанча ёлғон шиорлар, тамаддун заҳматлари, урушлар ва қирғинбаротлар, цивилизациянинг таъсири, экология, табиий офатлару сунъий яратишлар, руҳ фожеаси одамзоднинг – эртасига, кечасидан қолган азалий мерос эканлиги аёнлашади. Исажон Султон ана шу каби умум азият чекаётган фалокатли изтиробларни қаламга олишга жиддий эътибор қаратади.

Адиб ҳикояларида образ ва образлиликни икки йўсинда таҳлил қилиш ишончни оқлайди. Анъанавий образлар ва оддий замондош инсон образи ва рамзий-мажозий образлар, ҳикоят, ривоят, афсона, мифологик персонажлар образи. Ҳар иккисини бирлаштириб турадиган умумий ва хусусий жиҳатлар мавжуд. Айниқса, рамзий-мажозий образлари билан онгли тафаккур тарзига эга, ўз мақсад-муддаоларидан сира бир қадам оғишмай яшашга маҳкум этилган инсонлар характерини ифодалаш тушунилса, анъанавий образларда қишлоқ ва шаҳар ораси (макон ва замон)да содир бўлувчи воқелик тарзи кўз ўнгимизга келади. Булар ижодкорнинг фикрлаш тарзи ва ифодалаш манерасини ҳам белгилаб беришга замин яратади.

Исажон Султонни кўпроқ ҳикоянавис сифатида қабул қилувчилар ҳам адабиётшуносликда кўплаб учрайди. Бироқ ҳикоя ва қисса, роман яратишдаги ижодий маҳорати маълум даражада бир-биридан фарқланади. Услубий жиҳатдан ўхшаши, воқеликни ичдан туриб, оддий деталь тарзида ёритиши бу ҳар бир ижодкорда турличадир. Мунаққид И.Ғафуров шундай таърифлаши бежиз эмас: “Исажон Султон бу – қип-қизил экзистенциализм!.. Экзистенциализм йўллари ва фалсафасига шайдо бўлган Исажон Султоннинг

³⁰ Назар Эшонкул. Ижод фалсафаси. –Т: “Akademnashr”. 2018. –Б.75.

юраги ва онг тасавури шундай ларзали кечинмалардан дунё ва табиатнинг келиб чиқишига назар ташламоқчи бўлади. Ҳар нарсанинг ибтидо маншааларига қарашга уринади”.³¹ Бу таъриф-тасниф Исажон Султоннинг ғарб адабий-бадий тафаккурини ўзлаштириши, миллий ментал хусусиятларимиздан келиб чиқиб ифодаланиши, янгича йўсинда фикрлаши, услуби, ўқувчини кичик ва майда деталгача қизиқтира олиш қобилиятининг ўсаётгани билан изоҳлайди. Ж.П.Сартр, Ф.Кафка, А.Камю, Ж.Жойс сингари ёзувчилар экзистенциализм йўналишида одамзод тафаккурининг бениҳоя катта, ундан мисли кўрилмаган кашфиётлар олиб, дунёни ўзгартиришга, беъманилик ва бузғунчиликка қурол сифатида фойдаланишга бел боғлаган яширин кучларни “таништириш”га фидокорлик кўрсатганини бугун ҳамма психоаналитиклар эътироф этишмоқда.

Исажон Султон бадий асарни (ҳикоя) ёзишда экспром (тайёргарликсиз) тарзида иш кўрмайди. “Ўрмондаги кулба”, “Ёғоч кавуш”, “TODD”, “Боғи Эрам”, “Авлиё”, “Қисмат”, “Сувдаги коса” каби ҳикояларида қайсидир маънода ғарбу шарқ анъаналари бадий ифодаси синтези ўз аксини топган. “TODD” ҳикояси ифода тарзига кўра Ғ.Ғуломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикоясига жуда ўхшаб кетади. “Менинг ўғригина болам” ҳикоясидаги воқелик бола тилидан ҳикоя қилинса ва у иккинчи жаҳон уруши йилларидан кейин жамият бошига тушган оғир синовлар, йўқчилик қаламга олинса, И.Султоннинг “TODD” ҳикоясида ана шу уруш йилларидаги зобитнинг бешафқатлиги, Мамасиддиқ пишиқ қисматининг аянчли ва ибратли ҳаёти кўз ўнгимизда зоҳир бўлади. Ҳикоядаги образ – Мамасиддиқ пишиқ ва ҳикоячи-қаҳрамон-муаллиф! Ҳикоядаги асосий мотив – ҳаётда яшаш учун курашиш, инсон ҳар қандай вазиятда “ўзига йўл топишга” интилишдир. Исажон Султон ҳикоясидаги “TODD”нинг тақдири зулм ва зўравонликни тарғиб қилган ва жаҳонга ёймоқчи бўлган фашизм истилосининг аянчли ва таназзулга юз тутиш омиллари, *“кеча–бугун–эртага”* тарзида намоён бўлади. Немис адиби Томас Манннинг қуйидаги фикрлари эътиборлидир: “Ёзувчи бу – тимсолдир.

³¹ Ғафуров И. Ёзувчи, табиат ва тиббиёт/Исажон Султон насри бадиияти. –Т: “Turon zamin ziyo”.2017/ -Б. 19.

Мен ўзимни таҳлил қилиш орқали бутун бошли даврим, бани башар ҳақида етарли ва ҳаққоний маълумот беролишим мумкинлигини англаб етдим. Зеро, бани инсониятга хос барча тимсоллар ёзувчининг ўзида яширинган”³². Айниқса, ҳикояда Мамасиддиқ пишиқнинг болалиги ва бутун ҳаёти турмуш аталмиш машаққатли ҳаётнинг синовларини енгиб ўтишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳикоя экспозициясига назар ташлайдиган бўлсак, сюжет вақтини ёзувчи: “Қайдам, бундан икки йил бурунмиди, фалсафага қизиққан пайтларим эди...” жумласи билан бошлайди. Демак, “бурунмиди” дейилганда, макон балки икки эмас, уч ёки беш йил илгари содир бўлиши ҳам мумкин. Экспозиция якунида вақт нақ “етти йил аввал кечган бир воқеа ҳаёлимга урилди” (Танланган асарлар, I жилд, 64 б.) жумласида янада ойдинлашади. Дарвоқе, макон вақти билан сюжет вақтида муайян тафовут бўлади. Ёзувчи ҳиссиёт ва завқ шиддатида бу каби йўл тутишида қандайдир ҳикмат яширин. Мана шу жиҳати ҳикоянинг янада қизиқиш билан мутолаа қилишга йўл очади. Ҳикояни уч йўсинда тартиблаштира олган:

1. Ҳикоячининг нима учун “TODD” сўзига қизиқиши, фалсафани ўрганишига сабаб бўлади. Сўнгра сюжет воқелиги Мамасиддиқ пишиқ ҳаёти билан боғланиб кетади. Ҳар икки воқелик – иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келади.

2. Ҳикояда қаҳрамон ва муаллиф “мен”и устуворлиги, ўзбек халқининг чапани, меҳнатқашлиги, минг изтироб билан бўлса ҳам оила муқаддаслигини, меҳр-оқибат ҳамиша биринчи ўринда эканлигига ишора мавжуд.

3. Исажон Султон **“ҳикоя ичида ҳикоя”** қилиш усулидан ҳам унумли фойдаланган. Яъни ҳикоячи-муаллиф тузумнинг XX аср инсоният тарихида мисли кўрилмаган қийноқларнинг қўлланилиши оқибатида халқимиз тортган азоб-уқубатларнинг ханузгача асоратидан чиқолмай келаётганини рўй-рост таҳлил қилади.

³² Назар Эшонкул. Мендан “мен”гача. –Т: “Akademnashr”, 2014. -Б.263.

Бадий асарда замон ва маконда рўй берадиган воқелик бир сўз билан – хронотоп деб юритилади³³. Бадий хронотоп қатъий жанрий моҳиятга эга. Айтиш мумкинки, жанр ва жанрга хос хусусиятлар айнан хронотоп воситасида юзага чиқади. Шунингдек, бадий хронотопнинг етакчи хусусияти замонда кўринади. Хронотоп шаклий-мазмуний категория сифатида адабиётда инсон образи моҳиятини ҳам белгилайди. Чунки бадий образ доимо хронотоп негизида маъно касб этади (У.Жўрақулов). Айниқса, ҳикояда қаҳрамонлар тайёр ҳолда, яъни воқеликни баён қилиш жараёнида характер қирралари очила боради. У иштирок этиш жараёнида хатти-ҳаракатлари боис, ё бирор бир мақсадни амалга оширади ёки эпизодик образ бўлиб, маълум вақт асарда кўриниш беради. Мана шу жиҳатлар замон ва маконда рўй бергани боис, ижодкор дунёқарашида аввалдан шаклланган ғояни бажарадилар ҳолос.

Ҳикояда образлар тавсифи. Исажон Султон ҳар бир ҳикоясида – хабар, ахборот ва мақсад бирлигида иш кўради. Шу боис, ҳикоячи ва ҳикоя қаҳрамони бир-бирига яқин, сирдош, қариндош ёки ака-ука бўлгандек таассурот уйғотади ўқувчида:

“Болалик чоғларимизда Мамасидиқ пишиқ деган бир чол бўларди. У қотмагина, жиккак, иягида чандиғи бор одам эди. Кечалари бекинмачоқ ўйнаганимизда унинг аллақанақа юмушлар билан куймаланиб юрганини кўрар эдик: ё маккапоярларни боғ-боғ қилиб боғлаган, ё замбилғалтакда уйига ун ташиган, ё кўчадаги хазонларни тўплаб қоплаётган бўлиб чиқар эди. Мен унинг дам олиб ўтирганини ёки чойхонада ошхўрлик қилганини ҳеч кўрмаганман. Хаёлимда-да у индамас, тиним билмас бир киши сифатида қолган.

Пишиқнинг болалари ҳам ўзига ўхшаган пишиққина, тиним билишмас эди. Буғдой ўрилса, кечалари далага чиқиб сомонини тўплашарди-да, эртасига бозорга опчиқиб сотар эдилар. Ўтин сотардилар. Ундан бўшаган қопларни сотардилар... Одамлар “Мамасидиқ пишиқ жуда бой, кечалари

³³ Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. –Т.: “Akademnashr”, 2015. –Б.43.

ухламаслиги ҳам рост гап: йиққан пуллари сандиғидан олиб, моғор босиб кетмаслиги учун шабадага ёйиб шамоллатади”, деб гапириб юришарди”³⁴.

“TODD” номли ҳикоясидаги конфликтнинг бошланиши Мамасидик пишиқнинг қандай инсон эканлигини тушунтиришга қаратилади. Бу ўринда ҳам бош қахрамон характери, ҳам ҳикоячи-ровий образининг мақсад муддаоси инкишоф қилинади. Ҳикоячи-ровий образи болалигидан буён таниган Мамасидикнинг меҳнаткашлигини, тантилигини, оилапарварлигини, пишиқлигини сўзлаб бериш билан бир қаторда, ўзининг ҳам қизиқишларини мантиқий урғулаб боради. Шу тариқа бадий хронотоп ва образлар ўзаро мувофиқлашиб, яхлитлик касб этади. Бу ўринда ҳеч қандай ортиқча таъриф тавсиф йўқ. Негаки, ҳикоячи-ровий барча воқеликнинг иштирокчиси, йўлбошчиси, сарбони сифатида ўрин эгаллайди.

Адабиётшунос олим Ҳ.Умуров шундай таърифлайди: “Ёзувчининг дунёқараши – яратилаётган асарида айтмоқчи бўлган салмоқли фикри билан, ғояси билан чамбарчас боғлиқдир. Ғоя, ўз навбатида, асардаги образларга сингган бўлиб, уларнинг фаолиятлари – хатти-ҳаракатлари, курашлари, интилишлари, орзу-истаклари орқали реаллашади”³⁵. Дарҳақиқат, мазкур манбадаги назарий-илмий қарашларни тўлдириб, шуни қайд этиш жоизки, Исажон Султоннинг аксарият ҳикояларида иккита хронотоп иштирок этишининг гувоҳи бўламиз: **қишлоқ – шаҳар хронотопи**. Бу хил таснифлашда қишлоқ ҳаётини ич-ичидан яхши ўрганган адиб 1990 йил яратган “Муножот” қиссасидаги Ғариб, “Ойдинбулоқ” ҳикоясидаги ҳикоячи-ровий ва Паризод образлари ҳам ёзувчи ижодий ниятининг қайсидир маънода изчил давомий бир саҳифалари деган тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

Ҳар қандай асарда содир бўладиган воқелик – кутилмаган тасодифнинг ўтмиш хотираларини, ёки яқин ўтмишда бўлиб ўтган воқеликни қайта таснифлашдан бошланади. 1995 йил ёзилган “Ойдинбулоқ” билан орадан 20

³⁴ Исажон Султон. Танлаган асарлар, 1-жилд. –Т: “Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”. 2017. – Б.64-65.

³⁵ Умуров Ҳ. Бадий ижод асослари. –Т: “Ўзбекистон”. 2001. –Б.89.

йил ўтиб яратилган “TODD” ҳикоясида “Бирдан” ва “шу пайт” – бу замоннинг нисбатан ўхшаш тавсифи ёхуд у шундай жойда бошланиб, шундай вазиятда қонуний вазифасини ўташга киришадики, айтилаётган эътиборан ақлга сиғадиган воқеалар оқими узилиб, мутлақ тасодиф деб аталган махсус мантиқ асосида ҳаракат қилувчи замонга ўрнини бўшатиб беради”³⁶. Адиб ҳикояларида ҳикоячи-ровий ўспирин бола бўлиб, сахнада кўриниш берса, икки-уч лавҳадан кейин унинг қирқ ёшларга тўлган, ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари тиниқлашган равишда пайдо бўлади. Бу адибнинг ўзига хос услубий хусусиятини келтириб чиқаради:

“Қишлоқ четидан уйга қайтаётган эдим. Сўқмоқдан юриб, пастликка тушдим у атрофини жингулларнинг қалин девори ўраган, қари, бужур тол барглари шитирлаб турган Ойдинбулоқ ёнидан ўтдим.

Бу булоқ болалигимдан бери бор. Суви кумушдай. Милтиллаб оқиб ётади. Болалик чоғларимда иссиқ нонни шу булоқ сувига ботириб ер эдим. Бу бужур тол у маҳаллар жуда улкан эди. Шохларида дунёнинг жами қушлари чуғурлаб ётишар эди. Қирғоғида оламда йўқ майсалар ўсар, улар таратган бўй ҳам жаннат бўйи монанд эди.

Бугун шу булоқ ёнидан ҳеч ўтиб кета олмадим. Бир нима ўша томонга тортаверди. Буталар оралаб ўтиб, булоқ ёнига келдим.

Ўша-ўша бужур тол. Шохчаларида ҳануз қушлар чуғурлашяпти.

Ойдинбулоқ ҳануз милтирайди”³⁷.

Ушбу ҳикоядаги бош қаҳрамон ўз болалигини таҳлил қилишдан бошлайди. Қишлоқдаги беғам болалиги, улғайгач, унинг тасаввурлари, ақл-заковатининг теранлашуви, бетимсол маъшуқаси Паризодни учратиши, кейинчалик хотираларида қад ростлаган соҳибжамолнинг акси намоён бўлиш ҳолатлари маҳорат билан ифодаланган. Ҳар иккала ҳикояда бир маконда рўй берган – воқелик тасвири туради. Қишлоқ ва шаҳар хронотопи ана шу зайлда

³⁶ Бахтин М.М. Романда замон ва хронотоп шакллари. –Т: “Академнашр”. 2015. –Б.53.

³⁷ Кўрсатилган адабиёт, -Б.58.

ҳикоянинг сюжет ва композицион пишиқ чиқишида муҳим категория вазифасини бажаради.

Замон талқинида образ модификацияси. Исажон Султон ҳикояларида модификация ҳодисаси бир даврдан, иккинчи бир давр оралиғида бўлиб ўтган ёки бўлиши мумкин бўлган воқеликни мувофиқлаштиришга қаратилади. Дарвоқе, “замонавий адабиётда бадиий компонентларнинг модификацияга учраши бевосита қандайдир бадиий анъаналар билан боғлиқ. Замонавий эстетик талаб ва эҳтиёжлар, муаллиф лабораторияси, ғоявий мақсадига кўра модификация хилма-хил компонентлар кесимида намоён бўлиши ёки бу жараён кўламдор тарзда юзага чиқиши, бир эмас, бир нечта бадиий компонентлар доирасида юз бериши, натижада жанр модификациясидек кўламдор ҳодисалар майдонга чиқиши мумкин”³⁸. Негаки, муаллиф ижодий жараён вазиятидан келиб чиққан ҳолда иш тутлади. Замонда образлар хилма-хил тарзда намоён бўлади. Ёзувчи ҳикояларида *аёллар образи* – меҳнаткаш, сабр-тоқатли, эрига вафодор, фарзандларига меҳрибон, оқила, иболи, ҳар қандай азоб-укубатга дош бера оладиган сиймо сифатида китобхонда қизиқиш уйғотади. *Йигитлар образи* – мард, эран, жасур, кўркмас, кучли, баҳодир, оилапарвар, меҳнаткаш бир алпқомат сифатида юзага чиқади. Бу хусусият замонда содир бўлаётган воқеликни баҳолашга шошмайдиган, “етти ўлчаб бир кесадиған” мустақил фикрга эга қаҳрамон бўлиб ўз миссиясини бажаришга киришадилар.

Ёзувчи ҳикояларида воқеликни ифодалашда шунчаки гапириб, сўзлаб бериш эмас, ўқувчини номаълум бўлган “нимагадир” ишонтириш, шу орқали маънавий дунёсига “нимадир” юқтириш ҳам асосий мақсадлардан бири саналади. Замонда рўй бераётган воқелик йиллар оша ўзгариб, мураккаблашиб катта бир маконни вужудга келтиради. А ва Б нуқтагача – ўсиш, ўзгариш, улғайиш, тушуниш, англаш, ҳис қилиш, кўникиш каби муносабатлар тиғизлиги қаҳрамон руҳиятининг кенгайишига,

³⁸ Султонова Н. Исажон Султон романларида бадиий компонентлар модификацияси. Фил.фалсафа.доктори (PhD) дисс.яси. –Қарши. 2020. –Б. -43.

мулоҳазаларининг салмоғи ошишига замин яратади. “Дўст” номли ҳикоясида ёзувчи ўз-ўзи билан суҳбат куради. Ўз-ўзини тафтиш ва таҳлил қилади. Хатолар, айрилиқлар, кечикишларнинг ҳеч қандай манфаат келтирмаслигига, фақатгина жисм изтироблар исканжасида сиқилишига олиб келишига ишора қилади. “Дўст” ҳикоясида замон образи модификацияси муқаддимасига эътибор берайлик:

“Сену мен тенгдош эдик, дўст.

Ўтлоқларда ўйнар эдик.

Ўшанда... роса чопар эдик-да. Оёғимиз остида қуюн ўралашарди. Қирда шамолдан ўзиб кетардик. Тўкилган ўрик гуллари чопишимиздан пайдо бўлган шиддатларда ердан кўтарилиб, учиб-учиб яна ерга қайтарди.

Дунё биз учун мана шу кичкина макондан бошланар эди, холос. Қайлардандир қушлар саф-саф учиб келишарди. Қайдан учиб келаётганларини билмас эдик. Бунча кўп қуш қайга бориб қўнади, унияма билмасдик. Билганимиз – мана шу ўтлоқ – дала, муте ҳашаротлар, ақлсиз қушлар ва қайноқ ёз эди, холос.

Ҳориб-чарчаб уйга қайтардик. Узум зангига осиб қўйилган чироқ сариқ нур таратарди. Сўрида ота-онамиз бир нималарни гурунглашиб ўтиришарди. Кичкина синглим катта челақда сув таширди... этакроққа бир уюм беда тўкиб қўйилган, ундан бошни айлантирадиган ислар анқирди”³⁹.

Рамзий-психологик ҳикояда ёзувчи ўз-ўзини теран тафтиш қилади. Болалик давридан то, умри бино бўлиб босиб ўтган ҳаёт йўли – замон тилсимида очиқлана боради. Замонда рўй бераётган воқелик хромотопи бир оила тимсолида ҳам отанинг ўрнини, ҳам онанинг ўрнини, ҳам қариндош-уруғчилик риштаси, ҳам ўзининг ҳаётини муҳокама тарозисида қайта хотиралашга кенг имкон туғдиради. Дўст – ёзувчининг ичидаги ботиний оламидаги мақсадларини тартиблаштиришга, унинг бенуқсон юзага чиқишини кафолатлашга бел боғлаган қаҳрамон, ровий, ҳабиб, суянчиқ сифатида намоён бўлиши табиий ҳолдир. Қишлоқ билан боғлиқ хотиралар

³⁹ Кўрсатилган адабиёт, 1-жилд. –Б.173-174.

инсоннинг маънан баркамол бўлиб вояга етишида муҳим омилдир. Ушбу ҳикоянинг моҳиятида акс этган бирламчи маънонинг нима эканлигини кўйидаги тарзда таҳлил қилиб кўрамиз.

Ҳикояларда хотира хронотопи. Ёзувчи “Дўст” ҳикоясида маконда рўй берган воқеаларнинг шиддатли оқимини нега айнан ота ва она, яқинлар билан ўтказган болалик давридан бошлади? Айнан шу тасвир усули адибнинг асл мақсадининг рўёбга чиқишига имкон берадими? Мазкур саволлар ҳикоя сюжетида акс этган воқелик биргина инсон умрининг суронли, сокин, тиниқ, талатўпларга бой давридаги сабри, имони, эътиқоди, маслағи, мақсади сингари ўнлаб сифатларни мардона тутиб туриши, машаққатларни енгиб ўтишдаги чاقқонлиги, юрак амри билан иш кўриши, пок қалбида улғаяётган ишқ куртаклари ҳам бир-бирини тўлдирувчи компонентни ҳосил қилади.

Ҳикоядаги ўз-ўзини англаб етиш фалсафаси ёзувчининг нечоғли фикрлаш қобилиятининг юксала бораётганидан далолат беради. “Тарихий воқеликдан ажратиб бўлмайдиган биографик замон воқеликка нисбатан қайтарилмасдир. Бироқ характерга нисбатан бундай замон қайтарилувчан: характернинг у ёки бу чизиғи ўз-ўзича сал аввалроқ ёки сал кейинроқ пайдо бўлиши мумкин. Характер хусусиятларининг ўзи хронологиядан ҳоли, улар замон аро майдонга келади. Характер ўзича ўсмайди, ўзгармайди. У бор-йўғи тўлишади: илк парчаларда номукаммал, очилмаган характер охирида тўла очилади ва мукаммаллашади”⁴⁰. Демак, ёзувчининг кўпчилик ҳикояларида учрайдиган шартли штрихлар – номукаммал характерларни мукаммал образ даражасига олиб чиқиш босқичида содир бўладиган воқелик адаптацияси реаллашади. Таъкидлаш жоизки, *муаллиф–ровий* бирлиги – *ўз-ўзини англаш* ва унинг даражаларини қайта идрок этиш, юқорида келтириб ўтганимиздек, хотиралаш, эслаш каби туташув чизиқларини белгилаб олишни тақозолайди. “Дўст” ҳикоясида қаҳрамонни таҳлил ва тадқиқ қилиш ҳудуди: замон бу – болалик, макон – оила! Ҳикоячи-ровий бир инсон ботинида руҳ ва тан

⁴⁰ Бахтин М.М. Романда замон ва хронотоп шакллари. –Т: “Akademnashr”. 2015. –Б.114.

уйғунлигини, руҳнинг мукаммаллашиб, Яратганни таниши, тан ва вужуднинг тотган изтироб, йўқотган куч-ғайрат (энергия)дан азият чекиши ишонарли тасвирланган.

Ҳикояда риторик саволлар ўз-ўзини англаш жараёнида янада жозоба касб этади. Автобиографик замон табиатида муаллиф “очилади”. Такдирга тан бериш ва уни англаб етиш жараёнидаги хўрсиник, изтироб, шоду хуррамлик ва қаноатнинг ҳосил бўлиши янада реаллашади.

Ҳикоя сюжетига **туш мотиви** ҳам алоҳида кўрк бағишлаган. Мудрок босганда руҳнинг танадан чиқиб, олис-олисларни сайр қилиши рамзий штрихни намойиш қилган. Эрих Фромм “Инсон қалби” номли китобида уйқу ва туш орасидаги фарқларга алоҳида тўхталиб шундай ёзади: “Ухлаётганимизда ташқи оламни ўз эҳтиёжимизга мослаштиришнинг ҳожати йўқ. Уйқуда ҳимоясизмиз, бекорга “уйқу – ўлим билан баробар”, дейилмаган. Айни пайтда, биз эркин ҳолатдамиз. Ишимиз билан боғлиқ ташвишлар, кимдандир ҳимояланиш ёки тажовуз қилиш хавфи, воқеликни кузатиш, вазиятни эгаллаш, тазйиқ ўтказиш зарурати йўқ. Ташқи оламни кузатмаймиз, у билан ишимиз йўқ, фақат ички олашимиз билан бандмиз. Уйқудаги одам ҳолатини муртакка ёки ўлимга, ёки бўлмаса, воқеликдаги қонунларга бўйсунмайдиган фариштага ҳам қиёслаш мумкин”⁴¹. Келтирилган манбада бедорлик ва уйқу ҳолатидаги – онг остида бўладиган биологик жараёнлар инсонни маънан ўзгаришга, келажак ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилишга ўргатади. Уйқу – ярим ўлим! Муаллиф ботинидаги яширин руҳнинг истаклари ва тананинг унга баъзан бўйсунмаслик ҳолатларини қаҳрамон оламига бирлаштиради. Натижада ҳар иккала жараёнда у дўстини ёлғиз қолдирмайди. Ҳикояда **зинама-зина юқорилаш**, англаш босқичлари тасаввуфий ақидаларни ёдимизга солади. Маконда рўй берган воқелик замонда ўзгаришга юз тутаяди. У, дўст ва чинакам инсон ўз-ўзини севиши, ҳурмат ва қадр қилиши, эъзозлаши, беш кунлик умрида танани ҳам муҳофаза этиб, чинакам мусулмон бўлишига ишора қилинмоқда:

⁴¹ Эрих Фромм. Инсон қалби. –Т: “Ўзбекистон”, 2016. –Б.61.

“Яна уйқуни яхши кўрардинг. Ухламасанг, эртасига кўзларинг киртайиб, сўлинқи раб қолардинг. Мен эса ухлашни ёқтирмасдим. Шу сабаб, гоҳо сен ухлаган маҳалларинг хаёлан қайларгадир сайрлар қилардим.

У – маконсиз, замонсиз ҳудудлар эди. Ўша ҳудудларда гоҳо дунёдан ўтиб кетган бобомни, ўзим танимайдиган кимларнидир учратар ҳам эдим. Гоҳида эса... учар эдим, дўст! Шунда сени кўрмас эдим, наинки сени, ўзимни ҳам кўрмас эдим! Гўё эшитувчи ва кўрувчи жисмсиз бир шаффоф нарса эдим маконлар ва замонлар узра учиб кетардим. У маконлар қайда эди? Қанақа замонлар эди улар? Гоҳо ғалати махлуқлар пайдо бўлиб қувлашарди. Гоҳ эса энг кўрқадиганим ҳолат юз берар – отамнинг ёки онамнинг ўлиб қолганини кўрардим. Қаттиқ изтироб ичида қайларгадир кимларгадир бир нималар деб ялиниб-ёлвориб юрардим... уйғониб ўзимга келгач, бунинг туш экани ақлимга етиб келар эди”⁴².

Ёзувчи ҳикояда бир вақтнинг ўзида ҳам дўст билан мулоқот қилади, ҳам ўзининг “тушида кечаётган воқелик”ни ифодалайди, ҳам умрнинг бебақолигини, фонийлигини далолатлайди, ҳам ундаги майл-истакларнинг чегарасини чизади, ҳам дунёни тоза иймон билан кўришни хоҳлаганини инкишоф қилади. Ҳикоя архитектуроникасида бадиий хронотоп нафақат образни очиб бериш, балки тириклик отлиғ улуғ неъматнинг нечоғли аҳамияти катталигини ҳам эътиборга жалб қилади. Адибнинг кўпчилик ҳикояларида – воқеликни охирдан – бошига қайтариб ҳикоялаш услубий ўзига хослигини кузатиш мумкин. Айнан бу йўсинда иш тутиш адиб поэтологик констурксияси ғарбу шарқ адабий тафаккурига туташувини ҳам ёдда тутмоқ лозим.

Таъкидлаш жоизки, “Муаллиф бизни натижадан сабабга, ҳаёт фалсафасидан ўзликка қараб боришга ундайди. Унинг хулосасига кўра рух сокинлиги банданинг ўз ихтиёрида. Чунки айтилажак, Сўз, ижро этилажак Амал, қабул қилинажак Қарор барча хатолар уясидир. Умр шомиди армон тўрига илинмаслик учун заволли нарса – нафсу армон тўрига илинмаслик

⁴² Кўрсатилган адабиёт, 1-жилд. –Б.175.

учун заволли нарса – нафсу ҳирсга меҳр қўймаслик лозим. Зотан, моддият ҳеч қачон асл сарват бўлолмагай. Инсон ўз туйғуларини ақл муҳофазаси-ла жиловлай билса, исёндан демакки, заволдан асралгай. Кўринадики, манзилга талпинаётган қаҳрамон шуури ва руҳи динамик юксалиш йўлида”⁴³. Айтиш лозимки, “натижадан - сабабга” томон бориш Яратганни таниш ва ўзлигини англашдир. Исажон Султон – ҳикояда замон тилсимларида акс этган воқеликнинг маконда рўй бериш босқичларини таҳлил қилади. Муаллиф ижодий концепцияси замон равишида инсоният туйғулари Ҳақни таниш босқичларида ўсиб юксалиши, ривожланишини, танлов чизиқлари Олий Низомга туташувини болалик-кексалик бирлигида англашга йўналтиради. **“Натижадан-сабабга”** томон олиб борувчи ижодий концепцияси нафақат “Дўст” ҳикоясида, балки йирик насрий асарлар, яъни романларида ҳам қизил ип бўлиб ўтади. Буни “Ғариб” тимсолида ҳам, “Озод” тимсолида ҳам кўришимиз мумкин. Адибнинг умр шомидида ўзлигини англаётган ёки қирқ ёшнинг чегарасида дунё ҳою ҳавасларидан қўлини тортиб олган қаҳрамон сажияси муҳим асос вазифасини ўтайди:

“Энди айриламиз, дўст!

Энди мен ўзим орзулаган мартабаларим томон кетаман. Сенинг умринг эса жуда оз қолди – жуда яқин орада сени тупроққа топширадилар. Сен тупроқларнинг остида қоласан, дўст. Мен эса кетаман ўз юксакликларимга, у ерларда сенинг керагинг бўлмайдименга.

Энди сен билмаган бир сирни очайин. Мен азал эдим. Сен билан танишмасимдан минглаб йиллар аввал бино бўлган эдим. Яъни иккимиз икки ёндан дунёга келган эдик, бир-биримизни танидик ва бир тану бир жон бўлиб бирлашдик. Сен ҳам мени танидинг ва амримга итоаткорона бўйин эгдинг!

Бир вужуд ичра мавжуд бўлдик, дўст!”⁴⁴

Ҳикояда – эганинг аниқловчиси – дўстнинг-дўстга қилган мурожаат-икрорида янада равшанлашади. Иқроор – умрининг поёнига етиши, танни эса

⁴³ Ёқубов И. Юпак пўртаналаридан баҳс этувчи асар. –Т: “Turon zamin ziyo”. 2017. –Б. 124

⁴⁴ Кўрсатилган адабиёт, 1-жилд. –Б.184.

руҳ тарк этишини англатади. *Макон* – *умр*, замон унинг амаллари, қилган яхшиликлари, ўқинчлари, изтироблари, надоматлари, пушаймонликларидир. “Кишилиқ жамиятида даврнинг, замоннинг ўзгариб туриши фаслларнинг ўзгаришидек табиий ва қонуний жараён. Шахсий сифатлари камолотга етган, ўзлигини англаган кишилар, яъни барқарор характерлар бу ўзгаришлар палласида аслиятига содиқ қолишади”⁴⁵. Манбада кузатилганидек, ҳикоядаги дўст образи ҳар бир инсон ҳаёти давомида босиб ўтилган йўл, азоб-укубатларга гирифтор бўлган хатоларнинг сарҳисоби. Бошқача айтганда, моддиятдан қўл тортган, маънавий-руҳий оламга дахлдор сир-билимларни вақтида ўзлаштира олмаган мардум ҳасрати ҳамдир.

Маконий кенгликлар аро, ёзувчи ҳикоя муқаддимасида нарсабуюмларнинг жойлашув тартибига эътибор беришининг ўзиёқ хотимада “**натижадан - сабабга**” олиб борувчи манзил инсоннинг дунёга келишига туташади. *Тугилиш* – изтиробнинг бошланишига мантиқий ишора қилади.

“Асарнинг вужуд-вужудига изтироб ва мунг сингиб кетган”лигини (У.Жўрақулов) дўст образининг иқрорномасида янада теранроқ англаш лозим. Умуман, ҳикоянинг тутиб турувчи композицион унсур – ёзувчининг ўз шахсий ҳаётига дахлдор бир неча сифатлар билан боғлиқлиги аёнлашади. Насрнинг эсселашув жараёни ва автобиографик талқин хосланганлиги макон модификациясида янада теран идрок этишга қаратилади. Мавжуд композицион бирликлар ҳикояда натижа-сабаб ўртасидаги моҳиятни англашга қаратилганлиги билан алоҳида мавқе касб этади.

Муаллиф образи, “мен”га ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида қараш жоиз. XX аср бошларида жаид мутафаккирларининг бадиий асарларида ҳам муҳит ва шахс ихтилофи натижасида қанчадан-қанча асарлар юзага келди.

Боб бўйича хулоса

Истиқлолга эришгандан кейин жамият ҳаётини тубдан ислоҳ қилишга кенг йўл очиб берилди. Бу жараён бадиий адабиёт учун ҳам алоҳида диққатга

⁴⁵ Қобулова Н. Эркин Аъзам насида давр ва инсон концепцияси. Филол.фалсафа.дисс.автореф. –Самарқанд. –Б.11.

сазворлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Чунки 90 йиллардан кейинги адабий ҳаёт собиқ иттифоқ яккаҳоқимлигидан тамомила қутулаёзганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Шунини қайд этиш жоизки, муаллиф дунёқараши ўз-ўзидан бирдагина шаклланадиган ҳодиса эмас. Истеъдод, талант, тажриба уйғунлиги муаллифни юксакликка олиб чиқади. Ҳаётни обдон ўрганиши, олам ҳодисаларини англаш баробарида инсон қалбини теран ҳис қилиши янада муҳим эканлиги аёнлашади. Демак, адабиётда кечаётган ислохотчилик мезонлари бадиий тафаккурда “катта бурилиш” ҳосил қилди. Ёзувчилар эндиликда бир асарда бир неча экзистенциални истифода қилишга мойил бўлиб бормоқда. Бу ҳол модернистик талқинларда янада ўзига хос шаклда тасвирланиши конкрет ҳаётий воқеликни “миф ва рамз” тилида акс эттириши кучайиб бормоқда.

Масалан, Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссаси автобиографик йўсинда алоҳида бир одамнинг ўй-кечинмалари чуқур кўрсатиб берилганлигини, тасвир фокуси яширинган қаҳрамонлар ботиний хислатларини акслантиришга қаратилган асар саналади. Унда бир шахс руҳиятида кечувчи жамият ва одам муаммоси ижтимоий тартибларни мукамал тарзда кўриш истагида ёнаётган образ кўз ўнгимизда гавдаланади. Одам ички дунёсини, поэтик акс эттиришга қаратилган ва ўйлашга ундовчи қатор ҳикоялар муаллифи Исажон Султонда шахснинг психо-физиологик тийнатишни синкретик усулда тасвирлаш кенглиги кузатилади.

Қиссада индивиднинг иштироки ва акс этиши ҳикояга қараганда хийла кенгроқ бўлади. Исажон Султон ижодида мистик қамров мифологик типга эврилади. Натижада инсон-миф, инсон-жумбоқ тарзида фикрловчи инсонга айланади. Ундан тайинли мақсадни англаш учун ўқувчи жиддий тайёрланиши лозимлиги муҳим.

II БОБ. ИЖОДКОР КОНЦЕПЦИЯСИ БАДИЙ ТАКОМИЛИДА ТАСВИР ИНДИВИДУАЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛЛАР

2.1. Бадий матнда ритм ва пафос

Янги давр прозасида салмоқли ўрин эгаллаган неореалистик талқин ва реалистик усул баъзан уйғунлашиб, яхлит бир манзарани ҳосил қилганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Муаллиф онгу шуурида роса пишиб етилган воқелик ҳаётни тўлақонли ифодалаш имконини бермайди. Чунки ҳаёт бир маромда силлиқ ва текис кетмаганидек, бадий асарда рўй бераётган воқелик ҳам *мураккаб, ўзгарувчан, кўп қиёфали, беқарор* бўлиши табиий. Инсон туйғуларидан яралган икки қатор шеър ҳам бадийликни таъминловчи энг муҳим категорияларни ўзида жамлаши тайин. Негаки, ҳис ва туйғу, онг ва тафаккур олам ва одамни кашф қилиш илинжида ҳар бир шаклда турлича кўринишда намоён бўлиши синалган ҳодиса. Ж.Жойс, Ф.Кафка, А.Камю, Пруст каби ёзувчилар талқинларида бадий асар мураккаб ва кўп қиёфали образлар системасини бир махражда бирлаштира олганлиги билан модернистик дунёқарашни ўзида акслантирган. Шартли равишда мудом тараққий қилаётган мазкур оқимлар руҳиятни ва олам кайфиятини теран истифода қилаётгани билан ажралиб туради. Қарийб юз йил тўлган бўлса-да, матндаги онг ва туйғу ҳарорати ҳеч бир сўнган, оддийлашган эмас. Зукко ўқувчининг тушуниши хийла қийин кечадиган жумлаларда ҳам ритм ва пафос бирлиги ёзувчи дунёсини кашф этишга имкон беради.

Янги ўзбек насрининг ифода тарзи қисқаликка томон силжимокда. Шу маънода тасвирдаги романий тафаккур кенглиги билан ифодаланаётган турли хил адабий-бадий усулларни ўзида жамлагани айни ҳақиқатдир. Романий тафаккур ижодкорни имкониятларининг кенгайишига хизмат қилади. “Кейинги юз йилликнинг адабий ҳақиқати шундаки, сўзнинг буюк кудратини, сўзнинг яратувчилик хусусиятини, сўзнинг сеҳрини, сўзнинг илоҳийлигини намоёиш этган ҳар қандай асар ҳиссиёт ва идрокка туртки беради ва адиб кўзда тутган, тутмаганидан қатъи назар, абадийлик

фазосидаги бадий тафаккур маҳсулига айланади. Бадий тафаккур азалдан абадга қадар олам ва одам уйғунлигини муҳокама қилади, инсонни илоҳий уйғунлик ришталари билан боғлаб туради. Бадий тафаккур эса ўзининг мақомига чиқа олган асарни ўзининг ақл ўйинига – идрок тегирмониغا ташлайди – айнан ана шу тасаввур ва тафаккур ўйинига эришиш бугунги асл адабиётнинг орзусидир”⁴⁶. Бинобарин, юз йиллик адабий ҳодисаларга айланган асарлар ўзбек насрида катта бир услубий-шаклий ўзгаришларнинг бошланишига замин ҳозирлади Диний-ахлоқий ва фалсафий-эстетик қамров анчайин мураккаблашди. Яратганни англаш ва шахс руҳиятида акс этаётган воқелик бадий асарда тўлақонли янгича ифода шакллари ўзида бирлаштира бошлади. Мана шу ораликда насрдаги ритм – онг ва туйғу бирлигини, яхлитлигини тақозолайдиган муҳим компонентларнинг бирига айланди.

Улуғбек Ҳамдам бундан йигирма йиллар илгари Жалолиддин Румийнинг “Ичиндаги ичиндадир” номли мўъжаз рисоласини туркий тилидан таржима қилдириб, адабиёт ихлосмандларига тухфа қилганди. Ушбу асарнинг жуда кўп фалсафий-эстетик, ғоявий-поэтик таъсири ёзувчи ижодида муҳим бир ҳалқани ташкил қилишини адабиётшунос олимлар эътироф этиб келишмоқда. Ёзувчи ҳар бир асарида олам ва одам муносабатлари, ундаги кечаётган мисли кўрилмаган жараёнлар, ўсиш-ўзгаришлару ижтимоий инқирозларнинг юзага келиш омилларини гоҳ модернистик, гоҳ реалистик, гоҳ постмодернистик йўсинда талқин қилиши кузатилади. Шуни қайд этиш жоизки, Жалолиддин Румий оламидан илҳом туйиш ва ундан МАЪНО излаш ёзувчига бениҳоя кенг имкон беради. Румийнинг “Ичиндаги ичиндадир” номли рисоласининг бир фаслида иймон ва эътиқод борасида ривоят келтирилади: “Ҳасан ва Ҳусан болалик чоғларида бир одамнинг шариатга номувофиқ тарзда таҳорат олганини кўришиб, унга назокат билан тўғриси яргатмоқчи бўлдилар. Одамнинг ёнига келишиб: “Бу менга нотўғри таҳорат олаяпсан, деяпти. Ҳар иккимиз таҳорат олайлик, сен қайси биримизники

⁴⁶ Эшонкулов Н. Ижод фалсафаси. –Т: “Академнашр”. 2018. –Б. 243.

тўғри эканлигини айт”, дейишибди. Улар таҳорат олишиб бўлгандан кейин ҳалиги одам “Сизники” тўғри, хатосиз ва шариатга мувофиқдир. Аммо мен заволлиники янглиш экан!” – дебди⁴⁷.

Келтирилган лавҳада Румий инсоннинг ният ва амали суратда зоҳир бўлиши ва унинг маъно касб этишини мантиқий урғулайди. Жумладан, Ҳасан ва Ҳусаннинг синчковлиги бир одамнинг хатосининг тузалишига сабаб бўлди. Ҳикмат маъно касб этиб, у инсоннинг яшаш тарзини ҳам ўзгартириши мумкинлиги оддий бир деталь бағрида жо қилинди. Бу ерда мақсад – ният ва унинг тўғри юзага чиқишига томон бораяпти. Яъни ҳар қандай ишда аввал ният қилинади ва у бора-бора ҳаёт аъмолига кўчиб ўтади. Улуғбек Ҳамдамнинг бундан ўн йил илгари “Ёшлик” журналида чоп қилинган “Мусулмон” номли ҳикоясининг эпиграфи ҳам юқоридаги мулоҳазаларимизни тўлақонли тасдиқлайди. А.Навоийнинг “Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай, Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлағай” номли ҳикматли сатрини келтиради. Яъни бу ҳикоя Жалолиддин Румий асарида келтирган ривоят қаҳрамонларини ёдимизга солади. Улуғбек Ҳамдам “Мусулмон” номли ҳикояси архитектоникасини таҳлил қилиб кўрамыз:

“Ҳасан-Ҳусанлар шошиб боришаркан, йўл четидаги бозор дарбозаси олдида бир тўда ёш-ялангнинг тўпланиб олиб ёши қайтганроқ ёлғиз кишини дўппослаётганининг устидан чиқиб қолишди. “Ия, Ҳасан, анавиларга қара”, – Ҳусан йўлни шу ёққа олди. “Ҳусан, эсинг жойидами? Улар бир тўда экан, – норози бўлиб тўнғиллади Ҳасан. Лекин Ҳусанни якка ташлаб кетмади, эргашди. “Ҳо-ҳой, бу нима қилганларинг, уялмайсизларми?” – ҳам югурар, ҳам хитоб қиларди Ҳусан. Ўзлари томон ошиғич келаётган иккита давангир йигитни кўрган безорилар тирақайлаб қочиб қолишди-ю, жабрдийда беблиска қутулди. “Юр – энди, – Ҳусаннинг енгидан тортди Ҳасан, – иш осон кўчди”. “Шошма бирпас”, – Ҳусан тупроққа беланиб ётган мазлумнинг елкасидан тутиб тикламоққа уринди.

⁴⁷ Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. –Т: “Янги аср авлоди”. 2019. –Б.186.

- Қоч нари!.. – халоскорини силтаб ташлади мазлум. Кейин оёққа тураман деди-ю, мункиб юзи билан тупроққа суруниб кетди. Ундан атрофга ароқ, қўлансага айланиб кетган тер ҳиди ва яна аллақандай чиркин, ачқимтир бўй анқиб, кетди.

- Тфуу! – дея бурнини жийирди Ҳасан. – Юр бу ердан, кўрмаяпсанми, иймонини бой берган одам бу! – кафти билан юзини тўсганча узоқлашди.

- Ҳусан нима қилишини билмай серрайиб туриб қолганди, кўк юзида пайдо бўлган қушчаларнинг вижир-вижиридан сергак тортди. Қараса, Ҳасан масжид томон одимлаб, қушлар ҳам ўша ёққа учиб боряпти экан...⁴⁸

Ҳикояда учта тасвир бир-бирини тўлдирувчи моҳият касб этади.

1. Эгизакларнинг ҳар бирининг ўз ҳаётини позицияга эга бўлиши.
2. Ҳусаннинг ботинида ҳали эътиқоднинг, яъни асл мақсадга эврилмагани ва ўзида бунга қандайдир куч тополмагани.
3. Бу ерда масжидга томон кетаётган қушларнинг – масжид томон Ҳасан билан бирга учиши. Демак, ҳикоя полифоник нутқ бўлаклари бир-бирига мантиқан уйғун ҳолда зухур қилинади. Ҳусаннинг табиатида тушуниксиз бир характернинг шаклланиши “иймони”ни мустаҳкамлаш лозимлигига урғу берилади. Жалолиддин Румий ҳам ҳар бир нарса-ҳодисаларнинг илдизи – иймондан эканлигига ишора қилинади. Ният ва амал уйғун келган тақдирда чинакам мусулмон бўлишга қаратилади. Ҳикоянинг илк асос Қуръони каримдаги оятларга бориб тақалади.

Адабиётшунос олим Сувон Мелининг ушбу мулоҳазаларига эътибор берайлик: “Бадий адабиёт – алал-оқибат руҳоният ҳодисаси. Шундай экан, яратилган ва яратилажак асарлардаги воқеа, қаҳрамон ва ҳис-туйғуларга **руҳоният** нуқтаи назаридан ёндашиш, руҳоний қувват, руҳоний туйғу, руҳоний таъсир деган атама-тушунчаларни илмий истеъмолга фаол киритиш лозим. “Инжил”да ёзилганидек, “Моддий жисмлар бор бўлганидек, руҳий жисмлар ҳам бор”.⁴⁹ Агар шу ҳикматдан фойдаланадиган бўлсак, бадий

⁴⁸ Ҳамдамов У. Ватан ҳақида қўшиқ. –Т: “Академнашр”. 2020. –Б.508.

⁴⁹ Азиз Ҳаворий Павлуснинг Коринфликларга биринчи мактуби. 15:44.

адабиётнинг бош белгиси ва моҳияти моддий жисмлар – ташқи воқелик, унда умргузаронлик қилаётган одамларни руҳий жисмларга айлантириш, яъни бадий қайта тиклаш дейишимиз мумкин⁵⁰ деган хулосани беради. Бирок бадий шартлиликнинг ва бутун муаллиф идеали, дунёқараши, онгу шуурида кечаётган воқеликнинг ритм билан тартибланиши бу бошқа масала. Айнанлик бадийлик модусини ягона эстетик марказда жипслаштириб, воқеликни мустақил бошқарувини тайин этади.

Олима Т.Машарипова қайд этишича: “Муаллиф билан асар орасидаги муносабатни субъектнинг ўлими нуқтаи назаридан эмас, балки асар эълон этилган дамдан бошлаб муаллифдан узилиши жиҳатига кўра талқин этиш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёни эса бегоналашиш деб аташ тўғри бўларди, чунки эндиликда муаллифнинг яратган асари жамоат мулкига айланади. Аслида-ку, асар жамият учун яратилади, бу жиҳатдан олганда, асарнинг субъектдан ажралиб, оммавий аудиторияга узатилиши муаллифнинг асл мақсадини ташкил этади”⁵¹. Бундай қарашлар Р.Бартнинг муаллиф муаммосига оид тадқиқотлари негизида таҳлил қилиниши фикримизни тўлиқ тасдиқлайди. Бинобарин, ёзувчи шахсиятидан ажралиб чиққан асар – ўқувчи онгида қайта идрок этилади. У муаллиф дунёқарашида поэтик талқини билан узвийлиги, характерни намоён қилувчи қатор компонентларга уйғунлашган ҳолда рўй бериши мумкин деган хулосага келади. Аслида, матн ўзгарувчан хусусиятга эга. **Муаллиф – қаҳрамон – китобхон** анъанавий қарашларни инкор қилишини тақозо этади.

Тарихий силсилалар бадийлик модусини таҳлил қилганимизда “*Ж.Зайдон ўз вақтида Фарбий Европа адабиётидан, қолаверса, В.Скотт, В.Гюго сингари ёзувчилар ижодидан озиқланган. Агар тарихга эътибор берилса, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Фарб билан Шарқ ўртасида контакт боғланганлиги маълум. Бу даврда Европа мустамлакачиларининг Шарққа “юрishi” бошланган бўлиб, шу туфайли Фарб адабиётининг айрим*

⁵⁰ Милиев С. Глобал илмий-бадий талқин поэтикаси. Филол.фан.док.дисс.си. –Тошкент. 2020. –Б.51.

⁵¹Машарипова Т. https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/tamara-masharipova-garb-nazariy-manbalarida-muallifning-ulimi-kontseptsiyasi/#_ftn2

намуналари ҳам араб мамлакатларига кира бошлайди... Демак, Ж.Зайдон ўз романларини яратишида Ғарб адабиётидан, биринчи галда, В.Скотт сингари санъаткорлар ижодидан, уларнинг тарихий роман соҳасидаги традицияси узидан борган бўлса, А.Қодирий Ғарб тарихий романчилигидан Ж.Зайдон орқали озиқланди”⁵². Бизнингча, Улуғбек Ҳамдам ва Исажон Султон ижодий анъаналари муаллиф “мен”и билан ҳам Ғарб, ҳам Шарқ адабий дурдоналари негизида шаклланади. Унда гоҳ Румий, Навоий асарларидан илҳом туйиши ёзувчилар ботинида “яширинган”, “онг ости”да сақланиб келаётган воқеликнинг юзага чиқишида катта мактаб вазифасини ўтай олди. Биргина Улуғбек Ҳамдам “Мувозанат” романи ва қатор ҳикояларида анъанавийлик билан ноанъанавий тасвир усуллари қоришиқ ҳолда зухур этилди. Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида Ғарб экзистенциал фалсафаси яққол кўринади.

Бадий матнда ритмнинг ўрни. Биз Улуғбек Ҳамдамни ҳам шоир, ҳам ёзувчи, ҳам таржимон сифатида таниймиз. Унинг бадий изланишларида лирик кечинма насрий асарларида қаҳрамон интеллектини намойиш қилади. Насрда лиро-романтик салмоқ “муаллиф дунёқараши”нинг бир бўлаги. Хусусан, жуда кўпчилик асарларида лирик кечинма фалсафий-эстетик мушоҳадага бойлиги, гоҳ ҳамда сюжетни бир-бирига боғловчи композицион устқурма эканлиги аёнлашади. Бироқ ритмнинг ўзи нима? У насрий асарда қандай хусусиятларга эга? Унда “муаллиф дунёқараши”, онг остидаги ҳали тасвирга чиқмаган воқелик қандай зухур этилишини тадқиқ қилиш эҳтиёжини туғдиради. “Инсон қалби ҳамиша қарама-қаршилиқларга тўла бўлади. Бу қарама-қаршилиқлар кўпинча соф инсоний туйғулар оламининг жамиятнинг ғуборли онлари билан тўқнашганда содир бўлади ва юзага келади. Инсоннинг бу ҳолатларини теран таҳлил қилиш, унинг сабабларини мантиқий ҳамда асосли очиб бериш таъсирли, мушоҳадакор кишини бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга соладиган бадий образ яратиш демакдир. Кейинги йилларда яратилган ўзбек прозасида худди мана шу нарса ўзининг

⁵² Мирвалиев С. Ўзбек романи. –Т: “Фан”. 1969. –Б.105.

хақиқий ифодасини топяпти. Мазкур асарларни ўқир эканмиз, адибларнинг ҳаётни диалектик идрок қилишларини, мумкин қадар конкретликка интилишларини, яъни асарларига материал бўлган воқелик аниқ ҳаётий заминга эга бўлишига ҳаракат қилишларини ҳис қиламиз. Улар асарлари орқали китобхонга етказмоқчи бўлган ғоясини зўрама-зўраки, кучаниш билан киши онгига сингдиришга интилмайди”⁵³. Ҳақиқат шуки, Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссасидан ибтидо олган ғоявий-бадий модус катта-кичик шеърӣ асарларида ҳам муаллиф дунёқарашини, лирик “мен” табиатини насрда ҳам акс эттириш анъанасини бошлаб берди. “Ритм бадий асарнинг уриб турган юраги экан, унда жамият ҳаётидаги узил-кесил, муттасил ўзгаришга мойиллиги билан тараққий этувчи роман поэтикасида муҳим бир этапни ташкил қилади” (*таъкид бизники - Д.Тошпулатова*). Бадийлик шарти шуки, қисм ва бўлақлар бирлашиб, ягона эстетик марказда уюшади. Натижада ижодкор дунёси янгича бир шаклда юзага чиқа бошлайди. Насрдаги ритм масаласи билан шуғулланган проф. Ҳ.Каримов талқинида ҳам айнан шу жиҳатга диққат қаратилгани бежиз эмас.

1997 йил яратилган ва адабий жамоатчиликда қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган “Мувозанат” романи қаҳрамони Юсуф – “Исён ва итоат” романида Акбар, “Сабо ва Самандар”да – Самандар тимсолида ритмик бутунликни намоён қилди. Айнан ҳар учала қаҳрамон бири-бирига ўхшаш овозлар йиғиндисини ягона ғоявий таянч марказига ёзувчи маҳорат билан бирлаштиради. “Мувозанат”да ижтимоий-сиёсий масалалар залвори Юсуф дунёқарашини ғоят кескин зиддиятлар, иккиланишларни, айрилиқ ва изтироблар фониди намоён қилса, “Исён ва итоат”да ижтимоий тенгсизлик – диний-илоҳий киритма эпизодик лавҳаларда қабариб кўринса, “Сабо ва Самандар” романида кучли депрессияни бошидан кечирган муҳаббат кишиси Самандар тимсолида романтик туйғуларни бири-бирига пайвандлай олганлигида сезилади. Буларнинг барчаси – бадий ритмда ўз аксини топади.

⁵³ Каримов Ҳ.Кечаги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси. Монография. –Т: “Yangi nashr”. 2018. –Б.188.

Рус мунаққиди В.Г.Белинский “Нарсаларнинг кадри – бир-бирига қиёс қилинганда билинади. Агар икки ёзувчи бир турда ижод қилиб, бир-бирига қандайдир ўхшашлиги бор экан, бинобарин, уларни параллел жойларга қўйиб бир-бирига қиёсан баҳолашдан бошқа илож йўқ: энг одил тарози шу. Бальзакка эътибор беринг: унинг повестларида бири иккинчисига пичагина ўхшаб кетадиган лоақал битта характер, лоақал битта шахс учрамаслигига қарамасдан бу зот қанчадан-қанча асарлар ёзиб ташлади. О, характерлар индивидуаллигининг жами қирраларини тасвирлашдаги ақл бовар қилмайдиган даражадаги маҳоратни қаранг!”⁵⁴ Мунаққид фикрлари бугунги ўзбек насри учун ҳам муҳим эканлиги аёнлашмоқда. Яъни асардаги ритмни маҳорат билан ташкиллаштириш ижодий концепция бадий такомилени англашга кенг йўл очади.

Насрдаги ритм борасида салмоқли тадқиқотлар яратган адабиётшунос олим Ҳ.Каримов: “Насрдаги ритмни асар гармониясидан қидириш лозим, яъни асардаги ҳар бир вазиятнинг умумий бирлиги, ҳар бир ҳолатни, ҳар бир воқеа-ҳодисанинг силсиласидан, характерларнинг хатти-ҳаракати, гапириш манераси, уларнинг асарда бажарган иши, қилган ҳаракатнинг мантиқий асосининг уйғунлигидан, шунингдек, характер фаолияти, унинг тутган иши савияси, билими, психологиясига мос ёки мос эмаслигидан, хуллас, ёзувчи маҳоратини белгилайдиган бадий компонентларнинг комплексидан қидириш лозим”⁵⁵ эканини таъкидласа, Д.Қуронов: “Бадий мулоқотга киришаётган ижодкор репрезентатив, экспрессив ва апеллятив мақсадларни кўзларкан, асарнинг ташкилланиши (структура) шу учала мақсаднинг рўёбга чиқиши учун оптимал имконият яратадиган бўлиши лозим. Англашиладики, гап қурилиши билан адабий асар қурилиши орасида юқоридагича мақсадлардан келиб чиқадиган типологик умумийлик бўлиши табиий. Демак, адабий асар структурасини гап қурилиши моделларига таянган ҳолда тушуниш ва тушунтириш мумкин бўлади”⁵⁶. Бинобарин, буларнинг барчаси –

⁵⁴ Белинский В.Г. Адабий орзулар. –Т: “Адабиёт ва санъат” нашриёти. 1978. –Б. 68-69.

⁵⁵ Каримов Ҳ. Ритм –асар юраги. –Т: Turon-Iqbol“. 2011. –Б.270.

⁵⁶ Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Т: “Шарқ” .2004.-Б.73.

ритмда ўз аксини топади. Демак, ритм асар композициясида ўлчовни, жанрни, ғояни, ижодий концепциясини бир махражда тартиблаштирадиган муҳим компонентлардан бири эканлиги намоён бўлади.

Биз масалани аниқлашда “Мувозанат” романидаги тасвир билан “Сабо ва Самандар”даги экспозицияни қиёслаб кўрамиз. Ҳар иккала романда бош қаҳрамон асарнинг таянч марказини ташкил қилади. Барча воқелик шу икки қаҳрамон атрофида содир бўлади. Лиро-романтик бўёқдорлик ижодкор концепциясини ҳосил қилиш билан бир қаторда, адиб туйғуларида қандайдир ички яқинлик, мутаносибликни келтириб чиқаради:

“Юсуф чўчиб хушига келди. “Ҳаммаси хаёл, ширин хаёл – ўйланди у диванда ётганча, – наҳотки энди ўша чоғлар қайтиб келмайди, наҳотки энди ҳаётим самарасиз ва зерикарли кечаверади? Ахир қирчиллама қирқ ёш остонасида нега бунчалар абгорман, бунчалар хўрланганман? Ким мени шу кўйга солди, ким?.. Наҳотки ҳеч ким? Наҳотки менинг ўзим секин-аста шу ҳолатга тушган бўлсам? Ахир ҳаммаси жойида эди-ку? Қаерда хато қилдим?” – Юсуфнинг саволлари адоқсиз эди, лекин топган жавобларига қаноат ҳосил қилмас, ичини тобора кемириб бораётган сўроқлар унини бир дам бўлса-да, ўчирсам дерди... Беихтиёр дўстларини – талабалик чоғларидаги ҳамфикру ҳаммаслакларини соғинди. “Қайдасиз, эй ёронлар? Нега йўлларимиз айро тушди? Нега биз бир-биримизни бу аҳволда ташлаб кетдик? Ахир, қандоқ аҳил эдик, қандоқ дўст эдик!.. Яна қайтармикин ўша дамлар, ўша баҳорлар?..”⁵⁷

Мазкур парчада асар бош қаҳрамони Юсуф жуда кўп нарсаларга жавоб топгандек ҳис қилади ўзини. Негаки романнинг еттинчи бобидаги ҳаётий зиддиятлар айнан асар сюжетини, ижодкор концепцияси бадий такомилени белгилаб берувчи асосий атрибутга эврилади. *“Ахир қирчиллама қирқ ёш остонасида нега бунчалар абгорман, бунчалар хўрланганман? Ким мени шу кўйга солди, ким?..”* дейишининг ўзиёқ асар муаллифи бот-бот таъкидлаётган адоқсиз мувозанат соғинчи билан яшаётган қаҳрамонни

⁵⁷ Ҳамдамов У. Ватан ҳақида қўшиқ. –Т:”Академнашр” .2019. –Б.32.

имтихондан ўтказди. Ёзувчи асар ритмида воқеликка теран аралашади. Баъзан муаллифнинг ўзи талқин бошқарувини қўлга олади. Юсуфнинг ички изтироблари билан бирга ҳаммаслак бўлади. Хўш, бу ҳаётини ўлчам, мувозанат изтироби ёзувчида яна қандай ўринларда содир бўлади? Мана шу саволга адибнинг “Ёлғизлик” асаридан жавоб топиш мумкин. Шунини қайд этиш жоиз, Улуғбек Ҳамдам “Мувозанат” романида бир-бирига мантқан боғланган – учта ўлим тасвирини ифодалайди. Биринчи ўлим – Муҳаммадjon аканинг умри поёнига етиб, асл тарихни ёзиш машаққатлари билан кечган ёлғизликдаги ҳаёт ва у ёзиш меросини Юсуфга қолдиради. Бундай дейишимизга сабаб, Муҳаммадjon ака Юсуфга тонготар суҳбатларида собиқ империянинг асл кирдикорлари, миллий онг ва тафаккурнинг тушовда ушлаб турилиши, сохта шиорлар билан умргузонлик қилиш ҳақида бўлса, Юсуф истиқлолга эришгач “ўтиш даври” қийинчиликларида олам ва одам муносабатларидаги мувозанатга путур етиши оқибатида келиб чиққан катта маънавий жарликнинг асл сабабларига ном беришида кўринади. Ҳар иккала асарда ҳам ёзувчи қаҳрамонни зиёли қатламдан танлайди. “Ёлғизлик”да ритм ижодкор концепциясининг илк мотиви тарзида баҳоланади. Қаҳрамоннинг мақсад муддаоси ҳам – моддий ва маънавий мувозанатсиз одам тўла-тўқис саодатга эриша олмаслигини бот-бот таъкидлаганида, деб изоҳлайди. “Ёлғизлик” қиссасидаги ўлим тасвири – “Мувозанат” романида қайта шакллантирилиб, тўлдирувчи компонентларга эврилади. Бу мисол “Ёлғизлик” қиссасида акс этиши:

“Ўғлим қийналиб ўлди... Ўлими олдидан дўхтирлар унинг аъзойи баданига санчилган анжомларини суғуриб, “Ҳозир жони чиқади, сўнг олиб кетаверасизлар”, – деди. Улар ўзларини худди бизга болани соғ-саломат топшираётгандек тутарди. Ҳаммасини ёппасига бир калтаклай дедим-у, Худодан кўриб, ўзимни босдим. Боланинг эса ҳа, деганда жони чиқавермади. Узоқ кутдик, чамаси икки соатча. Чақалоқ бирдан кўзларини катта очиб менга қаради, гўё мен соҳилдамани у эса кутурган дарёнинг ўртасида оқиб кетаётгандек қилиб қаради, жовдираб қаради. Жоним ҳалқумимга келди. Мен

илк бор ўзимни қурбон қилишга тайёр сездим. Ўғлимнинг ўлимида ўзимни айбдор ҳис қилдим, ичикиб оғридим...

Уйга келдик, маросим бошланди. Ювишдан олдин аёллар исмини сўрашди, исмсиз кетмасин дейишди. Биз ҳали исм қўйишга улгурмагандик. Лекин Муҳаммад номли ўғлим бўлишини жуда-жуда хоҳлардим. Болам эса ўлди. Агар исмни унга берсам, менинг ҳеч қачон Муҳаммад отлиғ ўғлим бўлмасди. Бир лаҳза иккиландим, исмни қизгандим... Сўнг аблаҳлигимга ортиқ чидай олмай “МУҲАММАД!!!” – бақирдим анчадан буён оғзимни пойлаб турган ювғичларга. Негадир бориб кўпчиликка “Муҳаммад, ўғлимнинг номи Муҳаммад!” дея бирма-бир айтиб чиқдим⁵⁸.

Мазкур тасвир қиссада ҳали туғилиб, беадоғ дард билан олишаётган мурғак гўдакнинг тақдири билан танишганимизда, бир бошқача ҳолатга тушамиз. Асардаги энг кулминацион нуқта “*Ҳозир жони чиқади, сўнг олиб кетаверасизлар*” жумласида жамият ҳаётининг АСЛ башараси акс этади. Кучли депрессия ва психологик таранг конфликт мазлум ота ва шифокор орасида шу биргина жумла орасида кечади. Жамиятнинг ва ундаги яшовчи элита қатламнинг бир узви шифокорлар – зиёли қисматига бефарқ. Тамомила тақдир қаҳрамон ҳаётини, яшашдан мақсад қолмаганини ифодалаш нуқтаи назаридан ёзувчи моддият ва маънавият жамиятни илгари одимлатадиган икки қанотга қиёслайди. “Муҳаммад исмли ўғли”нинг бўлишини хоҳлаган ота руҳий тўлғонишлари уни асраб қолишга ҳеч қандай чора тополмайди. Шахс руҳий кечинмаси ўқувчини теран ўйга толдириши, кулфатга ҳамдард бўлишга етаклайди. Адабиётшунос И.Ёқубов шундай ёзади: “Мувозанат” романида миллат кишисининг бугунги ўйлари, интилишу изланишлари, руҳий-маънавий изтироблари, жонли образлар орқали тиниқ тасвирланган. Руҳий сокинликка интилиб, дилидаги ишқни рўёбга чиқариш йўлларию усуллари тополмай, тасаввуф саҳросида эсанкираб қолиб, ўз мақсадига етолмаган Амир фожеси; ўзини толесиз сезиб, хаёлидаги ҳаётни реалликка кўчиришни тилаган, хиёнат изтиробларида ўртанган Захро; ижтимоий-

⁵⁸ Ҳамдамов У. Ёлғизлик. –Т: “Янги аср авлоди”. 2018. –Б. 22-23.

маънавий жиҳатдан яккаланиб, руҳий қийноқлар ичра ўртанаётган Саид; барча хаваслари рўёбга чиқса-да, юраги хувиллаб қолган Миразим танҳолиги; башариятнинг ёруғ келажагини илм-маърифатдагина кўрадиган, моддий, маънавий-руҳий қутбларни уйғунлаштириш зарурлигини тушуниб етган Юсуф ва бошқа ўнлаб қаҳрамонлар дилидан жой олди”⁵⁹. Кўриб ўтганимиздек, асардаги аянчли драматик сахналар галериясида шахс руҳий-маънавий жиҳатдан парчаланеди. Адоқсиз изтироблар қаҳрамон руҳиятини синовлайди. Натижада Юсуф каби миллат жонкуярлари қаттиқ изтироблар бағрида яшайди.

Қисса ва роман сюжетида ритмик модификация. Қиссадаги руҳий-маънавий эврилишлар Фарбда анъанага айланиб улгурган тасвир критериясини барқарорлаштиради. Амир ва Гулшода тақдирининг аянчли фожеаси Юсуф ҳаётида чорасизликдан – чора излашга етаклайди. Қисса қаҳрамони воқеликни кундалик дафтарига шунчаки ёзиб, муҳрлаб кўювчи эмас, Яратганнинг бундай бахтиқароликни унинг бошига солганлигига сабаб бўлган омилларга жавоб топишга доим талпиниб яшашида қабариб кўринади.

Аввало, шуни қайд этиш жоизки, Улуғбек Ҳамдам қаҳрамонлари асар сахнасида – мудоми исён билан ҳаракат қилади. Бу исён одатий исёндан тамомила фарқ қилади. Ёзувчи қаҳрамоннинг елкасига шу қадар КАТТА масъулият юклайдики, ундан қутулиб чиқишнинг ҳеч бир иложиси йўқ. Чунки Исён қилинаётган ҳодиса ёки предметнинг ўзида мусаффо бир интилишга эҳтиёж мавжуд. Жумладан, “Имом Ҳасан ал-Басрий: “Олим Аллоҳдан ғойибона кўрққан одамдир. Аллоҳ қизиқтирган нарсага қизиққан, Аллоҳ ёмон кўрган нарсадан қочган одамдир”⁶⁰ ҳадисини келтиради. Бу ҳадис мантиқан Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссаси қаҳрамонида шаклланган “Исёнкор одам”нинг характериға жуда мос келади. Яъни адиб қаҳрамонлари оламнинг яралишини ва ундаги ҳар бир ишда Аллоҳ таолонинг

⁵⁹ Ёқубов И. Ўзбек романининг маънавий-руҳий асослари// Шарқ юлдузи, 2011. №4. –Б.115.

⁶⁰ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олим Аллоҳдан ғойибона кўрққан одамдир www.islom.uz/ «Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди

ҳикмати яширинганини теран идрок қиладилар. Жамиятда шундай тартиб бўлишини хоҳлайдики, ёзувчи ижодий концепциясида турли хил шаклларда рўёбга чиққанлигининг гувоҳи бўламиз. Улуғбек Ҳамдам Ғарбда “Ақллар ҳукмдори” деб донг чиқарган Альберт Камю традицияларини ўз асарларида миллий менталитет чегараларидан ташқарига чиққан ҳолда ифодалаб, синтезлаб кўради. Бир қарашда касални яширган билан иситмаси чиқади иборасининг исботи ўлароқ жамият ҳаётидаги катта-кичик сиёсий-ижтимоий кучлар орасидаги рақобатга теран назар ташлайди. Тадбиркор ва сиёсатдон дўстларининг етиб келган манзилларида ҳам ҳаловат йўқлигини англай боради. Уйсиз, оиласиз, фарзандсиз сўққабош бўлиб яшаш, ОЛИЙ НИЗОМга бўйинсуниб ҳаёт кечириб лозимлиги унга ҳеч қачон “эрк” бермайди. Замонамиз файласуф олими Виктор Алимасов бу ҳақда: “А.Камю бадий-эстетик исённи Лотреамон, Рембо, А.Бретон ва бошқа сюрреалистларнинг поэтик ижодида ҳам кузатади. Улар янги ахлоқ яратишга қанчалик ҳаракат қилмасинлар, тарихий-анъанавий ахлоқ нормалари ўзгармади; Исо ўғитлари ҳамон яшовчандир. Аммо бадий-эстетик исёнда ижодкор руҳий-ҳиссий оламини ранг-баранглаштирувчи позитив жиҳатлар борлигини, айниқса, бу сюрреалист мусаввирлар асарларида кўзга ташланишини унутиб бўлмайди”⁶¹. Дарҳақиқат, ёзувчининг онг ва туйғу идрокида шакллана борган қаҳрамон ботинидаги ИСЁН одамларнинг фожеага гирифтор бўлаёзган асл сабабларини очиқлашга қаратилганлиги, модификацион тизим мувозанатга боғлиқлиги билан реал моҳият касб этади. А.Камюнинг ўзи жамият ҳаёти билан муросасиз яшади. Унинг “Вабо”, “Бегона” сингари қаҳрамонлари ҳаётдан маъни ахтариб яшади. Бу ҳақда “Исёнкор одам” китобида атрофлича муносабатини асослайди: “Санъат бир пайтнинг ўзида ҳам эътироф, ҳам инкор этувчи ҳодисалар сирасига киради. *“Биронта ҳам санъаткор воқеликка охиригача дош беролмайди”, – дейди Ницше. Бу ҳақиқат, бироқ биронта ҳам санъаткор воқеликни четлаб ўтолмаслиги ҳам ҳақиқат. Ижод – ваҳдатул вужудга интилиш, шу билан бирга мавжуд оламдан қочиш, уни*

⁶¹ <https://kh-davron.uz/yangiliklar/viktor-alimasov-isyonkor-odam.html>

инкор қилиш ҳамдир. Бироқ у оламда ўзлигини тополмагани, бу олам ўзлигига мос келмагани учунгина инкор қилади. Бу инкор моҳиятан ибтидога, тарих занжирининг илк ҳалқаларига, олам эзгулик ва ёвузликка бўлинаётган паллаларга қаратилади. Исён – олам бўлинишидан бошланган. Шу сабабли санъат исённинг моҳиятини бизга тўла очиб бера олувчи восита бўлиши ҳам мумкин”⁶². Улуғбек Ҳамдамнинг қаҳрамони Юсуф, Акбар, Самандар – ўз вужудида доим яхшилиқнинг мевасини тотиб яшаш, ундан келувчи изтиробни ҳам тўғри қабул қилишга интилувчанлиги билан бир-бирини тўлдирувчи образлар сирасига киради. “Ёлғизлик” қаҳрамони исмсиз. У парда орқасида ибодат қилаётган тақводор. Тавба-тазарруси Аллоҳга қаратилган мардум. Ўзлигини қидираётган ошиқ. Икки дунё саодатини кўмсаб яшайдиган олим ҳамдир. Айнан шундай ҳал қилувчи стереотип қарорлар чиқарувчи образнинг сирлилиги ҳам шундадир. Ижодкорнинг ҳеч бирида учрамайдиган бундай қаҳрамонлар ботинида КАТТА умуминсоний фалсафалар тиғизлиги мавжуд:

“Аламзадалиқ аста-секин чекилиб, ўрнини нафрат туйғуси эгаллаб олаётганди. Ҳа, бошқа чора қолмаганди, Юсуф нима биландир ҳаётини ихоталаши, воқелиқнинг кетма-кет тушаётган зарбасидан ўзини ҳимоя этиши зарур эди. Инчунун, нафрат аламзадалиқ босқичидан бир поғона юқорида турарди... У, аввало, даврнинг, атроф-муҳитнинг таъсирига берилиб аламзадалиқ ҳолига тушгани учун ўзидан нафрат қиларди. Ахир шунча илму урфониға қарамай, замон бир айланиб келганида унинг ҳам бошқалардан деярли фарқи қолмади. Иккиланишлардан ўзини сақлай олмади... Ахир у буларнинг барчасидан юқорироқда қолмоғи шарт эди, ўзининг наздида. Лекин бўлмади, у – мағлуб! Айни дамда, Юсуф бағридаги кескин нафрат одамларга ҳам йўналтирилган эди”⁶³. Фарзанд доғида эсанкираб қолган Юсуф моддий дунё ҳавасларидан тамомила қўл узган, кетма-кет тушаётган фожеалар уни чигал синовларга улоқтирганди. Мана шу пайтда инсон

⁶² Камю А. Исёнкор одам. https://ijodkor.clan.su/publ/khorizh/ilmij_ma_olalar/isjon_va_sanat/32-1-0-179

⁶³ Кўрсатилган адабиёт, -Б.195.

иродасининг бадий талқини юзага келади. Ёзувчи ана шу поғонадан туриб асар воқелигини кузатади. Концепция ҳам айнан шу мақсадни ифодалашни ўз зиммасига олади. Қисса ва роман поэтикасида узвийликни бошқариш ҳамда воқеликни тартиблаштириш ижодкорнинг дунёқарашидаги узил-кесил ўзгаришларнинг қайси ва қандай ҳолатда эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Юсуф ва Амир иккиси икки қутб. Бир қориндан тушган бўлишига қарамай, оламга ва ҳаётга, одамларга муносабатида ҳам бир-бирини сира такрорламайди. Ёзувчи айнан хилма-хил образлар негизида жамият ҳаётига зимдан назар ташлайди. Натижада ўз кўзлаган ижодий концепциясига ҳам эришади.

Мунаққид Қ.Йўлдошев эътироф этишича: “Қаноатсиз одамга тириклиги ҳамма замонларда ҳам мантиқсиз туюлган. Чунки одам ўз ҳаётини ўзи бошламагани сингари, уни хоҳлаган йўналишга буриб юбориш, истаганда тугаллаш ҳам унинг ихтиёрида эмас. Қисматни ўзгартириш йўлидаги уринишлар перипетияни, яъни тесқари натижани келтириб чиқаради. Шох Эдипни эслайлик: у тақдирга чап бераман, деб тадбиркорлик қилгани сайин фожиаси чуқурлашаверади. Тақдир ишига аралашмоқ, уни ўзгартирмоқ одамнинг қўлидан келмайди, барча мутасаввуф адиблар шундай бўлишини яхши билишган ва тақдирга тадбир кўрадиган эмас, балки унга пешвоз чиқадиган қаҳрамонларни тасвирлашга эътибор қаратишган. Шунинг учун ҳам Фарҳод ўлимдан кўркмайди ҳам, қочмайди ҳам, балки унга интилади. Чунки у қисматининг Хусрав эмас, қудратли зот томонидан тайин этилишини билади”⁶⁴. Бу фикр-мулоҳазалар Улуғбек Ҳамдамнинг асарларидаги барча қаҳрамонлар учун бирдек таъриф бўлади, десак асло муболаға қилмаймиз. Негаки Юсуф ҳам алалоқибатда тақдирга тан беришга маҳкум эканлигини тушуниб етади. Киши молига хиёнат қилмаган – Аллоҳнинг энг суюмли бандаларидан бири эканлигини англай боради. Ақаси Амирдан фарқли ўлароқ, у моддий дунё мувозанатини ушлай билди. Агар у

1. ⁶⁴ Ёлдошев Қ. Ёник сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 546 б.

2.

акаси каби йўл тутганида, роман бошдан-оёқ фожеалар силсиласидан иборат – абсурд қаҳрамонлардан таркиб топган бўлиб қоларди китобхон учун. Дейлик, Гулшода тақдир қурбони. У ўз ҳаётидан тўйиб, мудҳиш фожеага қўл уради. Ўз жонига қасд қилиш – унинг синовларга дош беролмаганидан, бошига тушаётган мусибат, касаллик ва йўқсиллик ожизани майиб-мажруҳ қилиб ташлаганлиги ишонарли ҳолат.

Ёзувчи икки асарда бир-бирига ўтиб турувчи катта бир сюжет линияларини ягона эстетик марказда уюштиради: қисса воқелигида лиризм билан фалсафий мушоҳада залвори ўзаро уйғунлашиб, баъзан хотирада қайта тикланаётган болаликнинг беғам лаҳзаларига ташналик ҳукм сурса, баъзан табиатан кучли ирода соҳиби бўлган образ кечинмалари намоён бўлади. Айни шу лирик тасвирга хос залворли мушоҳадалар тизмаси ритмик модификацияни муайянлаштиради. Романда эса Юсуфнинг реал ҳаётдаги қарашлари анъанавий тусда танқидий муносабатли нутқида намоён бўлиб, содир бўлаётган барча ҳодисаларни *тахлил* қилади, *баҳолайди*, улардан тайинли *хулосалар* чиқаришга одатлантирилади.

“Ёлғизлик” ёзиб тугалланган вақт билан “Мувозанат” романи эълон қилинган вақт орасида бир неча йил фарқланади. Ёзувчи бу давр оралиғида “Исён ва итоат” романини ҳам ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилиб улгурган эди. “Жанр тараққиётининг прогрессивлик ёки регрессивлик хусусияти эса ҳар бир роман индивидуаллиги билан боғлиқ. Романныи ёзувчининг вазифаси роман бадииятини таъминлаш билан чекланмайди, у жамият тараққиёт тадрижини фалсафий мушоҳада қилиш ва мантиқий англаш орқали бадиий талқин учун жалб этилаётган жамият тафаккурига монанд роман тафаккурини яратади”⁶⁵. Олима З.Пардаева талқинида роман услубини юзага келтирувчи махсус компонентлар тадрижи баҳоланмоқда. Роман тафаккури инсон онгида, руҳиятида кечаётган покланиш (катарсис) жараёнини кўрсатишга қаратилганлиги билан реал моҳият касб этади. Айниқса,

⁶⁵ Пардаева З. Ўзбек романи поэтикаси. –Т: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”. 2003. –Б. 30-31.

“вақт”нинг беаёв тилсимларида қаҳрамон ботинида содир бўлаётган ўсиш-ўзгаришлар онг ва туйғудаги таҳлил малакасини индивидуаллаштириб, инкор талабига ҳам муайян даражада жавоб топиш имконини беради.

Поэтик талқинда пафос ва ёзувчи “мен”и тушунчаси. “Адабиётшунослик терминлари луғати”да пафос (гр. Pathos – ҳиссиёт, эҳтирос сўзидан) жўшқинлик. Асар пафоси – ёзувчини мафтун этадиган ва бутун асарга сингиб кетган ғоя, ҳис ва ҳаяжондодир. Пафос билан ёзилган асар деганда, худди шуни англаш лозим. В.Г.Белинский, бадиий асарни ўрганиш ва таҳлил этишда, ҳаммадан ҳам аввал ундаги пафосни белгилаб олиш маъқул, деб ҳисоблайди. Пафосли нутқ жўшқин, ҳаяжонли нутқдир”⁶⁶.

Пафос ҳақида шуни қайд этиш жоизки, у асарда бутун бошли воқеликни ўзида акс эттириш йўсинида намоён бўла боради. Ўқувчини нотаниш бир ҳаёт манзараси билан таништириш бобида ёзувчи ҳеч иккиланишсиз қадам ташлайди. “Ёлғизлик”ни бир маҳражда акс эттиришда пафос бениҳоя катта вазифа бажаради. Адабиётшунос Д.Қуронов “Гегель эстетикасида пафос жуда муҳим ўрин тутаяди, у санъатнинг ўзаги, “санъат салтанати”нинг асоси сифатида талқин қилинади. Гегелга кўра, пафос инсон моҳиятини ташкил этувчи объектив мавжудлик, қалбни ҳаракатлантирувчи қудратли куч бўлиб, ижодкор ўз асарида уни ифодалашни мақсад қилади, яъни муайян пафосни ифодалаш санъат асарининг муддаоси, ижоднинг мотивидир. Шу асосда Гегель ижодга туртки берувчи мотивлар, пафос кўринишлари сифатида “оила”, ватан, давлат, черков, шон-шараф, дўстлик, ғурур, номус, муҳаббат” кабиларни кўрсатади. Гегель таърифидаги пафос кўпроқ асар персонажлари билан боғлиқ бўлса, В.Белинский уни ижодкор шахси билан боғлайди⁶⁷.

Демак, “Ёлғизлик” қиссасини ўқиб бераётган қаҳрамоннинг ўртоғи – асар воқелигида жуда катта роль ўйнайди. Бадиий пафос теран лиризм билан суғорилган бўлиб, қаҳрамон асарда юзлаб кечинмаларни рўй-рост ифодалаш йўлида анча-мунча “изм”ларни уйғунлаштириб юборади. Буни ҳаммадан

⁶⁶ Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. –Т: “Ўқитувчи”. 1967. –Б.162.

⁶⁷ Қуронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. –Т: “Академнашр”. 2013. –Б, 220.

дариг тутган “ён дафтарча”да ёзувчи ички бир муסיкийлик билан ёркин рангларда рўёбга чиқаришга эришади:

“Ҳаммасини тушуниб, хатто мазасини билиб турибман. Мен гўё сахна асарини мириқиб томоша қилаётган томошабинман. Қизиғи шундаки, актёр ҳам ўзимман. Шу билан бирга томошабин бўлиб актёр – А.ни кузатаман, актёр бўлиб эса томошабин А. нигоҳини шундоқ борлиғимда ҳис қиламан. Мен сенга ачинганим каби ўзимга ҳам хўрлигим келади, эй Дўст! Қани, энди кўлимдан келса-ю, сени озод этганимдек ўзимни-да бу шармандалиқдан халос қилсам! Ахир, мен ўзимни ўзим, яъни ўзлигимни қанчалар соғинганимни билсанг эди. Наҳотки, ўзи билан ўзи бўлишни исташлик Худога ёқмаса? Ахир, Худонинг Ўзи мендан айро эмас-ку! Тўғрироғи, мен Ундан алоҳида эмасман. Балки мени соғинтирган қисмим Худодан бир парчадир... Нима бўлгандаям, қийналиб кетдим, кўксимдаги юрагим гўё қонга кўшилиб бутун вужудим бўйлаб ниманингдир қасдида кезиб юргандек...”⁶⁸

Қисса поэтикасида иймон ва эътиқод борасида жуда катта фалсафий мазмун акс этади. Ёзувчи худди Кафкага ўхшаб қаҳрамонни бош ҳарф А. деб номлайди. Бу штрих ёзувчига ботиннинг ҳали ташқарига айтилмаган бир қисми мавжудлигини билдириб турибди. Ёзувчи ботинини тўлалигича – ифодаламаган. Парда орқасида гизли билан оламнинг бир қисмини юлиб олиб, ўқувчига узатган дарвешга ўхшайди. Унинг реал ҳаётдаги тутумлари ва Яратганга ташналик эҳтиёжи тобора – мустаҳкамлашиб, мукаммаллашиб боради. Рамзий-мажозий тасвирга яширилган “воқелик” тугаллик эмас. Унда бутун билан қисмнинг ўзаро зиддиятлари акс этиши тайин. Шу маънода “...ботинан соф руҳ сифатидаги илоҳий ибтидоий асос фақат фаол фикрловчи ақл предметини қарор топтиради. Фаолиятда моддий тус олувчи руҳ инсон қалби билан уйғунлашиб, санъатнинг моҳиятини ташкил қилади. Шунга қарамай, бу ерда хусусий манфаат ва интилишлар, муайян характерлар, уларнинг турли кўриниш ва ҳолатлари, умуман, ташқи шароитлар билан

⁶⁸ Ҳамдамов У. Ёлғизлик. –Т: “Янги аср авлоди”. 2019. Б. 12.

коришиш юз беради, шунинг учун бундай муайянлик билан идеаллик ўртасидаги алоқадорликни тавсифлашга эҳтиёж туғилади”⁶⁹. У.Ҳамдам қиссасидаги қаҳрамон ана шундай моҳият билан зийнатланган образдир. Унда ҳам моддият, ҳам руҳоният уйғун ҳолда келиши – донишмандона фикрлаш тарзини барқарорлаштиради. Негаки иложсизликдан ибтидо олаётган ҳодисалар қаҳрамонни жиддий синовларга гирифтор қилади. У нафақат оиласида, яқинлари орасида, балки ичида ёлғиз. Шу қадар ёлғизки, борликдан мужда кутиб чарчаш билмай яшайди.

Пафос ва ғоя. Инсон онгида кечаётган турли-туман ҳодисаларни бир нуқтага жипслаштирганда, романий тафаккур қай тарзда тартиблаганини билиб оламиз. “Ёлғизлик” қиссасида турли-туман “изм”ларнинг синкретик бирлашуви қисмлараро узвийликни таъминлашга хизмат қилади ҳамда қиссадан-романга, ҳикояга айланиш жараёнини қуйидаги жадвал асосида аниқлаймиз:

1-жадвал.



⁶⁹ Гегель. Эстетика. <https://saviya.uz/ijod/nasr/estetika/?imlo=k#>

“Ёлғизлик” қиссасидан ўсиб чиққан бадиий ғоя ёзувчининг характери шакллантириш босқичларида “хилма-хил” темпераментни юзага чиқаради. Бу, айниқса, “Мувозанат” романида ижтимоий муносабатлар тифизлигида, “Исён ва итоат”да диний-маърифий киритмалар фониди, “Сабо ва Самандар” романида ишқ тимсолида намоён бўлади. Улардаги қаҳрамонлар ўз елкаларига ниҳоятда оғир юкни олади. Улуғбек Ҳамдам битта қисса ва учала романдаги ошиқ ҳам, ота ҳам, тақводор ҳам, зиёли ҳам, мазлум ҳам, бегона ҳам бир-бирини тўлдириб, мукаммаллаштириб, ҳаёт аталмиш КАТТА сахнада ўз ролини ижро этаётган трагик қаҳрамонни ёдимизга олади. У қаҳрамон жисман тирик ва руҳан жамият тутумлари тегирмонида парча-парча бўлган ориф, ошиқ ва зоҳиддир. Ҳаётнинг кенг қамровли эпик сурати “Ёлғизлик” қиссасида ниҳоятда сиқик ва залвор билан берилган. Асарнинг муайян бир нуқтасидан олиб – қандайдир бир воқеликни кашф қилиш мумкин. Негаки асардаги бадиий пафос ва ёзувчи услубида жилваланган дунёқарашлар синтези шундай асосдир.

Умуман, Улуғбек Ҳамдам талқинларида ритм ва пафос асосий ва ёрдамчи эпизодик персонажлар характери тўлақонли чизишда муҳим атрибут ҳисобланади. Мазкур интизом “кеча – бугун – эртага” тарзида воқеликни барқарорлаштириб, азал ва абад орасида кечадиган инсонлараро курашнинг асл сабабларига кириб боришга йўл очади. Румий ва Навоий поэтик олампдан баҳра олган ёзувчи замон кишисининг оғриқларини теран идроклайди. Миллат ва шахс фожеасини битта инсон ботинида яшаб келаётган иллат ва хато, деб билади. Ундан қутулишнинг йўсинларини хилма-хил тақдирлар тимсолида қайтадан яратиб, ахлоқ ва дин, жамият ва зиёли, ошиқ ва маъшуклар бирлигида англашга диққат қаратади. Мукаммал бир оламни қўмсаб яшаш Улуғбек Ҳамдам бадиий изланишларида ўзига хос ҳалқани ташкил қилади. Зеро, инсон қайси даврнинг фарзанди бўлмасин, ҳамиша ўзлигини, ИНСОНлигини сақлаб, интилиб яшашга даъватида янада ёрқин суратларда қабариб кўринади.

2.2. Воқеилик ва бадиий талқин синтези

Бундан ўттиз йиллар олдин, адабий ҳаёт солномасида бошқача бир усулда асар битиш “урф”га айланган кезларда, Ғарб адабий-эстетик тафаккурининг энди-энди куртак ота бошлаётгани айтилиши ҳақиқатдир. Эркин Аъзам ва Мурод Муҳаммад Дўстнинг ғайришуурий ҳикояларида реалистик прозанинг имкониятлари бениҳоя кенглиги, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул, Шодиқул Ҳамро асарларида модернистик талқин устуворлиги намоён бўлиб, олам ва одамнинг асрорларини бадиий матн негизида таҳлил қилиш эҳтиёжи кучайиб бораётганидан далолат берарди. 1990 йиллар илк ҳикоялари билан адабий сахнада кўзга ташланаётган йигирма уч ёшга эндигина тўлган Исажон Султоннинг “Муножот” қиссаси бошқача шакл ва услубда асар ёзиш мумкинлигини исботлаб берди. Неомифопоэтик тафаккурнинг қисса поэтикасида акс этиш тадрижи шундай дейишимизга сабаб бўлади. Ранг-баранглик шаклда эмас, уни ифодалаш тарзида ҳам бўлиши тайин. Негаки Исажон Султон Фарғонанинг Авазбой номли мўъжаз қишлоғидан чиққан туйғулари соф ва умидли ёш ижодкорнинг илк машқларида айнан турли хил адабий приёмларнинг синтезини кўриш мумкин бўлади. Назаримизда, ёзувчи ифодада Ғарб, воқеликда Шарқ фалсафасини теран ўрганиб, янгича ёзишнинг уддасидан чиқишни исботлаб берди. Бир қарашда адиб асарлари худди Улуғбек Ҳамдам каби қишлоқ ва шаҳар орасида кечадиган персонажларни ёдимизга солса-да, воқелик тамомила бошқача тусда гавдаланади. Буни ушбу фаслда тадқиқ қилиб кўрамиз:

“Муножот”ни, умуман, Исажон Султоннинг барча асарларини бошдан-оёқ диққат билан ўқишни тавсия қилардим. Чунки ёзувчи ҳар бир жумлага, жумлада акс этган у ёки бу табиат ҳодисасига қандайдир рамз-маъно жойлаб кетган бўлади. Исажоннинг ижодий дунёси гўзалликлари, нафосатидан баҳра олмақчи бўлган ўқувчи биринчи бўлиб “Муножот”ни ўқиши ва чуқур ҳис қилиши лозим. Унинг қолган асарларида дунёқараши, тафаккур кўлами кенгайиб, бутун олам миқёсида тириклик сир-синоатини тушунмоқчи бўлаётган Ғарибнинг турли ном ва кўринишдаги қиёфаси намоён бўлади.

Айтмоқчиманки, Исажоннинг барча асарларининг бош қаҳрамони “Муножот”даги Ғарибдир. Фақат ном ва муҳит ўзга. Балки Исажон китобини Ғариб деб номлаганда, маъқул бўлармиди деб ўйладим”⁷⁰. Шунини қайд этиш лозимки, 23 ёшида “Муножот” қиссасини эълон қилиб, адабий даврларда тилга туша бошлаган бўлажак ёзувчининг қаҳрамони олам ва одам муаммосини билишга қизиққанлиги билан эътирофга лойиқдир. Ёзувчи Ғариб тимсолида бутун бир болаларга хос зийраклик ва зеҳниятни кашф қилади. Ғариб тимсолида болалик деган улкан ҳаётни, покиза бир дунёни англашни мақсад қилади. Ғариб тимсолида Ватанни севишни назокат билан уқтиради. Бу Исажон Султон талпинган идеалнинг энг асосий феноменидир. Ғариб – кучли зеҳният соҳиби. Унинг табиат ҳодисаларини, одамларнинг ўзаро муносабатини, меҳр ва муҳаббат нималигини Яратганнинг чумолиси тимсолида англашнинг уддасидан чиқади. Бола руҳиятида кечаётган узил-кесил ўзгаришлар Навоийнинг Фарҳоди, Қодирийнинг Отабеги, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг Фозили, Улуғбек Ҳамдамнинг Юсуфи каби моддий ва маънавий мувозанатга мудом интилиб яшаётган қаҳрамонларнинг биридир.

Адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам “Муножот” қиссасига ёзган сўз бошида шундай эътироф мавжуд: “Ғариб – ёзувчининг ўзи. Санъат мағзида. Аслида, ўзини-ўзи ифода қилиш ётади. Назаримда, Ғариб образига кирган оғриқ – дард ёзувчи кўнглида узоқ вақт яшаган, уни қийнаган. Худди Ғарибни ўз ҳолига қўймаган, ниҳоят, қоғозга суврат шаклида тушган Машраб ёки Муножот сиймоси янглиғ. Лекин баъзи ўринларда ёзувчи Ғарибдан ажралиб чиқади ва бошқа одам бўлиб гапиради”⁷¹. Бинобарин, ёзувчининг Ғариб образи нарса ва ҳодисаларга ўз шахсий муносабатини билдириб яшайди. Мулоҳаза ва мунозараларида буни яққол кузатамиз. Бир қарашда Исажон Султон Улуғбек Ҳамдам эътироф этганидек, муаллифнинг онги ва дунёқарашини – Ғариб тимсолида бир марказда жипслашган. Айнан Ғариб образини ёзувчининг бошқа асарлари учун “юриш босқичи”, “англаш

⁷⁰ Раҳимжон Раҳмат. “Муножот”дан “Боқий дарбадар”гача. Исажон Султон насри бадиияти. –Т: “Турон замин зиё”. –Б. 93.

⁷¹ Ҳамдамов У. Ойдинбулоқ ойдинлиги. Исажон Султон насри бадиияти. –Т: “Турон замин зиё”. –Б.146.

манераси”, “туйғу ва онг яхлитлиги”, “ижодий концепция бадийи такомилли” каби таассурот уйғотади. Негаки Ғарибнинг зехниятидаги узил-кесил ўзгаришлар модификацияси талқин барқарорлашувига кенг йўл очади.

Адабиётшунос М.Бобохонов: “Ёзувчи мавжуд воқеликни, ҳаётдаги ходисаларни бадийи талқин этар экан, ўз ғоявий мақсадини англашиш, асар марказидаги асосий қаҳрамонлар тийнат ва сийратини намойиш этиш учун турли адабий усулларни ишга солади. Баъзида бош қаҳрамоннинг ўзини сўйлатиб, ўзини кўрсатади, баъзан эса бутун борлиғидан наҳс ёғилиб турган кимсаларга ёки қалби тоза, иймони пок кишиларга дуч қилади. Тўқнашувлар, суҳбатлар, табиат манзаралари, мунозаралар ёки лирик кечинмалар орқали воқеалар ривожини ечимга қараб силжийди, қаҳрамонларнинг ички ва ташқи дунёси очилади”⁷². Дарҳақиқат, келтирилган манбага қўшимча тарзда шуни таъкидлаш ўринлики, ёзувчи – қаҳрамон – китобхон учлиги асардаги турли-туман воқелик даражаларини англашда муҳим роль ўйнайди. Айниқса, ижодкор ўзи ва ўзининг қалби шуурида “қайнаб” тошган воқеалар силсиласида қаҳрамон кечинмаларини улкан муҳаббат билан тасвирга олади. Қайта ишлайди, такомиллаштиради, тартиблаштиради. Воқелик баёнида бадийи синтез масаласи ўзининг маромида чизилади. Адол опанинг ва Малика опа мунозараларида ҳали туғилмаган болага исм қўйиш кераклиги ҳақида сўз юритилади. Ўзбек халқида болага исм қўйиш ва унга шундай ниятда илк вазифа юклатиш анъана тусини олиб, қадриятга айланиб улгурди. Масалан, Алпомиш, Баҳодир, Жалолиддин, Темур каби қаҳрамон ва жасур шахслар каби бутун бўлишлиги учун қисматига яхши ниятлар муҳрланишига дуо қилинади. Бундай усул Исажон Султон асарларининг асосий фрагментларини ташкил қилади:

“Ёз охирлаб бормоқда эди, теварак-атроф сездирмасдан таназзул фаслига тайёргарлик кўрар, ялпизнинг сарғая бошлаган банди, сувнинг эндиликда тўқ, зангор тусга кириши, жийда баргларининг бирма-бир тўкилиши ва ниҳоят, ҳаддан ташқари тиник, зангори осмондан кузнинг сокин

⁷² Бобохонов М. Ўзбек кимсаларида бадийи психологизм. –Т: “Баёз”. 2014. –Б.108.

нафаси уфуриб турарди. Болакай бир зумга чумолидан нигоҳини узиб, ялпизнинг ҳам жуда қарилгини кўрди, шўрликнинг танаси йўғонлашиб-семириб, кўпдан-кўп бачки шохчалар чиқариб юборган ва иси ҳам аввалги сингари нозик-нафис эмас, қуюқ ҳамда ачқимтироқ эди. Ҳатто салом-алик ўтининг уруғи-да ўсимликнинг қариганини, шунинг учун ҳам уруғини ерга сочиб юборганини таъкидлаб турарди. Чумоли тинмай чиранаверди ва, пировардида, туйқусдан сип-силлиқ орқаси ёрилди, ёриқларидан оқиш-захрининг ўткир иси тутиб кетди. Шунда ҳам уруғни тортиб олмоққа тиришар эди. Бирдан боланинг онгида нимадир ярқиллаб очилиб кетгандай бўлди, томирлари бўйлаб алланима оқа бошлади. Теварак-атроф жуда кекса, ҳаддан ташқари кекса эди, олам худди мункиллаб, қариб қолган чолга ўхшарди. Баҳорда ердан униб чиққан майса ҳам аслида миллионлаб йиллар аввал туғилиб бўлган эди. Унда... унда нима боқий? Азал-абад ёш ва навқирон нима бор бу гардуни дунда? Абад ёшлик худди абад қариллик сингари мазмунсиз эмасми? Боланинг дилини аввалгисидан ҳам кучлироқ бўлган даҳшат эгаллаб олди ва тура солиб, хўнграб йиғлаганча онасининг ёнига чошиб кетди...”⁷³

Ушбу парчада мурғак Ғариб кўнглида уйғонаётган билим ва тасаввурлар, шахснинг камолот пиллапоялари, олам сирларининг, тириклик нима деган саволга хос жавоб топишга уриниши яққол кўзга ташланиб турибди. Айниқса, ёзувчи буни психологик таранг вазиятда қолган Ғарибни катта имтиҳон сари тайёрлайди. Бир қарашда дунёнинг ўткинчилигини англаш орқали жониворлар, ўсимликларнинг ҳам абадул абад эмаслиги, уларнинг тирикчилик важида кечаётган умри алалоқибатда хазон бўлишидан чуқур қайғуга ботади. Ёзувчи Ғарибнинг ботинида ҳаётни англаш борасидаги изтиробнинг тобора теранлашиб, катталлашиб бораётганини тасвирлар кетма-кетлигида ифодалаб боради. *“Ёш боланинг қалбини машҳур психоаналитик Карл Густав Юнг зиддиятлар ўчоғи, деб атайди. Олим дейдики, ёш бола келгусида нормал шахс бўлиб етишиши учун доимий равишда тирик табиат*

⁷³ Султонов И. Муножот. –Т: “Ўзбекистон”. 2010. –Б. 120.

билан мулоқот қилиши лозим”⁷⁴. Демак, ёзувчи Ғарибнинг бола тасаввуридаги билган нарсаларини ва уларга таъсир этувчи сабаб-оқибатларни ҳам бир нуқтага жамлайди. Болалик Ғариб учун катта фалсафий-эстетик майдон ҳамдир. Она ва боланинг узундан-узун суҳбатларида ҳаёт ҳақиқати аста-секинлик билан очила боради. Асарни Исажон Султон баъзи рамзий-мажозий талқинларни ҳисобга олмаганида – автобиографик қисса деб, эълон қилса ҳам ҳеч нарса йўқотмайди. Қиссада воқелик қаватларига яширинган маънининг ўзига хос жилваларда акс этиши, табиатнинг сирли-сеҳрли ҳодисаларини босқичма-босқич англаб бориши қаҳрамонга олам-олам завқ бериши билан биргаликда унда кучли импульснинг юзага чиқишига замин ҳозирлайди.

Ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошев: “Пўртана тиниб, сув юзасидаги хас-хашаклар оқиб кетганидан сўнггина “ярқ” этган асарлар ора-сира кўзга ташлана бошлади. Менинг назаримда, узоқ давом этган синовлардан сўнг алоҳа адабиётимизда янги, овози “икки дарё оралиғида” қолиб кетмайдиган авлод пайдо бўлгандек. Ажаб эмас, шу яқин йиллар ичида адабий истеъмолга “Назар Эшонкул, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон, Баҳром Рўзимуҳаммадлар даври” деган истилоҳ кириб келса. Энг муҳими эса – менинг назаримда, албатта – адабиётимизда Эркин Аъзам, Шухрат Ризаев тимсолида Шахслар пайдо бўлди...”⁷⁵. Қайд этиш жоиз, янги замон насри хилма-хил ифода услублари билан бошқачаликда қабариб кўринади. Чунки келтирилган адиблар ўз услубий йўналишларга эга. Барчасида рамз – воқеликни идрок қилиш малакасини шакллантиришга хизмат қилганлигидадир. Унда воқелик ёзувчи онги ва тафаккурида қайта идрок қилиниши, қаҳрамон ўй-хаёлларининг бир узви сифатида бўй кўрсатиши далолатланади. Исажон Султон яратган қаҳрамонларнинг кўпчилиги фикр кишиси эканлиги бу жиҳат Улуғбек Ҳамдамда ҳам миллат зиёлисини ўйлантириб келаётган оғриқли муаммоларни қаламга олганлигида сезилади.

⁷⁴ Раҳимжон Раҳмат. “Муножот”дан “Боқий дарбадар”гача. –Т: “Турон замин зиё”. 2017. –Б. 95.

⁷⁵ <https://ziyouz.uz/suhbatlar/yangi-avlod-ovozi-su-bat-3/>

“Муножот” асарида воқелик Ғарибнинг англаб етган фалсафий идроки: “Абад ёшлик худди абад қарилик сингари мазмунсиз эмасми?” иқрори бошқа асарлари ёзилмасидан олдин энди ниш отаётган майса каби катталашиб, йириклашиб, мустаҳкамланиб, кейинчалик романларида ҳам бу ўз ифодасини топиб бормоқда.

Психологик тасвир ва муаллиф “мен”и уйғунлиги. Исажон Султон асарларининг кўпчилигида психологик тасвир характер индивидуаллигини таъминлаш баробарида ёзувчи дунёқарашини теран ва фалсафий уйғунликда инкишоф қилишга қаратилади. Бадий психологизм ҳар бир асар архитектуроникасида мавжуд ижодий концепцияни такомиллаштиради, сюжетни жадаллаштиради, характерни тўлақонли очиб беради. Шунингдек, унда қаҳрамонлар ўз дунёсини кураётган хилма-хил воқелик негизида борлиқдаги яшаш тарзи қандай кечишини ҳам англай боради. Афсус, кейинги пайтларда бундай асарлар кам яратилмоқда. Поэтик бутунлик айнан руҳий тасвир негизида қаҳрамон характерини юзага чиқариш билан ўлчанади. “Психологизм – бевосита муаллиф мулоҳазаси, қаҳрамоннинг ўз-ўзини таҳлил қилиши шаклида ва ёки билвосита – қаҳрамонлар мимикаси, хатти-ҳаракатини кўрсатиш формасида амалга оширилади”⁷⁶. Ғариб ана шундай “ўз-ўзини таҳлил қилиш шаклида” ёзувчининг ижодий ютуқларидан бири сифатида дунёга келган қаҳрамондир. Унинг онасига берган узундан-узун саволлари, билишга эҳтиёж сезган муаммолари кучли таранг руҳий вазиятни юзага олиб чиқади. Натижада ёзувчи Ғариб ўз-ўзини таҳлил қилиш билан ёзувчи ижодий ғоясини амалга оширувчи образ сифатида ҳам бўй кўрсата боради.

Ғариб – ноодатий характерга эга образ. Унинг туғилишида ёзувчи катта ҳаёт ҳақиқатини чиройли далиллар билан безайди. Ёзувчининг асар ёзиш вақтидаги ёш нуқтаи назарини таҳлил қилиб кўрганимизда буни яққол кўришимиз мумкин. 23 ёшга тўлган ёзувчи “Алпомиш” ва шунга ўхшаш халқ оғзаки ижодининг нодир намуналари билан яқиндан таниш. Фольклорга хос

⁷⁶ Бобохонов М. Ўзбек қиссаларида бадий психологизм. –Т: “Баёз”. 2014. –Б.75.

ноёб тасвир усуллари – қисса композициясида ижодий ният бадиий такомилени юргизувчи, шакллантирувчи услубий компонентлардан бири. Адиб ниҳоятда истеъдодли Ғарибнинг ноодатий фикрларни ўша дostonлардан топган бўлиши мумкин. Бундай дейишимизга сабаб, Ғарибнинг билағонлиги ва жасурлиги, бошқалардан ажралиб турадиган фавқулodда теран мулоҳазакорлиги шундай хулосани беради. Айнан мана шу жиҳатларнинг ўзиёқ психологик тасвир имкониятларининг кенгайишига замин яратади.

Ёзувчи Исажон Султон ўзи ва асар яратишга оид шундай фикрларни илгари суради: “Бола тасавури билан ўзимиз кўниккан-билган манзаралар ортидаги кўникмаган-билмаган манзараларни излар эдик. Кутубхоналарда китоб кўп, қай бири дуч келса ўқийверар, лекин тобора куч йиғиб бораётган тасавурни ҳатто фантастик ва саргузашт асарлар ҳам қондиrolмасди. Ёзувчилар ўз қувваи хаёлотига таяниб минг бир манзара ва ҳодисаларни содир қилар эди-ю, бироқ руҳ яна нималарнидир излайверарди. Болалар адабиёти деган дунёнинг мағзини жуда қисқа вақт ичида чақиб улгурган ва аллақачон ундан ўзиб кетган идрокимиз янада залворлироқ маъноларни хоҳлар эди. Бу изланишни тафаккурнинг ўсиш ва сингдириш даври деб номладим, ўзимча”⁷⁷. Айнан мана шу фикрлар илк қиссасининг бош қаҳрамони Ғариб – Исажон Султоннинг ўзи ва ўз оламини англатиш учун юзага келган қаҳрамон эканлиги аёнлашади. Негаки асарда Ғариб жуда ноёб қобилият бўлиши билан бир қаторда, катта инсонлардек мулоҳаза юритиши, анча-мунча фалсафалар уни ҳеч бир тўлқинлантира олмаслиги, ўз билгич хаёлларидан бошқани тан олмаслиги ойдек равшанлашади. Исажон Султон бу ерда Ғариб тимсолидаги мураккаб образни ич-ичидан ҳис қилиб, теран билиб ва англаган ҳолда тасвирлайди. Натижада уни ўқиган китобхон ҳеч иккиланишсиз асар воқелигини англай боради. Асарда психологик жиҳатдан ўсишнинг табиий ўсиш, камол топиш орасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. У туғма қобилиятлилиги билан бошқалардан ажралиб туради.

⁷⁷ Султонов И. “Мени ҳам туртиб кўй, эрта уйғонсанг...”// Тафаккур. 2017. –Б.325.

Таъкидлаш ўринлики, инсон табиатида кечувчи психологик ўзгаришлар мутеликни келтириб чиқариши тайин. Яъни инсон онгли равишда ўз ҳаётини синергетик ташкиллаштирмаса, уни ўраб турган муҳит қарам қилиб олиши тайин. Исажон Султон асарларининг туб илдизини ва ижодий концептуал марказни – халқ оғзаки ижодидан қидирган маъқул. Чунки ёзувчи ҳар бир деталь, штрих семаларга фольклор образларни сингдириб юборади ва янги замон мифини яратади. “Тасвирланаётган ҳис-туйғулар ёрдамида кўра-билиб туриб асар яратиш – ёзувчи учун қонундир”⁷⁸. Исажон Султон эпосдаги каби рамз ва метафоралар негизида ўз оламини бунёд этаётган шахс руҳиятини чизишга эришган:

“Ернинг шўри бор-ку, шуям юради. У айёр, ёмон, нукул одамларни пойлайди.

– Балки девор ҳам юрар? – деди она аччиғи чиқиб. Уйнинг орқасидаги шўр бор-ку, ўша ерда ўтирсам, югуриб келиб деворга чиқиб олди. Ўшалар ҳам унинг орқасидан етиб келишибди. Ҳадемай Улфат холанинг уйига ҳам кириб олишса керак...”⁷⁹

Мана шу эпизоддан ҳам билиш мумкинки, ёзувчи халқ оғзаки ижодининг баъзи тасвир йўсинларини ўз оламидаги Ғариб тимсолига уйғунлаштириб чиройли бир тарзда аниқ-тиниқ ифодалашнинг уддасидан чиқади. Ғарибнинг ғайриодатий фикр-мулоҳазаларида катта ва универсал фалсафий-психологик кайфиятни топиш мумкин.

Адиб талқинларида шўро сиёсатида эзилган, умри бўйи меҳнатдан чиқмайдиган қаҳрамонларни эртақона, достонона эпик кўлам бағрида қайта ташкиллаштиради. Бу ерда ҳеч қандай мафкуравий тазйиқ исқанжасида қолган қаҳрамон ҳақида сўз юритмайди. Бироқ тасвирдаги қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатларида ёзувчи “тасвир қаватида тасвир” усулини қўллайдиги, буни зеҳнияти ўткир китобхон дарров пайқайди. Адиб ана шу зайлда “Муножот”нинг систем бутунлигини таъминлай олган.

⁷⁸ Қаранг: Бадиий ижод асослари. –Т: “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”. 1960. –Б. 100.

⁷⁹ Кўрсатилган адабиёт, -Б.124.

Ғариб – табиат билан яқиндан тиллашувчи мураккаб образ. У “табиат тили”ни яхши англайди ва уни ҳаётга кўчиради. Ижтимоий муносабатлар тиғизлигида Ғариб янада юксалади. Уни атрофдаги одамлар тушунмаслиги ҳам шунда. Яъни одамлар фикрлаш, англаш ишларидан ҳам бошқа юмушлар билан банд эканлигини ёзувчи китобхонга уқтирмақчи бўлади. Бироқ уни англаш борасида ҳеч ким ёнига келмайди. Мана шу ерда қаҳрамоннинг кескин психологик кайфияти зуҳур этилади.

Назар Эшонкул фикрича: “Фрейд инсон моҳияти онгли фаолиятдан кўра онг ости ҳиссиётларда яққолроқ кўзга ташланади дейди. Онгости тасаввурлари ва кечинмалар ўзини шахсга руҳий-ҳиссий рамзлар орқали билдириб туради. Аммо онгли фаолият бу рамзларга эътибор бермайди. Оқибатда онг ости фаолияти ўзини кўрсатиш учун бетиним туйнуқлар излайди. Руҳий эврилишлар, депрессиялар, асабийликлар асосида ана шу ҳолат – онгости майллари инсон руҳида ўзини намоён қила бошлаганини билдиради”⁸⁰. Мана шу жиҳатларнинг ўзиёқ Ғарибни тўлақонли англашга йўл очади. Демак, инсоннинг онг ости туйғуларининг муайян бир предмет, шакл, мазмун касб этиши юқоридаги руҳий зўриқишлар негизида янада очиклана боради. Рамзий тимсол – мажозга эврилган инсон фаолиятида ҳар қандай табиат ҳодисалари “гапирувчи”, “фикрловчи”, “изланувчи” моҳиятга айланади. Ғариб ана шу жиҳатлари билан бошқаларнинг олаmidан йироқлашади. У англаб ва англатиш илинжида ҳаёт кечириш заруратини ўзида сингдира боради.

Исажон Султоннинг “Муножот” қиссасида Ғариб образининг мураккаб ва рамзий тимсол даражасига айланиши бошқа асарларида ҳам яққол намоён бўлади. “Ўрмондаги кулба”, “Ота қасидаси”даги ўғил, “Отамга нимадир бўлди” ҳикоялари мисол бўлади. Айниқса, “Онаизорим” қиссасида – қишлоқ ҳаётини, у ерда яшовчи одамлар руҳиятини, ички оламини хилма-хил тасвирларда ифодалашга эришади. Бинобарин, “Онаизорим” қиссасидаги баъзи образлар “Муножот” қиссасида идентификация қилинади. Чунки мана

⁸⁰ Назар Эшонкул. Ижод фалсафаси. –Т: “Академнашр”. 2018. –Б.43.

шу жиҳатларнинг энг муҳим қирралари айнан ҳар иккала қиссада мутаносиб тасвир поэтикасининг юзага чиқишига замин ҳозирлайди. Шу жиҳатдан улардаги портрет, деталь ва характераро муносабатларда ҳам бир-бирига ўхшашлик аломати очик ойдин кўзга ташланади.

Психологик тасвир ўзига хослиги ҳақида шуни қайд этиш жоизки, ҳар қандай образ ўзининг руҳий оламида такомиллашади. Инсонни билиш, уни англаш манераси ёзувчидан айро ҳолда рўй бермайди. Негаки унда шахс руҳияти қаҳрамон ҳаракатларига кўчиб ўтади. Бир асардан – иккинчи бир асарга силжиш, ёзувчи дунёсини рангинлаштиради. Шу маънода ҳар бир образ сажияси мавжуд ақидаларни жипслаштириш билан бир қаторда умумий кайфиятни тақозолайди. “Психологизмнинг формалари турли-туман бўлганидек, унинг портрет, диалог, монолог, туш, психологик тимсоллар, ҳиссий ҳаракатлар, пейзаж, галлюцинация каби поэтик воситалари ҳам ранг-барангдир. Уларнинг ҳар бири қаҳрамон ички дунёсининг яширин сирларини ошкор қилишда ёзувчига қўл келади”⁸¹, – дея ёзади адабиётшунос Ҳ.Умутов. Шуни кўшимча қилиш жоизки, ёзувчи Исажон Султон ва Улуғбек Ҳамдам асар воқелигига олиб кирган ҳар бир деталда, айниқса, пейзаж воситасига бот-бот мурожаат қилишини кўрамыз. Жумладан, Исажон Султоннинг биринчи қиссаси билан иккинчи қиссаси орасида йигирма йил вақт ўтган бўлса-да, характер қирраларини намоёиш қилишда илк “мотив”нинг қўл келиши намоён бўлмоқда:

“Яна бир чақалоқ тугилди.

У ҳеч нимани билмайдиган, гоҳ ўзича кулимсираб, гоҳ чириллаб йиғлайдиган қизиқ бир жонзот эди.

Онаси юмушга уннаб кетганида гоҳо Раънога “Укангга қараб тур”, дер эди. Шунда Раъно қизиқсиниб унинг қўл-бетларини ушлаб кўрарди. Чақалоққа бу ёқмас, гингишди.

Она аллалари ҳам ўчмас бўлиб ёдига муҳрланди:

⁸¹ Умутов Ҳ. Ўзбек романида психологизм принциплари, шакллари ва воситалари. Ўзбек адабий танқиди. антологияси илмий мақолалар тўплами. Тузувчи Б.Каримов. –Т: “Turon-Iqbol” 2011. –Б. 245.

Тилимнинг узунли-ё, алла.

Юзимнинг қизили-ё, алла,

Юрагимнинг тафтига-ё

Тандирлар қизийди-ё, алла...

...Отасининг давлати йўқ, алла-ё алла,

Онасининг роҳати йўқ, алла-ё алла...

*Сўзларига эътибор берармиди? “Юзимнинг қизиллиги сен туфайли”,
дермиди онаси? “Сен бўлмасанг сомондай сарғаярдим, Худойим етказганига
минг шукур” дермиди? “Тилимнинг дўсту душман орасида узун бўлишим
сендан, ахир... Йўқса, орзу-армонларим мўл эди, энди эса юрагимда тафтига
тандирлар қизийдиган даражада лаҳча чўғлар бор, жоним болам”, деб
кўйлармиди алласини онаизор?*

Гоҳо хотинлар тўпланиб, чилдирма чалиб қўшиқ ҳам айтар эдилар:

Толем бўлса эди, ёнган чироқ ўчармиди?

Мен суянган тоғларим ости билан кўчармиди?

Йиғлай-йиғлай тиниқиб, кейин яна чақчақлашиб ўтираверишарди.

*Қизгина улар кийган кўйлақларга, тақинчоқларга эътибор берар, тезроқ
катта бўлгиси, мана шунақа гулдор кўйлақлар кийгиси, тақинчоқлар
таққиси келар эди”⁸².*

Мазкур қиссадаги тасвирларда Раънонинг қисмати, болалигидан то улғайгунга қадар кечмишлари акс эттирилади. Айниқса, болалар руҳиятини теран англаган ёзувчи бу ерда тасвирга жуда кўплаб психологик ҳолат, вазиятларни сингдириб юборади. Бир-бирига мантиқан боғланган тасвирлар кетма-кетлигида психологизм ёзувчи дунёқарашини амалга оширувчи асосий фрагментлардан бири бўлиб қолганлиги аёнлашади. Бот-бот “Ариқча оқаяпсанми?” савол-жавобида умрнинг ўтиб кетаётгани, ҳаёт берган изтироблар болаларни болалиги билан эмас, меҳнат эвазига катта қилаётгани ёзувчини чуқур бир ачинишга етаклайди. Ариқчанинг оқиши – умрнинг фонийлиги, одамзод ўзи яшаб турган ҳаётнинг бир парчасини англаб

⁸² <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/isajon-sultonov/isajon-sulton-on aizorim-qissa/>

етмолмасдан ўтиб кетиш инстинкти билан ўралашиб қолиши ҳақида намоёндыр. “Ёзувчи ҳар бир қаҳрамоннинг овозини, юз ифодасини, кечинмасини, сўзлаш услубини бериш учун, унинг хатти-ҳаракатини, ирода йўналишини, асослаш учун, албатта, ўша қаҳрамонларнинг қиёфасига кириши шарт қилиб қўяди. Бусиз, ёзувчи қаҳрамоннинг ўша шароитдаги, айни шу вазиятдаги қалб ҳолатининг ўзига хослигини тасвирлай олмайди. Дарвоқе, тасвирланаётган шахс билан ёзувчининг шахси ўртасида ўхшашлик бор...”⁸³ Шунинг учун ҳам ҳар бир персонаж тўлақонли ўз “мен”и билан асар композициясида қайсидир вазифани бажариш учун ҳаракатланади. Ғариб ва Раъно худди ака-сингилдек, уларнинг фикрлаш тарзи, яшаш тарзи, англаш тарзи бир-бирига уйғунлик касб этиб борганлигида деб, ҳисоблаймиз:

“– Ҳа, ариқча, оқаяпсанми?”

– Оқаяпман.

– Бугун укам ўлиб қолди.

– Вой, нима бўлди?

– Билмадим... Қўрқиб кетаяпман, ариқча.

– Қўрқма...

– Яхши болача эди... Қўлчаларини ўйнатиб, чуғурлаб ётар эди.

Илжайиб туриб, чувиллатиб сийиб ҳам қўяр эди...

– Ҳа, уканг яхши бола эди.

– Онам нима қилади энди?

– Бечорага қийин бўпти.

– Юпатаман деб, “Онажон, хафа бўлманг, яна битта укача тугиб оласиз” десам, роса йиғлади.

– Энди сен унга мадор бўл, хаёлини чалғит.

– Отам-чи?

– Отанг нима қилапти?

⁸³ Умутов Ҳ. Бадиий ижод асослари. –Т: “Ўзбекистон”, 200.. –Б. 91.

– У ҳам йиғлаяпти. Аммо онамга ўхшаб эмас. Томорқаларни айланиб юради-да, кейин бошини дарахтларга, гувалак деворларга уриб-уриб йиғлайди.⁸⁴

Бехосдан Раънонинг укаси оламдан ўтиши, у ички изтиробларини онасига айтолмаса ҳам, ариқчага келиб йиғлаб солиши қиссада ички бир изтироб билан тасвирга олинади. Негаки изтироб қалинлаша боради. Ёзувчи икки жиҳатда ҳам мангу изтироб оғушида қолган ота ва онанинг психологик кайфиятини теран идроклайди. Мана шу қирраларда характер янада теран очилади.

Ҳар икки қиссада ҳам персонажларнинг ички нутқлари икки шаклда рўй беради, биринчидан, муаллиф ҳикоясида кўзга ташланса, иккинчидан, қаҳрамоннинг фикрлари, руҳий кечинмалари билан ифодалашда кўринади. Қиссада ички монолог усули муаллиф дунёқарашини ифодалашнинг энг муҳим шакли сифатида намоён бўлган. Ғариб ва Раъно тимсолида қаҳрамон нутқи маълум ўринларда ички бўлинишга учрайди. Инкор ва тасдиқ тушунчаси ҳар иккала қаҳрамонда ҳаёт чизиқларида адашишга йўл бермайдиган концептуал марказни жипслаштиради. Бир-бирига ўтиб турувчи икки тушунча негизида қуйидаги ҳолатларни қиёслаш лозим:

- 1. Муаллиф гоёсининг устуворлиги;*
- 2. Муаллиф гоёсида қаҳрамон ўсиш-ўзгариши;*
- 3. Асар воқелиги ва муаллиф концепцияси уйғунлиги;*
- 4. Қаҳрамонлараро синтез, ўхшашлик, такрор, тасвир ва талқин мутаносиблиги;*
- 5. Психологик вазиятда инсон ирода йўналишининг кучли ва оғир томонларида қабариб кўринади.*

Ҳар икки қиссадаги психологик картиналар коммуникатив ҳолатни тақозолайди. Унда ўқувчи ва қаҳрамон ўзаро ички бир суҳбатлар асосида диалогик мулоҳазага киришади. Машҳур психоаналитик Эрих Фромм: “Бола ўз ҳаётини меҳр-муҳаббат, эзгулик ва адолат тушунчаси билан бошлайди.

⁸⁴ Султонов И. Онаизорим. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/isajon-sultonov/isajon-sulton-onaizorim-qissa/>

Эмизикли бола, умуман, ҳаётини тўлалигича онаси ихтиёрига топширади: оч қолганда онаси уни эмизади, совуқда бағрига босади, касал бўлганда парвариш қилади – хуллас, бола онасига тўла ишонади. Бундай ишонч отасига, бувиси ва бобосига, бошқа бирор яқинларига, шунингдек, Худога нисбатан ҳам бўлади”. Кўпинча болалардаги бундай ишонч анча барвактрок юзага келади. Баъзан муҳим нарсалар тўғрисида отаси ёлғон гапираётганини эшитади; онаси олдида отаси қайсидир масалаларда унга ён бераётганини, енгилаётганини кўриб туради; отаси унда ўзи ўйлаганчалик даражада қудратли эмасдек, деган таассурот қолдиради – бундан бола тасаввурлари ўзгаради. Аммо боланинг хотиржамлигини таъминлаш вазифаси эканлигини унутган ота-она эса унга эътибор бермайди, унга бу ҳақда гапиришга йўл кўймайди”⁸⁵. Ҳақиқатдан ҳам, Исажон Султон асарларида оила бошлиғи – ота кўпинча бешафқат, безътибор, раҳмсиз бўлиб тасвирланади. Чайир ва чаққон ота образининг турли асарларда турлича қиёфасини учратиш мумкин. Бироқ ёзувчи қандай ва қай йўсинда ОТА образини идрок қилмасин, болалари ўз отасини ич-ичидан яхши кўриб улғайишади. Отанинг уйдаги ўрни ва вазифаси ҳам тирикчиликка етадиган пул, ош-овқат ва ризқ топиш билан ойдинлашади. Она – меҳрибон, юпатувчи, раҳмдил, шафқатли ва ўта билимдон, худди ўқитувчидек сюжет воқелигида намоён бўлади. Ғарибнинг ҳам, Раънонинг ҳам ота-оналари ана шундай фазилатлари (ўзгарувчан!) билан ифода этилади.

Психологик тасвир қисса архитектоникасида эсселашиб бораётган талқинни бир-бирига пайвандлашда жуда қўл келиши табиий ҳолат. Шунинг учун ҳам ижодкорлар характер руҳиятини чизишда динамик, аналитик, синтетик принциплари – рамзий-мажозий талқинларни юзага келтиришда бирдек мослашувчандир. Сабаби ҳар бир ёзувчи руҳият масаласида алоҳида мезонларга таянади. Кимдир ички оламни ташқи факторлар билан безаса, кимдир ташқи оламни ички факторлар (муҳит) билан муқояса қилишга мойил бўлади. Бир хил қолип бугун учун эскиликдир. “XX аср очуннинг

⁸⁵ Эрих Фромм. Инсон қалби. –Т: “Ўзбекистон”. 2016.-б,27.

катта қисмида фалсафа, тарих, адабиётшунослик ва бадиий ижодда бошдан-оёқ эсселашуш даври бўлди. Аммо нимани, қачон ва қандай айтиш кераклиги регламентлаб қўйилган шўро жамиятида эсселашушга йўл қўйилмасди. Чунки эссе жанридаги асар учун жамиятнинг барча аъзолари ёхуд унинг кўпчилиги томонидан қабул қилинган жамоавий қараш эмас, балки муаллифнинг индивидуал фикри қимматли саналганидек, эсселашган ижод учун ҳам ижтимоий манфаат ёнки қабул этилган ёндашувларга мувофиқлик эмас, муаллифнинг ўз кўзкараши муҳимдир”⁸⁶. Кўринадики, Қ.Йўлдошев узоқ йиллар мафкуравий цензура бўғимида ушлаб турилган адабиётнинг бугунгимизга келиб эркин нафас олишга йўл очилганини исботлайди. Тўғри таъкидлаганидек, эсселашув процесси нафақат роман, насрнинг турли жанрларида кўзга ташланди. Муаллиф ва дунё бирлигида бадиий англаш ҳосиласи турфалана бошлади. Исажон Султоннинг иккинчи бир усули фольклор анъаналарни реал воқеликка рамз шаклида сингдириб, ундан бугунги одам руҳиятини топишга интилишида кўринади. Олима Н.Тошева адиб асарларидаги кодни шундай изоҳлайди: “Халқона эпик тасвир услуби ёзма адабиётнинг шаклланиши ва ёзма наср тараққиётида муҳим аҳамият касб этди. Ҳар қандай ёзувчи ўз асарида севги-муҳаббат, садоқат деталларини ёритишда бевосита ота-боболаримизнинг севги-муҳаббати, садоқати тасвири билан боғлиқ бадиий-эстетик қарашларига таянишини кузатиш мумкин. Қаҳрамоннинг севги-муҳаббатига эришиши мақсадидаги саргузаштлари асосига эпик сюжетнинг қурилиши романик код вазифасини бажарган. Романик код – эпик турда асар бош қаҳрамонининг ишқий саргузаштлари ва кечинмаларига асосланишидир. Қаҳрамоннинг романик кечинмалари, ўз мақсадига эришиши учун хатти-ҳаракатлари, муайян тўсиқларга дуч келиши ва тўсиқларни енгиб ўтиши пировардида ўз мақсадига эришиши ёки эриша олмаслиги каби романик саргузашт

⁸⁶ Йўлдошев Қ. Роман жанрининг етакчи белгилари ва бугунги ўзбек хос хусусиятлар. –Т: “Адиб”. 2013. – Б.358.

интиҳосини тасвирлаш орқали муайян сюжет яратишдир”⁸⁷. Дарҳақиқат, Ғариб универсал фикрловчи қаҳрамон; Раъно унинг изтироблари, қувончлари-ю, қайғулари бир аёл, ожиза руҳиятини қай даражада кучли депрессив синовдан ўтказади. Баъзан яшашдан нима фойда деган ўйга боради. Исажон Султон бу ҳақда сўз юритганда “ўз онаси, опаси, синглиси”нинг ҳаётини чуқур англагани, ўзбек аёлларининг фақир ва мазлумлигини, яшашида фақат меҳнат ичида кун кечиришини теран идроклайди. Бу ички изтироблар ўқувчини ҳам ҳазин ўйга чўмдиради:

“Қайнона зориллади.

– Келин деган ўтиравермайди болага қараб. Чиқиб ишингизни қилсангиз бўлмайдимми? Биз ҳам бола туққанмиз, нечтасини катта қилганмиз, ишимиз ўлда-жўлда қолиб кетмаган.

Раъно унинг кўнглини олишга чандон уринди, қайнона сира тинчимади. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ деяверди.

– Ҳой, қўйсанг-чи, – деди қайнота.

Қайнона униям жеркиб ташлади.

Шунда эри орага кирди.

– Нима дейсан, она? – деди жаҳли чиқиб. – Қўли олти, оёғи етти бўлиб хизматингни қилаяпти-ку?

– Сигирга сув бермапти, – деди қайнона. – Шу ёшга кириб онам сув ташишин десанг, ўл сен ҳам.

– Ўзим ташийман сигирингга сувни, – деди эр.

– Эркак бўлмай қол, энди сигирга қараб юрсанг, – деди қайнона. – Эркак деган кўчадан ризқ ташиб келади, уйда нима бор экан?

– Унақа дема, она, – деди ўғил. – Жонимни икки томонида иккаланг турибсан. Бир қўлимни тишласам, бошқаси оғриси? Ахир, тушунгин-да, она. У бошимни устида бўлса, сен кўзимни устида. Сен норози бўлсанг кўзим оғрийди, у хафа бўлса бошим.

⁸⁷ Тошева Н. Ҳозирги ўзбек насрида фольклорга оид воситаларнинг поэтик функцияси. Филол.фан.фалсафа.док. автореф. –Т: 2020. –Б.14.

Қайнона тўнғиллаб-тўнғиллаб нари кетди”⁸⁸.

Қиссада келин ва қайнона зиддиятлари, ҳалигача одамга меҳнатига караб иззат кўрсатадиган оилалар, мудом келинидан зорикқан қайноналар борлигини адиб кескин драматик тасвирларда ёрқин ифодалайди. Кишига меҳнат кучи сифатида қараш ҳалигача сақланиб келаётганидан азият чекади. Бир умр меҳнатдан қотган қўллари Раённинг оилада орзу-умидлари, бир ёнда ғўзапоя парвариши, бир томонда бола парвариши уни кучли стрессга солиб қўяди. Адиб бу асари билан ўзбекона лутф, миллий ўзлик, қадрият каби азалий тушунчаларни фольклорга оид тасвир ва реал ҳаёт турмуши уйғунлигида кўрсатишни мақсад қилганлиги кўринади. Шунингдек, асарда ҳар доимгидек ота ўрни, она роли, биринчи навбатда, миллий ўзликдан келиб чиққан ҳолда талқин қилинади. Аёнки, ўзбек оилаларида қиз парвариши ва тарбиясидан ортиқ муаммо йўқ. Ёзувчи буни ўз қисматида шу сифатларни сингдирган. Раёнодаги метин иродани ижтимоий муносабатлар муҳокамасида имтиҳон қилади. Аслида, адиб асарлари руҳий пафоси кескин трагик вазиятларни “воқелик ичида бириктириш” йўсинида сезилади. Яъни Раённинг укаси вафотидан кўра, оиладаги муҳитнинг шундай номутаносиб тартибланиши безовта қилади. Ўқувчи мурғакнинг вафотига унчалик ачиниш ҳиссини туймайди. У ерда шу даражага олиб келган вазият, ҳолатга кўпроқ қизиқиш, ана шундан далолат беради. Буни қуйидаги тасвирларда янада бошқача психологик тарангликда гувоҳи бўламиз:

“Рўзгор юнун, еб ётаверсангиз тоғ ҳам чидамайди, – деди қайнона. – Ҳамманинг келинию қизи далага ўтоққа чиқади, ер чопади, меҳнат қилади. Биз ҳам шунақа эдик, меҳнат ўлдирмаган одамни”.

“Еган нонимни миннат қилаяптими? – деди оғриниб Раёно. – Яримта нон ейманми-йўқми? Эшигида битта хизматкори бўлсаям мендан кўра кўпроқ нон ейди”.

“Жон болам, сабр қил, – деди онаизори. – Отанг билмасин, кўнақол. Улар ҳам туппа-тузук одам, ҳали олдинда қанча ташивиши бор, шунга

⁸⁸ Султонов И. Онаизорим. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/isajon-sultonov/isajon-sulton-onaizorim-qissa/>

кўйинади-да, сени ёмон кўрармиди? Жонингни жиндай койитсанг, бир нима бўлиб қолмайсан, кўнақол, болам”.

“Хўп”, – деди.

Кетмонини кўтариб далага чиқди. Қараса, ўзи сингарилар кўп экан. Ҳамма бошигаю оғзига оқ рўмол ўраб олган. Оёғига этик кийди, оғиз-бурнини рўмол билан бойлади. Паҳлавонини икки тол орасидаги беланчакка ётқизди, яхшилаб эмизди. Шу ердаги барваста семиз хотинга “боламга яхшилаб қаранг, опажон, ойлигим чиқса, сизга янги рўмол олиб бераман”, дея ялинди. Ортига қарай-қарай, чопиққа йўл олди”⁸⁹.

Мана шу ўринда қайнона ва келин Раъно мунозараси юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди. Раҳм-шафқатни унутаёзган қайнона руҳиятида фақат ва фақат келиндан ишчи кучи сифатида фойдаланиш, оғир меҳнатларга юбориш, дала-даштда ишлатиш нияти қабариб кўринади. Раънонинг эмизикли боласи бўлишига қарамасдан, оғир меҳнат, пахта чопиғига сафарбар этишининг ўзиёқ собиқ шўро замонида аёллар меҳнатининг аянчли ҳолга тушиб қолганини тақозо этади. Тарих ва бугун учрашган нуқтада ёзувчи аёл зотининг доду фарёдини хилма-хил психологик картиналарда ёритиб беради. Шу жиҳатлари билан асар адабиётимизда ўзига хос воқеа бўлган Ш.Бошбековнинг “Темир хотин” ва Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романи билан маълум даражада ғоявий ҳамоҳанглик ва бадий муштараклик касб этади.

Инсон моҳиятини ўрганиш XX асрга келиб янада чуқурлашди, олам ва одам мазмуни ҳақидаги ақидалар анъанавий қолипларга сира сиғмай қолди. Шу маънода инсонни ўраб турган муҳит ва унинг тутумлари бадий тафаккурда ҳам муайян “стереотип”ларни юзага келтирди. Булар адабиётда ўқувчилар оммасини ҳам фарқлаб ажратиб қўйишга йўл солди. “Ўзларини хоҳ символист, хоҳ сюрреалист, хоҳ дадаист, хоҳ ультурист деб атамасин, барибир, бу адабий оқимлар яратган асарлар инсон ва унинг қалби ҳақидадир. XX асрда жаҳон адабиётидаги барча янги оқимлар, услубий

⁸⁹ <https://ziyouz.uz/uzbek-nasri/isajon-sultonov/isajon-sulton-onazorim-qissa/>

изланишлар, энг аввало, француз адабиётида юз бердики, бу адабиёт том маънодаги янги бадий тафаккурнинг маркази бўлиб қолди”⁹⁰ Бинобарин, Исажон Султон изланишлари Х.Дўстмухаммад, А.Аъзам, Ш.Ҳамро каби ёзувчилар анъаналарини тўлдирувчи моҳият касб этиб бораётгани ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Психологизмнинг ҳикоя композициясида акс этиш тамойили. Ҳикоя аслида ихчам ва ҳозиржавоб жанрларнинг бир тури сифатида янгиланаётган бадий тафаккурда салмоқли ўрин эгаллайди. Модернистик ва постмодернистик ҳикояларда ёзувчи дунёқарашини ифодаловчи психологизм усул ва йўсинлари турлича намоён бўлаётгани барчамизга маълум. Тасвир кўп қатламлилиги ва унинг моҳиятга эврилиши ҳозирги адабий асарларда, хусусан, Улуғбек Ҳамдам ва Исажон Султон поэтикасида муҳим ўрин тутди. Аргентиналик ёзувчи Виктория Касерес адиб ижодига шундай баҳо беради: “Исажон Султон “Қисмат” (“The Fish”) ҳикоясига бир роман залворини жойлайди. Моҳир меъмор каби ҳаётни кўп қаватли архитектурани йўсинда кўрсатади, худди бир бинога турли ракурслардан назар солганингиздай, манзараларнинг турли қирраларини намоён қилади. Шу тариқа сиз рўй бериши мумкин бўлган ҳодисаларнинг бошқа версияларини ҳам кўра олишингиз кўпроқ босқичларга ва хулосаларга дуч келишингиз мумкин. Менимча, тимсолийлик ҳам шу тарзда ишланади”⁹¹. Бундай эътироф изланишдаги ёзувчига жуда катта куч бериши тайин. Ҳақиқат шуки, “Қисмат” ҳикоясидаги балиқ туфайли содир бўлган метаморфоза ҳар бир ўқувчи дунёсида ўзига хос тарзда қабул қилинади ва англонади. Натижада учта ўғил қисматига китобхонлар ҳам қисматдош бўлади. Рамзлар ҳикояда доира ҳосил қилади ва бир марказда жипслашади. Адиб мана шу ҳикояда уч хил психологик кайфиятнинг ягона эстетик мезонда бирлашишини ҳал қилади. Негаки ота – ўз дунёсида раҳм-шафқат нелигини билмайди. Онага озор бериши уч мурғак қалбида бошқача из қолдиради. Фақатгина кенжа

⁹⁰ Назар Эшонкул. Ижод фалсафаси. –Т: “Академнашр”. 2018. –Б. 89.

⁹¹ Карсерес В. Исажон Султон билан Ўзбекистонга саёҳат. –Т: “Турон замин зиё”. 2017. –Б.356-357.

ўғил таассуротида балиқ бир мифологик рамзни ҳосил қилса, бошқа ўғиллар ундан тезроқ қутулишни хоҳлашганида сезилади. Учта руҳий таҳлил ҳикояда ёзувчи дунёқарашининг ташувчисидир. Ғариб каби кенжа ўғил қизиқишлари уйғунлигини далолатлайди.

Хусусан, ҳикоя қилиш йўсинидаги адиб бадиий изланишлари бир-биридан жиддий тафовутланади. Яъни ёзувчи ҳикояда асар қаҳрамонлари номи билан сюжетни қисмларга ажратиб ташлайди. Биринчи шарти ота характери, иккинчи она, учинчи фарзандларининг фавқулодда ўзгариши. Бундай усул янги мифни осон тушунтириш имконини берса-да, рамзий талқинни теранлаштиради. Олима Ш.Ботирова қайд этишича: “Айрим ҳолларда эса, психологик тасвир матннинг салмоқли қисмини банд этиш баробарида бошқа унсурларга нисбатан мустақиллик касб этади ва асар мазмунини тушунишнинг фавқулодда муҳим жиҳатига айланади. Бизнингча, бундай асарда алоҳида бадиий услуб – психологизм юзага келади. Психологизм бу бадиий тасвир воситалари кўмагида қаҳрамон ички олами: унинг фикрлари, кечинмалари, хоҳишлари, ҳиссий ҳолатларини батафсил тасвир орқали кашф қилишдир”⁹². (Дарҳақиқат, Ш.Ботирова қайд этган фикрлар ўринли.) Асар психологизми – бадиий услубда намоён бўлиш омиллари намоён бўлади. Таъкидлаш лозимки, Исажон Султон ва Улуғбек Ҳамдам бадиий изланишларида мифопоэтик талқин ва модернизм ҳодисаси уйғунлашуви кузатилади. Айнан шундай ифода қилиш санъати – эпосдан ибтидо олганлигини Ж.Эшонқул алоҳида таъкидлайди: “Фрейд ва Фромм мифларни тушлар каби инсондаги онг ости ёки, бошқача айтганда, англамаган туйғулар қаторига қўшган эди. Мифлар инсон онгига қалқиб чиқмаган, бироқ руҳий дунёсида мавжуд бўлган ва ташқи дунёни тинимсиз ўзида сингдириб турган ҳиссий жараён дир. Уларнинг фикрича, мифларни одамдан ташқарида изламаслик керак. Миф одамнинг ўзи, руҳий ҳолатининг ифодасидир”. Жумладан, Фрейд ва Фромм ўтмиш ва келажак хусусида бош

⁹² Ботирова Ш. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий психологизм. Филол.фан.фалсафа док. дисс-си. Автореферати. –Қарши. 2019. –Б.119.

котирганда инсон тақдири ҳеч қачон ўзидан бошқа бир инсон дунёсини такрорламаслигини алоҳида қайд этади. Чунончи миф янги ёки эски бўлсин, у ёки бу даражада воқеликни барқарорлаштириб, рамзий ифодани кучайтириш воситаси ҳам эканлигини унутмаслик лозим:

“Кўзим кўрмай қолган кундан бери раҳматлик отаси тушимга киради.

“Кўрмаяпсанми, мен келдим. Балиқ е, балиқ!” – дейди ўшқариб.

Тушимда уни бинойидек кўраман.

Раҳматли бераҳм одам эди. Ҳеч кимни, ҳеч нарсани аяб ўтирмасди. Йўлидан биров чиқса, яксон қилиб-янчиб ўтиб кетадиган шиддатю ҳайбати бор эди.

Экин-тикин экаман, деҳқончилик қиламан деб кўп уринди, бироқ, эккан кўчатлари унмасди, кўкариб чиқардию жойида қуриб қолаверарди.

Сабаби отасига қўл кўтарган эди-да. Энди, бир пайтлар... катталарнинг оталари намоз ўқимасин деган буйруқ бўлганида, ота ундан бекитиқча мачитга чиққан экан. Аксига олиб, ўша куни қанақадир байрам эди, ичиб олган эди, келиб отасига “мен қамалиб кетайми” деб ўшқирган, силтаб-итариб ташлаган, ота йиқилганида қамиш бўйранинг чўпи кўзига кириб кетган, шунда “қамишдай қуригин илоё” деб қарзаганди...

Экин-тикин бўлмагач, қайдандир битта милтиқ топиб, уззукун қамишзорга жўнаб қоларди, кечгача юриб-юриб, гоҳо биронта қашқалдоқми, кўкқаргами отиб келарди.

Қаҳрига яраша меҳриям борийди раҳматликнинг, аммо нимаики қилса терси бўпчиқаверарди-да, тавба! Йўқса, кўзим кўрмай қолганини қайдан биларди-ю, қайдан меҳрибонлик қилиб “балиқ есанг тузаласан” деб айтарди?

Мана, болам пишириб берган балиқнинг эти хил-хил, бирам мазали. Кўзим равшанлашаётгандай. Балки бугун-эрта басирлик барҳам топар?... Жойи жаннатда бўлсин раҳматлининг, мен ундан минг-минг розиман.

Шоядки, у ҳам мендан рози бўлса... ”⁹³

⁹³ Султонов И. Қисмат. <https://ziyouz.uz/uzbek-nasri/isajon-sultonov/isajon-sulton-qismat-hikoya/>

“Қисмат” ҳикоясидаги эр-хотин орасидаги тугамас жанжалдан безиган болалар қалбида ички бир қайғу қизил ип бўлиб муҳрланган. Бу жароҳат охир-оқибат ота вафотидан кейин унинг балиққа айланиб қолиш метаморфозаси психологик тасвири қуюқлаштиради. Натижада одам вафотидан кейинги тақдири “балиққа айланиб қолиш” тасвирида Фрейдизм анъаналарига эргашишдан бошқа нарса эмас. Чунки “Ғарб маънавиятини, хусусан, адабиётини емириб, бугунги руҳий инқироз чоҳига ташлаган икки маданий-фалсафий фактор бор. Уларнинг бири, ҳинд ва хитойнинг буддавий эътиқоди асосида турувчи реинкарнация – руҳнинг бир жонзотдан иккинчисига кўчиш ҳақидаги таълимот бўлиб, қачонлардир унга эргашиш беқарор Ғарб синови учун яралмиш инсоннинг тозариш имкониятлари чексизлигига соддаларча ишониб қолди ва хатоларни хато билмай қўйди. Бу ишонч Ф.Ницше сингари сатаналогия (шайтанат илми) вакиллари томонидан янада рағбатлантирилди”⁹⁴. Ҳақиқатдан ҳам, биз ҳикояни У.Жўракулов фикрларига таянган ҳолда инкор этмоқчи эмасмиз, бу ерда поэтик пафоснинг ёзувчи услубининг ривожланишига, океан орти давлатлари ўқувчиларининг бадиий-эстетик тафаккури (ёзувчилари)нинг эҳтиёжи сифатида қабул қилинишини назарда тутмоқдамиз. Кучли руҳий депрессия, ёзувчини ўйлантирган фалсафий масалалар, албатта, дунёқарашда онг ва туйғунинг шаклланишига замин яратишини таҳлил қилмоқчимиз, холос. Ёзувчи бу ҳикояси билан ўзбек адабиётида янги бир мистик йўсинда ифодалаш тажрибасини, халқ оғзаки ижодида учрайдиган эртак-сюжетлар негизида янгилашга ҳаракат қилганлигида кўринади. Айниқса, отадаги эго (худбинлик, дилозорлик)нинг шаклланиш босқичларига диққат қаратиш зарур. Ўз-ўзидан инсон бундай эврилишга мубтало бўлмайди. Ундаги раҳм-шафқат тушунчасини зулм ва дилозорлик эгаллаши муҳит ва жамият ҳаётидан қидирган маъқул деган хулосага келиш лозим. Зеро, “халқ оғзаки ижодини ўрганиш, халқни, инсонларни ўрганишнинг айнан ўзидир. Зеро, илк пайдо бўлган мифдан тортиб, энг сўнгги пайтларгача яратилган асарларгача фақат

⁹⁴ Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари. –Т: “Адабиёт ва санъат нашриёти”. 2015. –Б.269-270.

инсон ўрганилган, инсон тадқиқ этилган. Унинг руҳий дунёси мифлар қадар ранг-баранг, ваҳимали, ўзгарувчи, ёвузлик ва эзгулик мангу курашиб ётувчи мифлар қадар бепоён⁹⁵. Зотан, адиб ана шу жиҳатларни назарда тутган бўлиши мумкинлиги айни ҳақиқатдир. Янги замон мифи бу – янги инсон эҳтиёжлари натижаси ўлароқ муҳит ва жамият таъсирида шаклланади. Бирон-бир миф ўз-ўзидан пайдо бўлмаганидек, ижодкор миллий қадриятларни четлаб ўтолмайди. Айнан мана шу жиҳатлар Исажон Султон насрида муаллиф дунёқараши, онгини, оламини ҳикоя қилиши санъатини “ўзгаришга” туртки бўлган бўлиши шубҳасиз.

Боб бўйича хулоса

Муаллиф ва қаҳрамон, муаллиф ва образ тушунчалари бадиий адабиётнинг ҳамиша мунозарали, муаммоли масалаларидан бири бўлиб келган. Ижодкор поэтик изланишлари натижаси ўлароқ юзага келган адабий канонлар ҳамиша янгиланишга маҳкум. Ғарбу Шарқ адабий анъаналари таъсирида шаклланган ҳикоя, қисса ва роман архитектуроникасида замондош инсон образи талқини ҳар қачонгидан янгиланиб, тараққий этиб бормоқда. Эсселашган бадиий тафаккурнинг фалсафий-эстетик қамрови марказида ёзувчи туриши, ғарбона стереотиплар кунимизда анъанага айланиб улгуриши эътироф этилмоқда. Шу маънода Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон, Шодикул Ҳамро, Абдуқаюм Йўлдошев изланишлари мавжуд андозаларни тўлақонли янгилашга мойиллиги билан ажралиб туради. Бугун замонавий наср тобора шахслашиб, оламда яшаётган одам ички дунёсини хилма-хил кайфиятда, кескин зиддиятларда инкишоф қилишга ўтди. Наинки наср, балки лиро-романтик йўсиндаги достону шеърият ҳам модернлашиб, ноанъанавий талқинни барқарорлаштириб улгурди.

Ижодий концепция бадиий такомилида экспериментлар ҳамма вақт муваффақият билан қабул қилинмаган. Шахс ва ёзувчи бирлиги ҳамма

⁹⁵ Эшонкулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. –Қарши, “Насаф”. 1999. –Б. 89.

замонларда ўз ифодасини топмаган. Бироқ умид қилиш лозим. Негаки Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссаси, Исажон Султоннинг “Муножот” қиссалари адабий анъаналар синтезини ўзида бирлаштира олган эстетик мезон сифатида баҳолаш мумкин. Ғариб ва А.исмли қаҳрамоннинг моддий ва маънавий дунё сарҳадларини одимлаб, ҳаёт ҳақидаги КАТТА англамлари шундай фикрга келишга асосдир. Демак, ҳар иккала ёзувчининг бадиий концепцияси ритмик модификация билан пафос бирикувини тўлақонли далолатлашга хизмат қилганини кўрамиз.

Психоаналитик тафаккур миқёслари кенгайиши, мифик талқин камровининг ўзига хослиги, бадиий воқеликнинг алоҳида сифатларни ўзида жамлашини тақозолайди. Бир қарашда мифологик тадбил воқеликни ифодалаш структурасига латофат бағишлайди. Ёзувчилар ана шу мезонга таянган ҳолда онг ва туйғуни тартиблаштиради. Ундан тайинли хулосалар ясайди. Мураккаб тушунчалар рамзий-мажозий тасвирга йўғрилади. Унда ўқувчи ўзининг эҳтиёжига монанд тафаккурни қидиради. Илмий ва бадиий воқелик уйғунлашиб бораётган замонавий наср шу каби масалаларни акс эттиришга бел боғлаганлиги қувонарли ҳодисадир.

Улуғбек Ҳамдам асарларида лиро-романтик рух устуворлиги ва кучли лиризм воқеликни янада қуюқлаштиради. Исажон Султон антик юнон мифологиясини янги замон кишиси руҳиятида қайта синовдан ўтказди. Натижада ўз оламида барқ урган фалсафий билиш кайфияти оламга теран назар солишга етаклайди. Ҳикматона эпик кўлам ёзувчи изланишларининг асл ғоясида жилваланиши қиссаларида кўпроқ сезилади. Давр ва қадим анъаналар янги бўёқларда, янги характерларда акслантирилади. Бу эса, ўз навбатида, замонавий наср такомиллашиб, қаҳрамон восита – дунёни англаш (мақсад)га эврилади.

Шунингдек, ҳар иккала ёзувчида ижодий концепциянинг поэтик такомили миф ва ривоят, талқин ва тасвир, образ ва характер уйғунлигидаги метаморфоза психологизмда зухур этилади. Гарчи бу усул адабий кашфиёт бўлмаса-да, янги воқелик тарзида қабул қилишга имкон туғдиради. Зотан,

одамдаги бетакрорликни кўрсатишга уринган адиблар шахс руҳиятидаги адоқсиз эврилишлар товланишини теран англай олганлигида қабариб кўринади.

III БОБ. МУАЛЛИФ ОНГИНИ ИФОДАЛАШДА СЮЖЕТ ВА КОМПОЗИЦИЯ УНСУРЛАРИ

3.1. Улуғбек Ҳамдамнинг “Исён ва итоат” романида муаллиф онги намоиши

XX аср ўзбек насри бадиий тақомилида шахс руҳиятини тадқиқ қилиш хилма-хиллиги янги босқичга кўтарилди. Тадрижий тараққиёт ва ислоҳотчилик анъанасининг янги мезонлар билан бойиши олам ва одамни англаб ўз дунёсини қуришга шошилаётган замондош инсон тақдири доимгидан ҳам кўпроқ талқин ва таҳлил марказига олиб чиқилгани эътиборга моликдир. Ҳаёт каби мураккаб ва ундан маъно излаётган замондош инсон характери насрнинг турли жанрларида гоҳ модернистик, гоҳ реалистик, гоҳ постмодернистик йўсинда тақомилга юз тутиши қувонарли ҳол, албатта! Жамият аъзоларининг руҳиятида кечаётган азим анъаналар эндиликда аввалги қолипларга сиғмай қолди. “Роман ҳамма нарса ҳақида ва ҳар қандай ҳажмда бўлиши мумкин. Роман жанрини вазни ёхуд босма тобоғига қараб белгилаб бўлмайди. Ш.Холмирзаев айтганидек, “романдан катта ҳикоялар” бўлгани сингари новелладан кичик романлар ҳам ёзилаверади. Исломдаги ният амалдан устун деган ақидага таяниб, романнинг жанрини белгилашда, муаллиф нияти ҳал қилувчи кўрсаткич қилиб олинса, тўғри бўлади. Шундан келиб чиқиб, муаллифнинг персонажлар шахсиятига хос қирраларни роман жанри миқёсида очишни бадиий ният қилганлигининг ўзи роман жанрини белгилайдиган асосий омил дейиш мумкин. Шу боис кейинги вақтда айрим романларнинг ҳажми кичрайиб бораётгани, ифода йўсинида ўзгачаликлар бўлаётганидан ажабланмаслик керак. Ҳажмнинг катта-кичиклиги бадиий асар моҳияти ва савиясини белгиламайди”.⁹⁶ Дарҳақиқат, мазкур иқтибосга қўшимча шуни қайд этиш жоизки, жанрни белгиловчи асосий хусусият “муаллиф ва образ”, “муаллиф ва услуб” тушунчалари бадиий асарнинг бугунги кун нуқтаи назаридан олиб қараганда, эсселашув процессида рўй

⁹⁶ Йўлдошев Қ. Роман жанрининг етакчи белгилари ва бугунги ўзбек романларига хос хусусиятлар. –Т: “Адиб”. 2013. –Б. 353.

бераётган сифат ўзгаришларининг чуқурлашиб бораётганини тақозо этмоқда. Мавжуд андозалар синкретик йўсинда ифодаланиб, ҳаётнинг бутун-мураккаблигини кўрсатуви асосий критерияларни жорийланишига замин ҳозирламоқда.

Шуни қайд этиш лозим, мутолаа вақти ва унга кетадиган кунлик тақсимот бир томондан ҳажмнинг ихчамлашувини бирмунча оқлайди. Негаки, “мини-роман” атамаси ҳам эксперимент бўлиши билан бирга вақт ўтиши билан адабий анъанага айланишини мумкин ва буни замоннинг ўзи тақозоламоқда. Демак, муаллиф ўз олдига қўйган улкан эпик полотно ифоданинг сиқик бир тарзда маром билан инкишоф қилиниши жанрий-композицион бутунликни юзага чиқишига шароит яратиши тайин. Юқоридаги фасл ва бобларда Улуғбек Ҳамдам ва Исажон Султоннинг поэтик изланишларида жанрий-композицион қирраларини эмас, моҳиятга қаратилган интилишларини тадқиқ қилиб чикдик. Эндиликда сюжет ҳам алоҳида бир катта ҳосила бўлиб, ёзувчи ижодий ниятининг эпик кредосини белгиловчи асосий компонентлардан бири эканлигини ўрганиш муаммонинг ечимини топишда қўл келади. Улуғбек Ҳамдам “Ёлғизлик” қиссасидан ибтидоланган воқелик ўлчамлари 2000- 2001-йилларда яратилган “Исён ва итоат” романида янада ўзига хос тарзда намоён бўлиши фикримиз ёрқин далилидир. Адиб мазкур романига шу қадар ҳаётнинг сиқик бир ифодасини диний-илоҳий киритма воқеалар билан уйғунлаштирадики, Акбарнинг атрофида жипслашган композицион устқурма ўқувчи эътиборини ўзига жалб қилади ҳамда муҳаббат билан мутолаа қилишга киришади. Айниқса, адиб Акбар ва Диана муносабатлари – хатолар гирдобиди қолган образлар кечмишларини ўқувчига хилма-хил ракурсадан туриб етказишга эришганлигида яққол кўзга ташланади. Акбар ким? У қандай образ? “Нега бир шапалоқ ҳукмидан кейин жиддий курашмади? Каби тизгин саволлар ўқувчини албатта, ўйлашга ундаши тайин. Негаки, жамият томонидан қабул қилинган қонунларни Акбар унчалик ҳазм қилолмайди. Бутун дунёда ҳукм сураётган – маънавиятсизлик кайфияти Улуғбек Ҳамдам қаҳрамонларини

жиддий синовдан ўтказди. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, Улуғбек Ҳамдам “Исён ва итоат” романи Қуръони карим оятлари Одам ато ва Момо хавонинг тақиқланган мевани еб, жаннатдан қувилиши, Жалолиддин Румийнинг ҳикматлари воқеликни ифода қилишда энг асосий ифода усулларида бири десак, ҳақ гапни айтган бўламиз. “Исён ва итоат” муаллиф дунёсида роса пишиб етилган энг мураккаб ҳаёт чашмаси каби асосий бўғинни очиклайди. Яъни унда инсониятнинг ҳайвонийлашув процессида жамиятнинг ҳам роли борлиги, ҳаётда ОДАМ бўлиб яшашга хизмат қилаётган жамики ислохотлар шайтон найрангларида кунпаякун бўлиб, ҳавога совурилиши рамзий-мажозий дискурста намоён бўлади.

Ривожланган давлатларнинг иқтисодий-сиёсий ўйинлари, одам ДНК ўзгариши, глобал касалликнинг урчиб кетиши, оддий гриппнинг давосини топиш илинжида умри ўтиб кетган Табиб, қорин ғамидан ҳаётда ўз ўрнини тополмай, давосиз дардга чалиниб ҳаётдан кўз юмган Турсунбой жонталаш, умр бўйи ёлғизлик исқанжасида қовурилиб ўзидан бир “эт” қолдирмаган Лариса хола, бахтсизлик гирдобиди аламли азоб билан ўз-ўзини адо қилган Диана, Акбар каби хилма-хил персонажлар адибни теран ўйлантирган мушоҳадаларнинг ҳаётдаги воқелик ва ижодий ниятни ифўдаловчиси сифатида намоён бўлади. Бу ҳақда адабиётшунос Д.Қурононов: “Муаллиф ҳақиқатга монанд реалистик образлар манзаралар яратишни мақсад қилмайди, шартли-рамзий образлар воситасида оламу одам моҳиятини англашга интилади. Шу жиҳатдан қаралса, “Исён ва итоат”га ривоятнамолик хос бўлиб, ифода хусусиятларига кўра у А.Камю, Ф.Кафка, Г.Марекс, Х.Кортасар каби санъаткорларнинг асарларига яқинроқ. Реал воқелик билан алоқаси заиф бўлганидан “Исён ва итоат”даги образлар худди масал ва ривоятлардаги каби аввалбошданок универсаллик касб этади. Шунақа экан, асардаги образларни бугунги воқелик билангина боғлаб тушунишга уриниш хато, бу ўринда ўлчамни каттароқ олиш лозим бўлади. Фикримча, ўзга халқ вакиллари асарнинг универсал томони яқинроқ, зеро, диққати авалло,

тўғридан-тўғри шунга қаратилади”⁹⁷. Кўринадики, оламнинг яралиши бани башарият етиб келган манзили маконларда инсон қисматининг фожеавий ҳаёти турли персонажлар тимсолида ўқувчига таништирилади. Адиб аввал-бошдан ўзи талпинган ИДЕАЛ маромида инсоннинг яшаш тарзини биринчи ўринга қўяди. Инсониятни ҳалокат сари юришларидан қайтаришга сира шошилмайди. Уни огоҳ этувчи ҳиссий-эстетик тафаккур қилишга кенг йўл очади. Айнан мана шу “рамзий-мажоз” талқинида бир-бирига монанд воқелик кеча–бугун–эртага тарзида яхлитлик касб этади.

“Исён ва итоат” романида воқелик ўқувчисига бир шапалоқ тортиб, жазога лойиқ кўрилиб, қамалиб чиққан Акбар қисматидан бошланади. Буни асарнинг тўртинчи фаслида яққол кўриш мумкин:

– Устоз, нима иш қилишимни билмай қолдим, Чиққанимга ҳам бир йил тўлди, лекин ишга ҳеч қўлим бормаяпти. Мактабга эса олишмас экан, олгандаям ким борарди энди? Ўзи кўп зерикдим у ерда...

– Ҳа-а, мана гап қаерда? Қўлингни ўша бетамизга кўтартирган иблис ҳам, асли, шу ... зерикши бўлган. Сенга неча марта айтдим, ҳар қушнинг ўзи парвоз майдони бўлади, сен ўзингникини топгин деб. Унамадинг, тугилган жойим дединг, ота-онам дединг, энди эса бола-чақам дейсан. Ҳеч қаерга кетмайман дейсан, - табиб зўр бериб неча бор такрорлаган муддаосини яна Акбарга тушунтира кетди.

– Нима фойдаси бор бунинг, жойни алмаштириши билан бирон нарса ўзгариб қолармиди? Ҳамма нарса жонимга тегди, ҳамма нарсадан, ҳатто одамлардан ҳам кўнглим қолган. Яшашдан зерикдим. Гўё ҳаётнинг маза-матраси қолмагандек...

– Акбар, ўзингдан эшитай. Болани қандай ҳолатда урдинг, нега урдинг, ўшанда нима бўлган эди?..

– Кўйсангиз-чи, устоз, энди бундан нима наф?..

⁹⁷ Қуронов Д. Кўхна муаммо, янги талқин. –Б.282.

- Сен айтавер. Дунёда шундай нарсалар борки, уларнинг фойда зарари кўзга кўринмайди. Сен айтавер... ”⁹⁸

Мазкур парчада романнинг бутун концепцияси аёнлашади. Табиб ва Акбарнинг ўзаро суҳбатида кейинги воқеалар “Йўлга чиқишинг керак, ўғлим!..” деган оқ фотиҳаси орқали содир бўлади, яъни очиб берилади. Исёндан – итоатга келиш орасидаги мангу кураш – нафсни енгиш, ҳаётни теранроқ англаш, инсон ўзини кадрлайдиган давраларда ишлаш, яшаш масаласига диққат қаратилади. Ҳар бир фасллар занжирида диний-илоҳий киритма ҳикоялар сюжет қисмларини бир-бирига пайвандлашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Устоз ва шогирднинг мазкур суҳбатидан яна шуни билиш мумкинки, жамиятда ёзилмаган қонунлар оёқ ости бўлиши, ёзилган қонунларнинг манфаатга хизмат қилиши ҳақида сўз боради. Бир шапалоқ – уч йил қамоқ! Бу ниҳоятда жирканч ҳолат эканлиги ойдинлашади. Романнинг номидан ҳам билиш лозимки, ҳар бир қаҳрамон ўз тақдирига қарши чиқишда давом этади ва охир-оқибат фожелик ўз домига тортиб кетади. Д.Тўраев талқин этишича: “Ҳақ таоло, тақдир (шўролар даврида “табиат” дейилар - эди Д.Т) ўзбек йигити Акбарга ҳам куч-қувват, жасурлик, келишган қомат, ақл-фаросат, ғайрат-шижоат берган. Аммо Акбар ҳам Худо берган бундай мукамалликка шукрона айтмайди, камтарона яшаш ўрнига Тангрига исён билан серташвиш, серғалва умр кечиради. Олий ўқув юртини битирган ёш муаллим Акбар мактабда ўзи каби исёнкор бир болани ургани учун уч йилга қамалиб кетади. Ёзувчи бу ерда бизга панд-насиҳат қилмайди – мактаб ўқувчиси ҳар қанча ўзини ёмон тутганида ҳам педагог ўзини вазмин тутиши керак эди, шунда у қамоқхонада азоб чекмас эди, деган дидактик фикрларни айтмайди. Балки Акбар тақдиридаги мазкур воқеа орқали давр ва жамият ҳаётининг бундан-да жиддийроқ ижтимоий, маънавий, ахлоқий муаммоларини кўрсатади. Аслида, Акбар ўқитувчини ҳақорат қилган ўқувчини уриб тўғри қилган эди. Аммо калтак еган бола оддий меҳнаткашнинг фарзанди эмас, бойнинг боласи эди. Маънавиятсиз бой эса

⁹⁸ Ҳамдамов У. Исён ва итоат. –Т: “Академнашр”. 2019. –Б.286.

пул ёрдамида ҳалол ва ориятли ўқитувчини бемалол қаматиб юбориши мумкинлиги тўғри ва ҳаққоний кўрсатилган”⁹⁹. Адабиётшунос Д.Тўраев тўғри таъкидлаганидек, Акбар ниҳоятда чуқур билимга эга, кучли ва унчамунча одамни тан олмайдиган образлардан бири бўлиб, у ҳамма вақт жоҳилиятга қарши қаттиқ жанг қилиб яшайди. Аслида унинг ИСЁНИ шундай улкан муаммоларга қаратилганлиги билан таҳсинга сазовордир. Яъни адиб Табиб ва Акбарнинг фикр ва мулоҳазаларидаги ўхшашликни ягона эстетик мезонга айлантиради. Муаллиф онгида зухур этилган маърифат ва маънавият масаласи миллат кишисининг ҳар бирида камол топиши, жаҳонга юзланишда мана шу жиҳат ҳар қандай иқтисодий-ижтимоий масалалардан юқори туришини бот-бот таъкидлаганида кўринади.


Улуғбек Ҳамдам ижодий ниятни бадий воқеликка айлантериш борасида анчайин тер тўкканлиги билиниб турибди. Чунки Румий чашмасидан илҳомланиш ва ундан ифодалаш йўсинида мурожаат қилиш яққол сезилади. Адиб Румий асарлари таржимони ҳамдир. Шу мақсад меъёри ифодалаш принципларига кўра – роман воқеликни ифодалаш таком依лида тақлид ва таъсир бўлиши мумкин, албатта! Бундай ҳикматга мурожаат Акбарнинг асар воқелигидаги концептуал ҳаракатларида кўринади. Жалолиддин Румийнинг “Ичиндаги ичиндадир” номли мўъжаз китобидаги кўйидаги фикрлар сўзимизни тўла қувватлайди:

“Азалий ҳукм тўғрисида билмоқчи бўлган нарсангни ўргатдик, атрофлича тушунтирдик. Бу асло ўзгармайди. Тўғри, баъзан қилган яхшилигинг ёки ёмонлигинг миқдорича муқобилини ололмайсан. Бирок яхшилик ва ёмонликнинг жавоби мутлақо бўлажакдир, яъни ҳукм мутлақо ўзгармасдир. Бир маҳмадона кимса “Биз Тангри саодатидан маҳрум бўлган гумроҳнинг охират саодатига муяссар бўлган саид (кутли – тарж.), саиднинг эса гумроҳ бўлганини кўраяпмиз”, – деди. Мавлоно буюрдики, “Бўлиши мумкин. Чунки гумроҳ яхшилик қилгани учун саид, саид эса ёмонликка яқин юргани учун гумроҳ бўлгандир. Масалан, Иблис “Мени оловдан, уни

⁹⁹ Тўраев Д. Давр ва ижод масъулияти. –Т: “Академнашр”. 2004. –Б.35.

(одамни) эса тупроқдан яратдинг”, – деб Одамнинг яратилишига эътироз қилгани учун Тангрининг абадий лаънатига учради ва малакларга раҳбарликдан, бизнинг ҳузуримиздан қувилди. Шунинг учун биз ҳам, “Яхшиликнинг жавоби яхшилик, ёмонликнинг жазоси ёмонлик”, – деймиз”¹⁰⁰. Худди ана шу манба роман лейтмотивини ташкил қилади. Адиб келтирилган мисолга бот-бот мурожаат қилади. Демак, муаллиф Акбар кўтарган исён жамият аъзоларида кузатилгани билан “қорин ғами”дан бошқасига, яъни тирикчиликдан ортмаслигига амин бўлади. Азал ва абад орасида кечадиган мангу кураш ҳам аслида Шайтон васвасидан йироқ бўлишдир. Акбар ҳам ўз қилмишлари оқибатида – тозариш истагида исён қилади. Бунинг тагида номукамалликдан мукамаллик сари ташланган қадам, деб тушунади.

Романда ёзувчи исённинг юзага келиш омилларига муқояса тарзда яна бир қаҳрамонни кўзгу қилиб қўяди. Ундан тайинли хулоса чиқаришга етаклайди. Буни куйидаги чизмада ҳам кўрашимиз мумкин:



¹⁰⁰ Жалололдин Румий. Ичиндаги ичиндадир. –Т: “Академнашр”. 2019. -Б.93.

Бу каби параллел кўйиб тасвирлаш усули Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романида Муҳаммаджон ака ва Юсуф, “Сабо ва Самандар”да Нодир ва Нилуфар тимсолида идрок этилади. Яъни муаллиф – хилма-хил персонажларнинг табиатида кечаётган ўсиш-ўзгаришларни қайта далолатлайди. Биринчиси – олий мувозанат; иккинчиси – итоатга бўйсунуш; учинчиси – ишқ фожелигини тан олиш. Мана шу учлик адиб асарларида бир-бирини тўлдириб, фалсафий-эстетик камров даражасини кенгайтиришга хизмат қилади:

“- Мен ҳам бир вақтлар худди сендек эдим. Эркакларнинг оғзидан сувини қочирадиган даражада сулув эдим. Ҳатто ўзим ўз хуснимга маҳлиё бўлиб виқор билан яшардим. Харидорларим бошимдаги сочимдан-да кўп эди, чамамда. Ҳатто турмушга чиқиб, ёшим бир оз қайтгандан кейин ҳам неча-неча хушторларим ортимдан гул кўтариб юришгани-юришган эди. Эҳ-ҳе, нимасини айтай?.. Бир умр ўлгунимча шундай севимли бўлиб юраман деганимни ёки сенингникидек хипча белимни бузиб қўяман деб ҳомиладор бўлишдан қочганларимними?.. Эрим раҳматли қанча истаганди бола кўришни, қанча ёлборганди мен нодонга... У-ку вақтида кетди, ёлғиз қолиб тирноққа зор бўлган, фарзанд қадрини билган, куйган мен бўлдим... Вой, нега нолияпман? Бунга ҳаққим борми ўзи? Қилмишимга яраша жазосини олмаяпманми, аслида?..”¹⁰¹

Бундай очиқ иқрордан билиш лозимки, Лариса хола ва Диананинг ўзаро мулоқоти бир-бирига сабаб-оқибат бўлиб намоён бўлмоқда. Лариса холанинг фарзанд кўриш истаги, ёлғизлик, аламзадалиқ қарилик пайтидаги тавба тазаррусининг чек-чегараси йўқлигини исботлаб турибди. Адиб ҳар икки қаҳрамон туйғуларини жиддий ифодалайди. Ҳар бир инсон умри давомида Яратганнинг Олий Низомига қарши чиқиб яшаши мислсиз фожеалар гирдобидида қолиб кетишига олиб келади.

Мана шу жиҳатдан қаралганда, “Исён ва итоат” романида қаҳрамонни типиклаштиришнинг лирик тамойили устунлик қилади. Акбарнинг

¹⁰¹ Ҳамдамов У. Исён ва итоат. –Т: “Академнашр”. 2013. –Б. 293.

психологик ўзини тутиши реалистик жихатдан тўла шартланган. Ёзувчининг персонажлар ички дунёсини зиддиятлар, тангликлар, азоб-оғриқлардан иборат психологик ҳолатлар, оғир кечинмалар орқали чизиши ҳам шундандир. Бироқ бу қаҳрамонларнинг ўзлари учун эмас, балки уларнинг ғоявий-маънавий изланишларининг интенсивлиги ва инсон табиати битмас-туганмас синоатлар макони эканига урғу бериш мақсадида қилинган. Биламизки, Улуғбек Ҳамдам қаҳрамонларининг ички дунёси ҳамиша икки қутб, бир-бирига зид икки ҳол кўламида ҳаракатланади. Руҳият мураккабликларига бундай – иложи борица кўламдор ёндашиш, чуқурроқ кириб боришга интилиш уни мутлақ англаб бўлмасликни тушуниш орқали юзага чиқади”¹⁰². Ёзувчи кўтариб чиққан муаммо залвори зиддиятлар негизида қолиб кетган қаҳрамонларнинг етиб келган манзил маконларида янада равшанлашади. Табиб ҳам хатоларидан хулоса чиқарган ва бир умр исёндан фориғ бўлишликнинг ўзи камлик қилиши, инсон жамият тутумларига ҳамоҳанг тарзда кун кечиришида деб, билиши ҳаққоний ифодасини топган.

“Исён ва итоат” романида ёзувчининг сюжет яратишдаги фаол позицияси аввалги романларидан тубдан фарқ қилади. Учта бўлимда акс этган воқелик ҳаққоний ифодаси сюжет қисмларини бир-бирига маҳорат билан улайди. Романда психологик конфликт билан ўзи билан олишаётган қаҳрамоннинг ботинини жуда азоблайди. Булар кўпроқ Табиб ва Лариса хола табиатида кечади. Адабиётшунослик луғатида “Бадий асар воқелигини акс эттиргани, унинг марказида инсон образи тургани учун ҳам, инсоннинг реал ҳаётида мавжуд конфликтларнинг бари унда бадий инъикос топади. Конфликтнинг барча турлари бадий асарда аралаш ҳолда зухур қилади ва ўзаро узвий алоқада бўлади: бири иккинчисини келтириб чиқаради, бири иккинчиси орқали ифодаланади”¹⁰³. “Исён ва итоат” романида бадий

¹⁰² Ботирова Ш. Ҳозирги ўзбек насрида бадий психологизм. Филоло.фанлари бўйича фалсафа доктори. Дисс.яси. –Қарши. 2019. –Б. 90.

¹⁰³ Қуронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. –Т: “Академнашр”. 2013. –Б.144.

конфликтнинг психологик тури кўпроқ учрайди. Романнинг 43 бобида бунинг ўзига хос шаклини кўрамыз:

“Ҳа, табиб тасаввуридаги “Худо”нинг уйига ўт тушганди. Бу эса дунёни тутиб турган ўқ чизиқнинг дарз кетганини билдирарди, унингча. Табиб борган сари даҳшатли ўйларга, аввало, адоги кўринмайдиган мулоҳазаларга гирифтор бўлаётган ва бундан бениҳоя қаттиқ изтироб чекаётган эди. “Ахир энди нима бўлади, кимга сизинамиз ва кимдан мадад сўраймиз?” – дея тинимсиз сўрарди ўзидан ўзи. Оламшумул кашфиётларнинг табиати: “Сен ўзингдан ўзгага, яъни инсонлик ўзагидан бошқа кучга суянма!” – дея ўғит бераётгандек туюлар, бу эса табибни қаноатлантирмас, вақти келса, увоқдай бир чумоли захридан жон таслим қиладиган заиф ва муваққат одам зурриёдига сизинолмас, унинг яралмиш моҳиятидан ўз кўнглининг бу дунёда жавоби номумкин саволларига жавоб малҳамини тополмас, уларни ҳатто талаб этолмасди. Фақат Ўша... Яратган... Аллоҳ... Унинг ёдигина инсоннинг таскинсиз сўроқларини жавоблантирар ва озурда кўнглига тасалли фароғатини берарди... Энди-чи, энди? Нима бўлади энди?..”¹⁰⁴

Мазкур лавҳада Табибнинг кучли психологик таранг вазиятдаги ҳолати акс этган бўлиб, у бутун асарда ёзувчининг ўз олдида кўйган фалсафий-эстетик концепциясини илгари суради. Одамзод ҳалокатли чоҳ олдида жуда яқин масофада қолганини табиб теран англайди. Уни оламшумул кашфиётлар эмас, илм-фаннинг қўлга киритган баландлиги ҳам эмас, тамомила бошқа нарса – Аллоҳнинг Олий Низомига қарши чиқиш муаммоси жуда қаттиқ ташвишлантираётганди. Жаннатдан қувилган Одам ва Момо ҳавонинг қилмиш-қидирмишлари нима билан кечирилади? Тавба ва тазарру қилиш, қиблага юз тутиш билангина амалга ошиши лозимлиги табиб тақдирини ўзгартиришга қаратганди. Табиб дин ва фан масалалари билимдони. У яқин ўтмишидаги хатолари – орқага қайтишлик билан ниҳояланса не ажаб. Бироқ унда тавбанинг қабул бўлиши ёки бўлмаслиги

¹⁰⁴ Ҳамдамов У. Исён ва итоат. –Т: “Академнашр”. 2019. –Б.347.

фақат Яратганнинг измида эканлигини англаши, ана шу таскиндан малҳам олиши “яшаб келаётгани”ни англатарди. Романда турли хил касб эгалари: ўқитувчи, шифокор, тракторчи, раққоса, тадбиркор, мансабдорлар қисмати турли психологик вазиятларда очиб борилади. Романда икки асосий фигура Табиб ва Лариса хола ёлғизлик чоҳидан қутулиш илинжида турли туман тушлар, алғов-далғов мулоҳазалар, англаб бўлмас синоатлар қаршида эсанкираб. Ақлдан озиш даражасига боради. Акбар ҳамма воқеаларнинг тирик иштирокчиси, уларни босиб ўтувчи “йўл ва йўловчи” қаҳрамони. Мана шу тамойил адибнинг “Сабо ва Самандар” романида ҳам кузатилади. Самандар ҳам худди Акбар каби адабиёт фани ўқитувчиси. Бироқ “Исён ва итоат”да Акбар Самандарга қараганда жиддий қаҳрамон. Самандар – кўнгил кишиси, яъни шоир. Мана шу қирралари билан Акбар фалсафий мулоҳазалари билан ҳаётга прагматик қараса, Самандар кўнгил ва туйғу орқали ҳаётга кириб боришга интилиб, шу йўлда қурбон бўлади. “Мувозанат” романида Юсуф ақл кишиси. У тарихни ёзиш билан банд. Бу триада – Улуғбек Ҳамдам яратган поэтик, фалсафий концепциянинг ажралмас ҳалқаларидир десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Олима Ф.Бурҳонова таъкидлашича: “Адиб асарларига хос умумий жиҳатларидан бири бошқалардан фарқ қилувчи шакл излаши, ифодада бошқа ёзувчиларни такрорламаган ҳолда рамзларга, турли-туман поэтик топилмаларга (масалан, туш, хаёл, йўл, табиат унсурлари – ёмғир, дарахт, тош, сув ва ҳ.к.) мурожаат этишини кузатамиз. Бу топилган шакл ва поэтик топилмалар ёзувчи асарларининг оригиналлигини, образлилигини таъминлашга хизмат қилади ва, шу нуқтаи назардан, ёзувчи илгари сураётган адабий-эстетик қарашлар, бадиий асар ҳақидаги билимлари унинг бадиий асарларида у ёки бу тарзда маҳорат билан қўлланилаётганлигини кузатиш мумкин”¹⁰⁵. Бинобарин, ҳар учала романда шакл жуда пухта ўйлаб топилган. Қолган “Йўл” ва “Наъматак” (мини-роман), “Ота” кабиларда шакл аввалги

¹⁰⁵ Бурҳонова Ф. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати. –Т., 2019. –Б. 22.

асарларни такрорлаб қўйгани кузатилади. Масалан, “Наъматак” романида ҳам учта авлод тақдири, “Йўл” романида Жалолiddин Румий анъаналари, “Ота”да “Мувозанат”нинг баъзи қирралари ўз ифодасини топиши шулар жумласидандир. Адиб ҳар бир асарида қаҳрамон ўз-ўзи билан жуда кўп кураш олиб боради: “Нега?” “Нима учун?” каби саволлар теварагида ўзлигини англаш босқичлари рўй беради. Шунингдек, масалага зимдан назар ташласак, қаҳрамонни жиддий синовлар кутиб турган бўлади. Ёзувчи буларнинг барчасидан хабардор бўлади. Баъзи ўринларда қаҳрамоннинг ўз-ўзи билан курашлари, психологик кескин вазиятларда “аралашуви” ошкор ифодаланади. Қаҳрамоннинг олдиндан тақдирга қараб юриши ёзувчининг кучли пафосда тасвирга зўр кириб кетиши билан белгиланиши тайин. Айнан бундай ўринларни ҳар бир асарида учратиш мумкин.

“Исён ва итоат” романида учта бир-бирини тўлдиришга хизмат қилувчи воқеликнинг тарқоқлиги мавжуд:

- 1. Акбар оиласининг эътибордан чеккада қолиб, фақат ўзини далолатлаш принципининг устуворлиги;*
- 2. Лариса хола тимсолида Диананинг тақдири очиқланишида ўринсиз такрорлар мавжудлиги;*
- 3. Табибнинг ўз қисматини ўзгартиришга қурби етмаслиги ва Акбарга бу борада “сафар” қилишга йўналтириши.*

Аслида, хилма-хил тақдирлар бир-бирига таъсир қилишда давом этавериши, бири-иккинчиси учун – сабоқ бўлиб, ўз ҳаётини ўнглашга интилади. Масаланинг бу томонига эътибор қаратганимизда, Табиб ва Лариса хола ҳам умр поёнига етганини англашида тавба, тазарру қилиб, ҳаётни бошидан бошлаш истаги билан яшайверади. Бироқ ҳаммаси жуда кеч эканлигига имон келтиради. Адиб ана шу мақсадда Одам ато ва Момо ҳавонинг жаннатдан қувилишидан бошлаб гуноҳлар, фожеалар, йўқотишлар гирдобида яшашини теран англагани, буларни вақтида ўқувчига етказиш

лозим эканини ният қилганидадир. Акбарнинг ботинидаги исён эса итоат ишташлиги мана шу лавҳада ҳам ёрқин рангларда ифодасини топган:

“Ниҳоят, мен тўқман, лекин ҳеч нима ўзгармади-ку! Кўксимдаги олов ҳамон гуриллаб ёнмоқда – мени жизганак қилиб куйдирмоқда-ку!”, – дея ўзини ўзи таскинсиз сўроқларга гирифтор этарди Акбар ўшандай дамларда. У бутун изтиробларини туғиб бераётган куч – илк сабабни ҳам гўё билар эди, фақат тан олгиси келмас, уни эсламасликка уринар, “На қашшоқлик ва на бадавлатлик таъсир этоладиган Исён оловидан қандай қилиб қутулиш мумкин?..” – дея ўйларди. Акбарнинг тушуниб қолгани шу эдики, инсон боласи катта маънода ўз ихтиёрида эмас экан. У дунёга келишда қандай ихтиёрсиз бўлган эса кетишида ҳам шундай чорасиздир. Ҳеч ким ундан бирон нима сўраб ўтирмайди. Инсон қандайдир бир улкан қудратнинг қўлида хомашё. Бу қудрат одамзодни хоҳлаган кўйига солади: истаса соғлиқ, чирой беради, истаса сўқир ё бадбашара айлайди. Инсон улкан маънода ўз қисматини заррача бўлсин ўзгартиролмайди. У ҳақиқатан – камондан чиқиб учаётган ўқ. Инсонни ўқ мисол отган – бу дунёга келтирган куч бошқадир”¹⁰⁶.

Акбар ҳаётини ўнглаб олган бўлса ҳам, унинг талпинган идеаллари нега бир зум бўлсин хотиржам қилолмайди. Сабабки, Акбар забт этган чўққиларнинг ҳам орқасида қанча-қанча тақдирлар борлиги ҳайратлантиради. Азал ва абад ўртасида кечувчи инсон умри поёни йўқ изтироб билан сийланган. У ўз дунёсида қанчалар ёлғиз бўлса, шунчалар мутедир. Бу мутеликка хос исм топиш Акбар каби образларни безовта қилавериши, таъқиб этиши тайин. Чунки Акбар аввал имонда заиф эди. Унинг хатти-ҳаракатлари, олиб борар манзиллари нима эканлигини билмасди. Бугун шунча кўргуликлар қаршисида у тобланди. У энди ҳақиқий кураш бошланганини ҳис этди. Бу кураш шу йўлда юришни хоҳламаган муртадлар учунлиги уни безовталайди: “Исён оловидан қандай қилиб қутулиш мумкин?..” Бундай ўткир ҳақиқат қаршисида Акбар чин исённи

¹⁰⁶ Кўрсатилган адабиёт, -Б.343-384.

кўради. Шариат нуқтаи назаридан берган бир шапалоқни жамиятнинг конуний тутумлари уни кўтара олмади. Бир шапалоқ – уч йил қамоқ унинг ҳаётининг энг керакли қисмини ўғирлади. Ва у ўз билганидек яшаш, ўзи хоҳлаганидек умр кечиришни – гуноҳи азимга алмашди. Бу ерда Диана, узок Россия ўлкаларида яшаб кечирган умри, оила, бола-чақасига вақтида беролмаган тарбия, уни бу исёндан фориг қилолмади. Романда энг характерли жиҳат “Ёлғизлик”даги А.исмли қаҳрамон қисмати “Исён ва итоат” романидаги Акбарнинг ҳайқириғини тўлақонли далолатлайди:

“...Кечагина оғзидан олов пуркаб, ёз керилиб турганди. Бугун мана, ҳавода кузнинг илиқ нафаси кезиб юрибди...

...Кечагина юрагимда тийиқсиз орзулар қандай қилиб узоқ-узоқларга чиқиб кетишни билмай, сабрсизликдан типирчилаётганди. Бу кун уларнинг икки қўли бўм-бўш, юрак – она юртга қайта олмай доғдалар...

...Кечагина севганим қизнинг қароқларига кундузлари термилиб ўтирар, кечалари тонгга қадар суратини чизар, сўнг ухлаб қолиб тушларимда яна у билан сайр этар эдим. Бугун уни эмас, умуман гўзал аёллар ҳақида ўйлайман...

...Кечагина катта бўлсам, онамнинг меҳнатдан ёрилган қўл-оёқларига дармон бўламан, деб ишонардим. Бугун у қўл-оёқлар баъзан ўғлимнинг хизматини қилиб баттар ёрилади...

...Кечагина дунёни забт этаман, деб хезланардим. Бугун ўзим унинг пойларида эзилиб битдим...

...Кечагина бу ҳаёт кун сайин, ой сайин, йил сайин мени Яратганнинг ҳузурига элтаверади, деб билардим. Бугун яшаганим сари у ҳузурдан узоқ тушаётганимни сезаман: йил сайин, ой сайин, кун сайин...

...Кечагина дўст учун жонимни тикишига тайёр яшаган – мен! Бугун на дўст қолди ва тикилишига тайёр жон!..”¹⁰⁷

Мана шу иқтибосда қисса ва роман қаҳрамонлари ёзувчининг ижодий дунёсида бир-бирини тўлдирувчи персонажлар реал моҳиятни асослайди.

¹⁰⁷ Ҳамдамов У. Ёлғизлик. –Т: “Янги аср авлоди”. 2019. –Б.78.

Айниқса, Акбар ва А.ни қиёслаб кўрганимизда биринчи асардаги қаҳрамон хоҳиш-истаклари “Кеча”нинг бағрида қоим. У бугунни тузатмоқчи. “Эдим” яқин ўтган замон феъли “бугун” ҳозирги замон феълининг ижросини таъминлай олмай – АРОСАТДА! Исён олови – фақат Яратганни англаш ва унга қайтишлик эканини, Ундан нажот бўлишини ич-ичидан англаб турса-да, “кеча”нинг аламли азоблари уни доим таъқиб қилишда эканлигидан ўкинтиради, қийнайди. Бундай контраст усули Улуғбек Ҳамдам ижодида муҳим ва залворли дискурсларни такомиллаштириб, янги тафаккурга бошлайди.

Адибнинг “Исён ва итоат” асаридаги кайфият, тасаввур, сема, метаформозалар йиғиндиси худди “ўсимта” янглиғ “Наъматак”, “Йўл” номли романларида ҳам келажак томон ҳаракатлантиришда давом этади. Ёзувчи бу кизил ип каби бу воқеликни онг ва туйғуда таҳлил қилади. Жамият ва ҳаёт бўсағасида турган сира тугамайдиган Исён олови уни руҳлантиради. Мавжуд ҳаётий ақидаларнинг кўп ҳолларда инсон тақдирини чигалликлардан халос этувчи куч эмаслигини билган қаҳрамонлари “чиқмаган жондан умид” дея сафар қилишда давом этаверади.

Умуман, Улуғбек Ҳамдам “Ёлғизлик”дан ибтидо олган барча катта-кичик асарларида бир нарсага жуда катта эътибор қаратади: инсоннинг инсон бўлиб яшашлиги, жаҳолатдан фақат қаттиқ иймон ва маъфиратгина қутқариб қолиши, моддий ва маънавий дунё мувозанати бирлиги, олам ва одам туйғуларида Яратганнинг иродасига қарши чиқиб яшаш мумкинмаслиги, азал ва абад орасидаги мангу кураш, жамият қонун-қоидаларининг кўп ҳам инсон тириклигини белгиловчи мезон эмаслиги, тақдири азал ҳукмининг вожиблиги кабиларни таҳлил марказига йўналтиради. Залворли ҳиссий-ақлий фаолият Улуғбек Ҳамдам қаҳрамонларини ҳамма вақт безовталайди. Айни шу жиҳатлари адибнинг ўз ижодий кредоси муваффақият билан тилга ифодаланишига хизмат қилади. Шалолодек кучли лиризм ва романтик руҳ устуворлиги адиб романларида муҳим атрибут ҳисобланади. Зеро, кузатув ва синтезлар бирлиги шуни тақозо этмоқда.

3.2. Романда қахрамон ва ёзувчи шахсияти яхлитлашуви

XX аср насри архитектуроникасида бадийлик модуси икки ўлчамли тасвир драмасини юзага келтириши билан ажралиб туради. Инсоният бошига такрор ва такрор тушаётган кулфатлару азоб-уқубатлар шахс мутелигини, қарамлигини тобора авжга олиб чиқмоқда. Ер куррасининг қайсидир бир бурчагида авомга номаълум илм-фаннинг мислсиз тараққий этиши – клонлаштириш ва яна қандайдир вирусолог олимларнинг одамзодга кулфат ёғдирадиган Худонинг Олий низомига қарши чиқадиган алланималарни ўйлаб топишини ҳам келтириш мумкин. Негаки инсониятнинг адашишларию, манзил маконлари одамзодни катта иқтисодий гегемон давлатларга оч ва ночор, ғариб ва йўқсил давлатлару жамиятларни тобе қилиб бормоқда. Ҳаёт биз англаб етолмайдиган фожеа қаршида яшаш учун ўзи етарли эмас гўё. Табиий офатлару қирғинбарот техникаларнинг барчаси инсон омили билан содир бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Интеллектуал капиталнинг жаҳон бозорида ошиғи олчи бўлиши ва ундан баъзи манфаатпарастларнинг нотўғри фойдаланиши натижасида шахснинг руҳий-маънавий оламига акс таъсир кўрсатмоқда. Ягона Аллоҳ ҳидоятдан бебаҳра яшаб ўтаётган қавму қабилалар – дунёнинг бундай эврилишларидан хайрондир. Манкурт онг билан туйғу эндиликда арзимас бир матоҳга айланиб улгургани энг ачинарли ва даҳшатли муаммодир. Бунинг ечимини замон ўқувчисига таништиришга диққат қаратишга уринган ёзувчининг қахрамонларидан бири **“Мен кимман?”**, **“Отим нима?”** деган ажабтовур саволни беришдан ҳам тоймайди.

Таниқли ёзувчи Исажон Султон “Муножот” қиссасидан бошланган мифологик қатлам синтези Ғарибдан ибтидо олиб, “Боқий дарбадар”да Профессор Зиё, “Озод”да Озод тимсолида реал моҳият касб этиб боришини алоҳида эътироф этиш жоиз. Услугдан – услубга, персонаждан-персонажга, поэтик воқеликдан – фалсафий талқинга чуқурлашиб бораётган ёзувчи хилма-хил ифода услубларининг диалектик алоқасини бир нуқтада зоҳир қилишини адабиётшунослар тан олмоқда. У.Норматов ўткир мафкуравий

жазавалар талқини асосига қурилган¹⁰⁸; мунаққид И.Ғафуров экзистенциализм йўллари ва фалсафасига шайдо бўлган Исажон Султоннинг юраги ва онг тасавури шундай ларзали кечинмалардан дунё ва табиатнинг келиб чиқишига назар ташлайди¹⁰⁹; А.Расулов “Боқий дарбадар”да хатарли келажак қаршисида иккиланиб турган, ақлу тафаккур ҳамда шайтоний хоҳиш-истаклар зиддиятлараро адашишлар йўлидан кўр-кўрона кетиб бораётган томошаталаб оломон орасида жовдираб турган маънавият кишисининг қиёфаси ҳам сезилар эди¹¹⁰. Й.Солижонов инсон ва табиат бирлигини ўзаро қоришиқ тарзда тасвирлаш орқали Исажон Султон бадий адабиётимизга ўзининг шахсий ташвишларидан кўра кўпроқ умумбашарий масалалар билан банд бўлган янги тафаккурдаги шахс образини олиб кирди¹¹¹. Д.Тўраев “Боқий дарбадар” романидаги ижобий маънодаги детектив, ўткир сюжет поэтикасини, фалсафий теранликни эътироф этганимиз ҳолда, унда жаҳон тарихи ва фалсафаси ҳамда мантиқ илмидаги баъзи маълумотларнинг баҳсталаб тасвирига дуч келамиз¹¹². Д.Қурононов постмодернистик асар деб қўя қолай деса. Муаллиф оламу одам ҳақидаги ўй-ташвишларини ифода этмоқ учун бадий деталь – постмодернистлар инкор қилган метаривоят яратиб қўйибди... Ҳолатдан чиқишга уриниш деманг-у, назаримда, Исажон ўзи билган биздаги хориждаги ижодий тажрибаларининг барини ичдан ўтказибди – бугун ўзини қийнаб турган муаммоларнинг бадий идрокую ифодаси учун мақбул шакл излапти, изланишлари синтезга олиб келибди¹¹³, – деган мунаққид ва олимларимиз жуда асосли мулоҳазаларни келтириб ўтган.

¹⁰⁸ Норматов У. Етуклик жозибаси. Исажон Султон насри бадийати. Мақолалар тўплам. Тузувчи. Г.Саттарова, М.Қўчқорова. –Т: “Турон замин зиё”. 2017. –Б.13.

¹⁰⁹ Ғафуров И. Ёзувчи, табиат ва тиббиёт. Исажон Султон насри бадийати. Мақолалар тўплам. Тузувчи. Г.Саттарова, М.Қўчқорова. –Т: “Турон замин зиё”. 2017. –Б.19.

¹¹⁰ Расулов А. Ақлар фалсафаси. Исажон Султон насри бадийати. Мақолалар тўплам. Тузувчи. Г.Саттарова, М.Қўчқорова. –Т: “Турон замин зиё”. 2017. –Б.29.

¹¹¹ Солижонов Й. Нияти улуғ адиб. Исажон Султон насри бадийати. Мақолалар тўплам. Тузувчи. Г.Саттарова, М.Қўчқорова. –Т: “Турон замин зиё”. 2017. –Б.55.

¹¹² Тўраев Д. Фалсафий-саргузашт роман. Исажон Султон насри бадийати. Мақолалар тўплам. Тузувчи. Г.Саттарова, М.Қўчқорова. –Т: “Турон замин зиё”. 2017. –Б.76.

¹¹³ Қурононов Д. Ўйлашга ундовчи асар. –Т: “Турон замин зиё”. 2017. –Б.77.

Шуни қайд этиш жоизки, Исажон Султон “Боқий дарбадар” романида анъана ва нореалистик талқинни уйғунлаштириб, ҳаётнинг маъноси ва олам инсоният тақдири хусусида теран ўйлашга жалб қилувчи поэтик талқин метаморфозасини илгари суради. Д.Тўраев алоҳида қайд этишича: “Романда яхлит олганда фалсафий руҳ кучли экани равшан сезилиб туради. “Боқий дарбадар” романида миллий руҳ ҳам, модерн адабиётга хос тарқоқлик ҳам, воқеаларнинг боғланишида тартиб ҳам, лиризм ҳам, реализм ва романтизм унсурлари ҳам бор. Фикрларнинг айқаш-уйқашлиги Жеймс Жойсга эргашувининг салбий таъсири бўлса керак¹¹⁴. Ҳақиқатдан ҳам, романдаги замон ва маконда кечувчи воқелик бир-бирига мутаносиб тартибланмайди. Замон кишисининг хатосини узоқ мифологик ривоятлардан ахтаради. Бани башариятнинг дарбадарлик юки, вазифаси, етиб келган манзил-маконларидаги адашишлари ҳақида куюнчаклик билан сўз юритади адиб. Шу маънода, роман жанридаги услубий жиҳатларни синтезга эврилган тасвир эстетикаси деб айтиш ўринли.

Хўш, бу романда ёзувчи нима демоқчи? Мутелик қаршисида эсанкираб қолган одамзоднинг табиий яшаш инстинкти тобора заифлашиб бораётганини кўрсатмоқчими, ёки глобал инқироз – клон одамнинг яратилиши Биру Бор ҳукмига қарши чиқаётган муртадларнинг асл қиёфасини далолатламоқчими? Жавоблар ҳам турлича жаранглайди. Бир умр илм-фан, генетик соҳада меҳнат қилган Профессор Зиё қисматидан хулоса чиқариш тўғрига ўхшаб кўринади. У ўтмиш ва келажак орасидаги ҳалокатли кўприк ҳамдир. Унинг қарашларидаги ғайришуурий қиёфага эга Клон одам ақлан ноқис, жисмонан кучли бўлса, ақлан кучли бўлса, жисмонан ноқис бўлиб яратилади. Бу ерда Аллоҳ таолонинг азалий ва абадий қонуниятига қарши чиққан шайтоний қиёфадаги персонажлар тизимини учратамиз.

А.Расулов “Дунё адабиётида анчайин кеч – ўн учинчи асрга келиб пайдо бўлган Боқий дарбадар образи илк бора 1228 йилда, англиялик Роджер Уэндоверскийнинг париждлик Мэтью томонидан тузилган “Катта

¹¹⁴ Тўраев Д. –Т: “Турон замин зиё”. 2017. –Б.76.

хроника”сида учрайди. Мазкур маълумотлар Брокгауз ва Эфрон энциклопедиясида, “Википедия” эркин қомусида, “Академик адабиёт” қомусида ва “Катта инглиз қомуси”да деярли бир хил талқин қилинади. Роджернинг талқинига кўра, у прокуратор Понтий Пилат бўлиб, мангу дарбадар эмас, мангу яшовчан кишидир. У иймонли, авлиёларга хос ҳаёт кечиради. Воқеанинг мазкур талқинида Боқий дарбадар Исо алайҳиссалом рисолатининг мангу тирик гувоҳи ўлароқ тавсифланади. Шунингдек, италиялик астролог Гвидо Боннати 1267 йилда муқаддас Ёқуб моноастирида ўзини Иоанн Буттадео деб таништирган кишини кўрганидан дарак беради. Кейинроқ ўртага чиққан бошқа талқинларда унинг исми Буттадэус, Малх ёки Ян Родуин (Кафканинг қулининг исми) сифатида келади. Энди у тош ертўлалар аро адашиб юришга маҳкум бечора қиёфасида намоён бўлади. Бу талқинларда ривоятнинг ўн олтинчи-ўн еттинчи асрларда урф бўлган роман-авантюра талабларига мослигини кўрамиз¹¹⁵. Ҳақиқатдан ҳам, А.Расулов боқий дарбадар образининг келиб чиқиши ва унинг ўзбек адабиёти, шарқ мусулмон кишисининг бунга мутаносиблиги хусусида анчайин фарқланишларни тилга олади. Бу образнинг 700 йиллик тарихи Европа халқлари адабий солномалари негизида таҳлил қилиниб, адабиётда мангу дарбадарлик тушунчаси Исо алайҳиссаломнинг қатл қилиниши билан боғлиқ воқеланишини бирма-бир санаб ўтади. Бизнинг адабиётимизда боқийлик дейди мунаққид, – “сира салбий эмас, балки уни азиз ва муқарраб зотлар тақдирида кўриш мумкин”. Бу қарашлар ҳақиқатдан ҳам тасаввуф намоёндалари фано ва бақо масаласини бошқача талқин қилганлар. Дарбадарлик – дарвешлик сира айб эмас, унинг босқичларида одам маънан покланиб, Ҳақ таолога етишиши мумкинлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Исажон Султон мана шу романи билан ўзининг шаклланган ғоялари, англаган сирлари, муаллиф сифатидаги ҳаётини кўз қарашлари индивидуал моҳият касб этган. Чунки у дарбадарликни бошқача йўсинда англантишни

¹¹⁵ Расулов А. Мангулик суви. –Т: “Турон замин зиё”. 2017. –Б.59.

мақсад қилади. Исажон Султон учун боқийлик ва дарбадарликнинг ўлчовлари маънавий қашшоқлик ва жоҳилиятга қарши чиқиб, қарғиш олган фан-техника соҳасида инқилоб ясаган клон одам муаллифларини аёвсиз балчиққа гирифтор қилаётган сабаб ва оқибатларни кўрсатишдан иборат эканлиги аёнлашади.

Адабий синчи Р.Қўчқор: “Боқий дарбадар” романида тескари манзарага дуч келамиз. Яъни муаллифи (яна ҳам аниқроғи – муаллиф ижодий тафаккури) ҳозирга қадар кўрган умри давомида йиғиб-тергани ўзига оғирлик қилган шунчалик кўп савол, зиддият, ҳикмат, ибрат, фикр, ўй-мулоҳаза, иштибоҳ, гумон, тахмин, кўрқув, ваҳм ва яна бошқа инсоният ақли, онги, туйғуси, ҳиссиётига доир кечинмалар қатламини яратадики, уларнинг ҳар бири тўғрисида алоҳида китоб битмоқ, кунлаб мунозара олиб бормоқ мумкин¹¹⁶. Шу маънода адиб кўплаб мифологик ҳикоятлар, ривоятлар, азиз ва мукаррам авлиёлар ҳаётнинг мантиғини чизиб беришга интилиб яшаган идеалларни ҳам талқинга жалб қиладики, унда қамров янада залворли бўлиб поэтиклашади. Асарда воқелик синкретик йўсинда акс этиши, бирон тутиб турувчи образнинг ўзи йўқлиги ҳам ўқувчининг тасаввури ва таассуротини иккига бўлиб ташлайди. Тушунувчилар ва тушунмайдиганлар. Бир-бирини тўлдирувчи, рамзлар, кодлар, ишораларнинг ижодкор фалсафий концепциясини очиқланишига хизмат қилишини эътибордан чеккада қолдирмаслик лозим. Чунки ёзувчининг асл мақсади – **ўтмиш** ва **келажак** ўртасидаги ишоралар, тахминлар, хатолар, йўқотишлар, хом хаёллар, орзулар, идеалларни – **бугуннинг** бағридан излашга жалб қилишида қабариб кўринади:

“У ёқ бу ёқдан гаплашиб, муддаосини аён қилгач, чол жилмайди:

– Сираям ундай эмас-да, - деб эътироз билдирди у. – Дунёда из қолдирмайдиган ҳеч нарса йўқ. Хув анави қоя ёнига борсангиз, у ерда айвонга ўхшаган бир жойни кўрасиз. Назарида, сиз айтаётган киши ўша ерда

¹¹⁶ Раҳмон Қўчқор. Дарбадарликнинг бадор талқини. –Т: “Турон замин зиё”. 2017. –Б.85.

ўтирган эди. Яхшилаб қарасангиз, тушиб қолган бир тола сочини ҳам топишингиз мумкин.

– Буларни қаердан биласиз? – деб сўради Профессор, саводсиз балиқчининг ўша воқеадан хабардор эканига ҳайрон қолиб.

– Қаранг, теваракда бирон соя кўринмайди, – деди чол. – Бировни кутсангиз, ундан қулайроқ жой йўқ-ку? У қоятош эса минг йиллардан бери бир хилда турибди.

Профессор раҳмат айтиб, ўша томон йўналганида чол:

– Шошманг... Бугун қайси кун? – деб сўради.

– Жума, – деб жавоб қилди Профессор.

– Ҳм-м... Жума, ойнинг ўн учинчи куни, – деди у нималарнидир ўзича ҳисоблаб. – Қулоқ солинг. Ойнинг ўн учинчи кунида учиб келадиган қора чумчуқлар аслида қаттол бир қарғишнинг юкини олиб келишади, дейдилар. Шунинг эсингиздан чиқарманг.

– Чумчуқлар-а? – жилмайди Профессор. – Менимча табиатда уларнинг қиладиган иши бутунлай бошқа. Ҳар хил зарарли ҳашаротларни чўқиб кун кечирадиган беозор қушлар-ку?

– Йўқ, бу ердан балиқ чиқмас экан, – деди чол тўсатдан, норози бўлиб. – Яхшиси бошқа жойга кетаман.

– Тавба қила қолинг, – деди кейин, Профессорга. – Кўп нарсалар тавба билан ўз ўрнига тушади. Шояд қабул бўлса.

– Яхши боринг, – деди профессор.

– Балиқчи чол тўрини йиғиштириб, хайрлашиб ўз йўлига кетди”¹¹⁷.

Романдаги бир ҳикоятдан кейин иккинчи воқелик талқини берилади. Профессорга “Тавба қила қолинг” ўғитида ҳам балиқчининг кўп нарсаларни ойдинлаши билинади. Нега жума куни – ойнинг ўн учинчи куни ҳақида фикр билдираяпти чол? Бу ўринда 13 рақамини қора чумчуқларга нима алоқаси бор? Ёзувчи бу санага оид “ирим”ларни ўша Европа халқларида ҳалигача сақланиб келаётганига ишора қилади. Балиқчи чолнинг “қора чумчуқлар”и

¹¹⁷ Султон И. Қорақуш юлдузнинг сири. –Т: “Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”. 2019. 183-184.

хам муайян рамзни ташимокда. Бошқача айтганда, адиб чол ва профессорнинг ўзаро суҳбатида акс этган диалогик муносабатга мистик карашларни сингдириб юборган. Бир тола сочининг топиб олиниши ва ундан махсус клон одам генини яратиши, Зиё образининг тавба тазарруга йиқилишига ишора ҳам қилинади. Ривоятларнинг шаҳодат беришича, мангу дарбадарга тааллуқли эканлигини илм-фан билан исботлаб кўрмоқчи бўлишганида одамлар унга ишонч ҳосил қилиши даргумон деган хулосага келади. Роман воқелигида мана шу эпизодик образ, яъни балиқчининг уқтириши Профессор Зиёни эсанкиратиб қўяди. Айнан шу воқеликдан кейин асарда “Ваҳший”, “Фиръавн” билан боғлиқ тафсилотлар ўз ифодасини топади.

Исажон Султон асарда метаривоятлар системасини яратди. Бу ижодий концепция муаллиф дунёқарашининг ташувчиси ва исботига параллел равишда бугуннинг қиёфасини аниқлашга хизмат қилади. Ўтмиш ривоятлари – қарғиш олган зот, тавба-тазарру қилса ҳам, гуноҳи мангуга муҳрлангани, унинг дунё бўйлаб кезиб юриши одамзодни ўйлантириб қўяди. Фан-техника инқилоби Клон одамнинг яшашига монелик қилувчи бир қанча сабабларни кидиради. Ундаги фикр ва қувватнинг бутунмаслигидан таажжубга тушишади. Профессор Зиё шу нарсалар хусусида узоқ бош қотириб, қалбнинг амрига бўйинсуниб яшаш лозимлигини жуда кеч англайди. Романда ҳар бири бир воқеликни ташувчи хилма-хил тасвирлар келтирилади. “Тимсоллар чархпалаги”, “Бўрон”, “Ўғил мактуби” “Бобо тошбақа мақбараси” шулар жумласига киради. Уларнинг ҳар бири асар композициясида сюжетни яхлитлаштиради.

Роман поэтикасида жанрий-композиция синтези. Бадиий асар композицияси пухта қатламлардан иборат бўлиши тайин. Бироқ, Исажон Султон асарларида композиция воқеликни юзага чиқарувчи қатор деталлардан иборат бўлиб, фикр ва мантиқ чегарасини бузиб ўтади. Бир томонда, адиб “ҳикоя ичида ҳикоя” қилишни маҳорат билан инкишоф қилса, иккинчи томондан, ғоявий-бадиий хусусиятларни лирик чекинишлар

тизимда беришни маъқул кўради. Навоийнинг “Мезонул-авзон”га муружаати, “Мангу дарбадарнинг қайтиши” каби киритма ҳикоялар сюжетни мураккаблаштиради. Адиб асарда бугунги дунёда бўлаётган турли-туман ҳодисотларга “фан тили” билан ёндошади. Бир қарашда тарих ва адабиёт талқинидан сўз юритса, бошқа томонда дарбадарликнинг икки қиёфасини идрок этади. Бир қиёфаси - тавба-тазарру посбони. Иккинчи қиёфа – шайтон қутқусига учраб, азалий лаънатга дучор бўлган кимса ҳолатини тасвирлайди. “Мангу дарбадарнинг қайтиши” пьесаси муаллифи астролог Гвидо Бонатти қиёфасининг ўзгарувчанлигини келтириш мумкин. Унда майхўрликка муккасидан кетган Бонатти ҳеч нарсани англай олмайди. Бу пьесада хабар берган сайёҳ “Менинг шаҳри Ҳайбарим” китоби муаллифининг ҳикоясида тилга олинади. Романда ана шу икки ҳикоя Профессор Зиёнинг характерини тўлақонли англаш имконини беради. Чунки Зиё “Ўғил мактуби”дан кейин жуда ҳам ғалати бир кечинмаларга мубтало бўлади. Ўзидаги бу ўзгаришлардан кўрқувга тушади:

“Профессор Зиё компьютерни ўчириб, узоқ ўйга толди.

Юраги унга ўглининг ҳақ эканини, бутун олам илгарилаб бораётган турли-туман йўллар орасида ўглининг тутган йўли аниқроқ ва ҳақиқатга яқинроқ эканини сездириб турарди.

Бироқ, не ажабки, муқаддас тушунчалар ҳам турли-туман бўлақларга бўлиб ташланган эди! Бутун олам мувозанат ичида бўлгандагина ҳамма нарса қадр-қиммат касб этар, мувозанат бузилганида қадр-қимматлар ҳам ўзгариб кетмоқда эди.

Дарҳақиқат, одам боласи дунёга келиб ўсиб-унади, ейди-ичади, аюҳаннос солади, кибру ҳавога, гурурга кетади, лекин бир куни қарабсизки, бутун дунёни алгов-далгов қиламан деган одам ҳаёт саҳнасидан секингина, мутеъгина бўлиб четга чиқади, супурилади. Бир куни қарасангиз, тўплаган бутун сарватларию мулклари унинг вужудида ўса бошлаган биттагина

бегона хужайра қаршисида ожиз, ўзи ҳам ўша хасталик чангалида мўлтираб ётган бўлади”¹¹⁸.

Профессор Зиё барча юмушлари зоя кетаётганини “Ўғли мактуби”дан кейин тушуна бошлайди. Унинг барча уринишлари самарасиз ва муваффақиятсизлигини англайди. Адиб ўз фалсафий-эстетик қарашларини романда жуда кўп ўринларда ифодалайди. Воқелик марказида Исажон Султон дунёқарашини ва онгида пишиб етилган ҒОЯ туради. Мангу дарбадарликнинг азоб-укубатларга гирифтор бўлган кечмишларидан замон ўқувчисини огоҳ қилади. Профессор Зиё иймонида собит ўғлининг оҳу ноласини хотирлайди:

“Отажон!

... Бугун онамнинг хокисор ва азиз қадамларининг изи қолган ҳовлимизда эканман, Парвардигори оламга имон келтирган барча кишиларнинг, аввало сизнинг ва онаизоримнинг ҳаққига кўзларимда ёш билан дуо қилгач, ушбу мактубни битмоқдаман...

... Ота, абадий дарбадарликка маҳкум бир одам ҳақида айтган ривоятингизни эслайсизми? Мен ҳозир дунёнинг ҳар бир мамлакатада, ҳар бир гўшасида, ҳалол ва имонли кишилар билан бир қаторда, ана шундай дарбадар инсонларни кўрмоқдаман... Шундай дарбадарликка мубтало бўлмасликнинг йўлларини изламоқдаман. Кун келиб, руҳим самоларга қараб йўл олганида, мукамалликка эришган аждодларим билан бир қаторда бўлишни орзу қиламан”¹¹⁹.

Профессор Зиё ўғлининг бу мактубидан ўзи эришган ҳамма ҳодисалар қаршисида лолу ҳайрон бўлиб, ичида ғалаён бошланади. Яъни ўғли бундай мактубни битганига, унинг қалбига Тангри таоло шу қадар улкан ҳис, сезги, муҳаббат солиб қўйганига иймон келтиради. Бироқ, у ерда ҳаммаси кеч эканлигини тушуниб етади. Адиб бу дунёдаги барча ҳодисалар сирлар орасига яширилган деган хулосага келади. Бир муборак зотни туртиб юбориб

¹¹⁸ Кўрсатилган адабиёт, -Б.200.

¹¹⁹ Кўрсатилган адабиёт, -Б.193-198

“Азалий дарбадарлик”ни бўйнига илган Этикдўзнинг авлоди бугун ҳам кезиб юргандек гўё. Чунончи, Ҳақ таоло фармонида қулоқ тутмаслик оқибатида ва унинг иродасига қарши чиқиш минглаб фалокатларни келтириб бераётгани Зиё ботинида акс-садо беради. Ёзувчи Маркеснинг видео мактубини ҳам асарга атайин келтирган. Чунки бугунги инсоният томоша талаб бўлиб, асл ҳол ва мақсад ҳақида унчалик қайғу сезмаганини кўрсатишнинг бир усулига жавоб тариқасида сюжетни бирлаштиради. Асл ҳодиса қолиб, шаклга маҳлиё бўлиш, ер юзасида Бобилдек ҳайбатли бир иморат тиклаш ва кимдўзарга умр кечириш “Боқий дарбадар”нинг композицион бутунлигини юзага чиқаришга далилдир.

Ёзувчи кўпчилик асарларида инсоннинг фитратига урғу беради. “Боқий дарбадар” романида ҳам дин ва ахлоқ, шариат кўрсатмаларига риоя этиб яшамаслик оқибатида ҳақиқий мусулмонлик либоси бўлмаслиги, инсон қалби шуурида куртак отган шайтоний найранглар оқибатида ер юзида қирғин урушлар, низолар, фалокатлар содир бўлаётганига теран назар ташлайди. Бугуннинг эҳтиёжлари – мансабу бойликнинг орқасидан қувиш ниҳоятда фожелик эканлиги Профессор Зиё қисматида муҳрланган воқелик билан уйғунлашади.

Д.Тўраев қайд этишича: “Ҳозирги романнависларимиз олдида психологик ва мемуар, илмий-фантастик ва фалсафий, тарихий ва ҳужжатли романга хос бўлган хусусиятларни бир жанр чегарасига сингдириш, уларни бирга қўшиш масаласи туради. Буларнинг барчаси ёзувчидан давримизнинг мураккаб муаммоларини ифода этишда бадиий талқиннинг янги тасвир воситаларини ва бадиий усулларини излашни талаб қилади. Бу эса таниқли адабиётшунос М.Бахтин тўғри хулоса қилганидек, олдиндан ҳозирги роман жанрининг “склет”идаги силлиқ ва равон имкониятлари хусусида башорат этиш қийин¹²⁰. Мунаққид асосли фикр-мулоҳазаларни илгари суради. Негаки, Исажон Султон романида ҳам айрим таҳрир талаб ўринлар мавжуд. Профессор Зиё ўқинчлари тасвири, юракни ўртовчи ғам-ғуссалар,

¹²⁰ Тўраев Д. Ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси. –Т: “Университет”. 2001. –Б. 87.

изтиробларнинг психологик манзарасини тасвирлашда иккиланишлар юз берган. У воқеликнинг жонли иштирокчиси бўлиб, ҳаёт ҳақида теран мушоҳадаларни илгари суриш билан бир қаторда тавба-тазарруни ўз пушти камари – ўғлининг мактубидан хулоса чиқаришда идрок этади. Аслида, Профессор Зиё сингари фойдасидан зарари кўп шахсларнинг кўпчилиги охир-оқибат залолатга чўкади, фожеавий бир тарзда нобуд бўлади. Буларни ёзувчи янада чуқурроқ ва аниқроқ қилиб кўрсатиши лозим эди. Шундай бўлса-да, асарда тирик қаҳрамоннинг ўзи бир ожиз банда, бечорасифат. Дарбадарликнинг мангу азобини тотиб яшашига маҳкумлигини англаши воқелик баёнида тўлдирувчи моҳиятга эврилган.

Таъкидлаш жоизки, “Боқий дарбадар” Исажон Султон романлари орасида алоҳида жанрий-композицион яхлитлик синтезига эга. Бир қарашда, кўл билан тутиб кўрсатадиган қаҳрамоннинг ўзи йўқ. Иккинчидан, қаҳрамон ҳеч бир маконда муқим ҳаракатланмайди. Воқелик ёзувчи қувваи ҳофизаси билан қабул қилиниб, унинг тавсиялари, характери тўлдирувчи мулоҳазалари, ривоятни турли хил тахмин, шубҳа билан бойитиш эвазига шакллантиради. Баъзан пейзаж, баъзан руҳий-психологик онг ва туйғу муносабати, тиғизлашув, ижтимоий-сиёсий муаммолар ойдинлиги негизида реал мазмун ва моҳият касб этади. Романдаги уч асосий поэтик қатламни кўйидагича таснифлаш мумкин:

1. Экспозицияда Этикдўз билан боғлиқ воқеаларнинг кейинги қисмларга сочилиб кетган тарқоқ, аммо асосий мақсад мотивига айланиши;

2. Ҳазратнинг башорати, қора чумчуқлар ва ўлим лаиқари орасидаги узвийлик (балиқчи чол ва Профессор Зиё мунозараси);


3. Мактуб ва пьеса қолипловчи ҳикоя тарзида сюжет воқелигини ечимга томон етаклайди.

Ёзувчи мана шу тарзда “Боқий дарбадар” романи воқелигини турли хил ракурсда поэтик марказда уюштиради. Натижа шуки, ёзувчи “Бадавийлар”, “Саҳродаги карвон” тўғрисида фикр юритиб, уларни ёзувчи қисқача тавсифлайди. Кейин асосий воқелик изчил ўз аксини топа боради. Адиб

услубий изланишларида – Шамол образи “Муножот” қиссаси, “Озод” ва кўплаб ҳикояларида воқеликни “юрғизувчи ричаг” вазифасини бажаради.

Исажон Султоннинг “Ҳазрати мажоз” номли адабий суҳбатида шундай эътирофи мавжуд: Жамиятдаги ўзгаришлар, инқирозлар ва чайқалишларнинг бари кишиларнинг ҳаётида акс этади ва залворига, кўламига қараб турли-туман изтиробларни, ғам ва қайғуларни, шодлик ва қувончларни ҳосил қилади. У изтироб ва қувончлар ғоятда умумийдир. Елиб-югуриб бойлик орттиришга умрини сарфлаётган одамнинг мақсадлари бор-йўғи вужудида биттагина ҳужайранинг ўзгариб қолиши билан бадар кетиши мумкин. Гап инсон қалбининг тирикчилик ташвишларидан бир муддат узоқлашиши ва юксалиши ҳақида кетаяпти. Қайдадир ўша ўзгариш сезилар-сезилмас содир бўлмоқда¹²¹.

¹²¹ Султонов Исажон. Ҳазрати мажоз. Т: “Турон замин зиё”. 2017. –Б.313.



Демак, ёзувчи ушбу фикр-мулоҳазаларини “Боқий дарбадар” романидаги Профессор Зиё қисматида қайта идрок этиб кўради. Унда Профессор Зиёнинг аламли азобга гирифтор бўлишига олиб бораётган хатти-ҳаракати юқоридаги жадвалда акс эттирилади.

Адиб ана шу зайлда дунё фалсафасига янгича нигоҳ ташлайди. Роман воқелигини акс эттиришда Этикдўз – Муборак зот – қора чумчуқлар хақида хабар берувчи балиқчи чол; Профессор Зиё ва Клон одам мурожаати; Ўғил ва Маркес мактубида сюжет ва композиция ўзининг якуний маромини топади. Айниқса, адиб қора чумчуқлар – Иблис йўсинида юрган ва абадий лаънатга дучор бўлган қавмлар, сиёсий ўйинлар гирдобидаги инсониятга мислсиз талотўплар ёғдираётган кучларга огоҳлик сигнали рамзи сифатида намоён бўлади. Бу жиҳатдан адиб жуда аниқ бир умуминсоний концепцияни илгари сургани аёнлашади.

Хулоса шуки, роман поэтикасида муаллиф **романда қахрамон ва ёзувчи шахсияти яхлитлашуви** адибнинг бошқа асарларида ҳам кузатилади. Негаки ёзувчининг ҳар бир талқинида асосий мақсад – оламнинг универсал моделини бадиий шартлиликда чизиш, тавсифлаш, унда яшовчи элат ва миллатларнинг азалий ҳақиқати Яратганни таниш ва ўзлигини англашга қаратилганлигини ва бу йўлда адашганларнинг қисмати фожеалар гирдобида ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетиши, абадий дарбадарлик ҳукми – ОЛИЙ ЖАЗОга мушарраф бўлишига мантикий урғу беришади. Демак, адиб бир неча диний ва дунёвий қарашларни фалсафий-эстетик йўсинда адабиёт нуқтаи назаридан ҳис ва ақл уйғунлигида англашга диққат қаратганлигида яққол кузатилади. Зотан, тақдир ҳар бир бандага ният ва амалларига яраша марҳамат кўрсатиши турли хил метаривоятлар, афсоналар, мифлар негизида инкишоф қилинади.

Боб бўйича хулоса

Замонамизнинг машҳур адиблари Улуғбек Ҳамдам ва Исажон Султон ўзларининг асарларида шарқ мутаффақирлари ва ғарб ёзувчиларининг асар ёзиш шаклларининг бир махражда бирлаштирган ҳолда асар ёзиш мумкинлигини исботлаб берди. Улуғбек Ҳамдамнинг “Исён ва итоат” романида одаматонинг жаннатдан қўвилиши ва жаннатдан қўвилиш сабаблари ва унинг оқибатлари натижаларини ривоят тарзда замонамиз инсонларини Акбар образида гавдалантириб бера олган. Оллоҳнинг ҳар бир

инсонга тақдим этган тухфаси тақдирга, инсонларга берилаётган синовлардан ибрат олиб яшашга ундайди. Бундай тасвир усулини ижодкор кенг ёрита олган.

Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида ёзувчи биргина инсоннинг ўзигагини тегишли бўлган муаммони эмас, бир неча тарихий ривоятлар орқали умуминсоний муаммони талқин эта олди. Тарихда қилинган ҳар бир хатолардан инсоният тўғри хулоса чиқариш кераклини, ўз вақтида англаган хатолар доимо кейинли хатоларнинг қилинмаслигидан далолат беришини англатади. Яратганнинг олий яратиғи бўлмиш инсонни клонлаштириш учун профессор Зиё образи талқинида умрини беҳудага совирган олимлар қиёфаси асарга сингдирилади. Бу муаллифни қийнаган ва ўйга толдирган глобал муаммо сифатида асарнинг бош қаҳромани билан яхлитликда очиб берилади.

ХУЛОСАЛАР

Глобаллашув жараёнида бадий наср тадрижий такомиле кейинги йилларда янги адабий-бадий, фалсафий-эстетик талқин қамровининг кенгайишига замин ҳозирлаб бормоқда. Олам ва одам муносабатлари, Яратганни англаш, олий низомга бўйсуниб яшаш ва моддий-маънавий мувозанат бағрида ҳаёт кечириш бадий асарларда хилма-хил ифодаларда акс этиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Сиёсий-ижтимоий, мафкуравий-диний бўҳтонлар, талатўплар ва зиддиятлар бани башарият руҳий таназзул ёқасида умр кечириётганини рамзий-мажозий тимсолларда акс этириш кечаги замондан ҳам тамомила кучайди.

Юқоридаги жиҳатларни эътиборга олган ҳолда танлаган ёзувчилар ижодидаги қўйилган масалалар тадқиқи бўйича қуйидаги хулосага келинди:

1. Жаҳон бадий насрида муаллиф дунёқарашининг бадий инъикоси ўз дунёсини қуришга киришган инсон табиатини акс этиришга қаратилганлиги билан қувонарлидир. Ғарбу шарқ анъаналарининг бадий синтези Ж.Жойс, А.Камю, Ж.Кафка, Сартр, П.Коэло, М.Пруст, А.Қодирий, Чўлпон, Ч.Айтматов, Ў.Памуқ каби ёзувчиларда, Н.Эшонкул, У.Ҳамдам, И.Султон, Ш.Ҳамро каби модернист адибларимизда яққол намоён бўлиб бормоқда. Янгидан-янги фалсафий-эстетик талқин рангинлашуви ўзбек адабиётининг юксалаётганидан далолат беради. Азиз авлиё ва мукаррам мутафаккир зотларнинг адабий-эстетик қарашлари буларнинг ижодида акс этиши ва образлиликни юзага чиқаришда маълум маънода хизмат қилиши айтиш ҳақиқатдир. Мана шу жиҳатдан олиб қараганда У.Ҳамдам ва И.Султоннинг реалистик ва модернистик изланишлари таҳсинга сазовордир.

2. У.Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссаси бошқа асарларининг яратилишига жуда катта фундаментал фалсафий-эстетик майдон бўлди. Унда биргина А.исмли қаҳрамоннинг бутун алғов-далғов ҳаёти, изтироблари, моддий ва маънавий дунё сарҳадларида йўлини йўқотиши “Мувозанат”, “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар” ва турли хил мавзулардаги ҳикояларида, адабий-бадий суҳбатларида акс этишининг ўзиёқ мулоҳазаларимизни қувватлайди.

3. Бадиий адабиётда “муаллиф онги”, “муаллиф дунёкараши”, “муаллиф образи”, “муаллиф концепцияси” деган атамалар моҳиятида – инсонни кашф қилиш мақсади турганлигини унутмаслик лозим. Муаллиф ҳиссий-эстетик оламидан ажралиб чиққан воқелик моҳиятида – одамзоднинг шуури, ақли, ҳаёти, яшаши, идеаллари, орзулари, изтироблари, қувончлари, йўқотишлари, тавба-тазарруси ётади. Мана шу жиҳатларнинг барчаси битта индивид шахс руҳиятидан ибтидо олиб, янгича қисм ва бўлақларга сочиб юбориладики, ундан биз ўзимизнинг ҳиссий эҳтиёжимизга монанд кечинмаларни қабул қиламиз. Оқ ва қора адабиётнинг азалий баҳолаш критерийси. Янги инсон мана шу иккилик қаршисида ўзини ўнглашга қодирлигини бугунги яратилаётган асарларнинг сабаб ва оқибат фалсафаларини англаш билан ниҳояланади. Бу борада илмий муаммо Улуғбек Ҳамдам ва Исажон Султон асарларидаги “акслар фалсафаси (А.Расулов)ни қайта идрок этишни тақозо этмоқда.

4. Муаллиф ботинидан айро чиққан фалсафий-эстетик концепция ва образлар системасида китобхоннинг ички бир “билиш” манераси уйғунлик касб этиши тайин. Шундагина адабиётнинг одамзод руҳиятини тарбиялашга, ўзгартиришга, янгилашга бўлган уринишларнинг ҳосиласи кўринади.

5. Бадиий талқин қамровининг кенгайиши (И.Султон), фалсафий-рамзий талқин (У.Ҳамдам) романлари, қисса ва ҳикояларида “янги инсон” табиатини алоҳида бир индивид тарзида инкишоф қилиш концепцияси қабариб кўринади. Айниқса, ғарбу шарқ анъаналари бадиий синтези “Боқий дарбадар”, “Исён ва итоат” романларида ўзига хос тарзда идрокланади.

6. Дунё қандайдир фалокатли бир воқелик қаршисида туришини англаштишга қаратилган И.Султон ижодида экзистенциализм фалсафасини кўрамиз. У.Ҳамдам инсон Яратганнинг энг мукамал яратиғи жиҳатидан моддий ва маънавий мувозанат соғинчи мудоми уни қийнаётган муаммо эканлигини асарларида кўришимиз мумкин.

7. И.Султон воқеликда ўтмишга қилинган сафари бугунни англаш ва эртага хато қилмаслик масаласини кўндаланг қўяди. У Яратганнинг қудрати

олдида ҳар қандай нарса қийматсиз, арзимас эканлигини хилма-хил услубларда поэтик талқин қилишга эришади. Бироқ адиб асарларни камчиликдан холи, деб бўлмайди. Ўринсиз такрорлар ва фалсафий қамровнинг чуқурлашувини таъминлаш мақсадида киритилган **метаривоятлар** баъзи ўринларда ортиқчадек туюлади.

8. У.Ҳамдам ижодий концепцияси зиёли қатламнинг иззат-обрўсини ва мартабасининг қадрсизлиги, жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик ва табақалашув процесси алалоқибатда ҳалокатли йўл эканлигини турли қатлам вакиллари тийнатида кашф этишини эътироф этиш даркор. Бироқ адиб лиро-романтик ифодасида бош қаҳрамонларни мураккаб характерларини кўрсатишда соя солиб туриши кўринади.

9. И.Султон талқинларида манқурт ва оломончилик кайфиятидан чиқиб кетиш ва миллат кишисининг тафаккур йўсинини ўзгартириши қаламга олинса-да, аралаш ҳолда зухур этилган воқеалар қаршисида ўқувчи ўзлигини топиши хийла қийинлашади. Адиб буни постмодернистик ёки модернистик йўсинда талқин қилдим, деб изоҳлаши мумкин.

Умуман, мураккаб ва ўзгарувчан дунёда муаллиф онги намойиши хилма-хил услубларнинг диалектик алоқаси натижаси ўлароқ, ўз дунёсини бунёд этаётган одам образини гавдалантириши билан бир қаторда фалсафий-эстетик қамров даражасининг ҳам кенгайиб, турфаланиб боришига катта замин ҳозирламоқда. Одам эндиликда яшашни истеъмомли сифатида тушунаётгани, Олий Низом қонуниятларига кириб боришга интилмаётгани, асл моҳиятини англаш даражасида тирикчилик аталмиш улкан муаммо қаршисида “мум” қотгани “Боқий дарбадар”, “Мувозанат”, “Исён ва итоат” романларининг поэтик моҳиятини намоён қилади. Зеро, ҳар бир адиб ўзининг қурби идроки етганича “сўз” айтади. Айниқса, синтез ва бадий яхлитлик такомилени янги босқичда англатиш манераси бугунги ижодкорнинг асосий услубий характерини белгилаб бераётгани таҳсинга сазовордир.

Фойдаланилган адабиётлар

I. СИЁСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ҳамда шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б.78.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. 360 б.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 74 б.
4. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 173 б.

II. ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АДАБИЁТЛАР

5. Алиев А. Маънавият, қадрият ва бадиият. – Тошкент: Академия, 2000 . – 630 б.
6. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007. – 278 б.
7. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. – Тошкент: Noshir, 2008. – 255 б.
8. Анастасьев Н. Обновление традиции. – М.: Сов. писатель, 1984. – 349 с.
9. Андреев Л.Г. Современная литература Франции. 60-е годы. – М.: Изд-во МГУ, 1977. – 366 с.
10. Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – 149 б.
11. Баранов В.И, Бачаров А.Г, Суровцев Ю.И. Литературно- художественная критика. – М.: Высшая школа, 1982. – 206 с.
12. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 560 б.
13. Борев Ю. Эстетика. Изд. 3. – М.: Политиздат. 1980. – 399 с.
14. Днепров В.Д. Черты романа XX века. – М.: -Л.: Сов. писатель, 1965. – 247 с.

15. Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006. – 203 б.
16. Жўраев Т. Онг окими модерн. – Фарғона, 2009. – 203 б.
17. Затонский Д.В. Наше время. – М.: Сов. писатель, 1979. – 430 с.
18. Затонский Д.В. Модернизм и постмодернизм. – Фолио-Аст, 2000. – 255 с.
19. Зарубежная эстетика и теория литературы XIX- XX вв. Трактаты, статьи, эссе. – М.: Изд-во Московского университета, 1987. – 510 с.
20. Зинченко В.Г, Зусман В.Г, Кирнозе З.И. Методы изучения литературы. Системный подход. Учебное пособие. – М.: Фликто, Наука, 2002. – 200 с.
21. Ильин И. Постструктурализм. Деконструктивизм. Постмодернизм. – М., 1996.
22. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 546 б.
23. Ёқубов И. Бадиий-эстетик сўз сеҳри. – Тошкент: ТВДПУ. 2011. 654 б.
24. Карсерес В. Исажон Султон билан Ўзбекистонга саёҳат. –Т: “Турон замин зиё”. 2017. –Б.356-357.
25. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 533 б.
26. Каримов Ҳ. Истиклол даври насри. – Тошкент: Zarqalam, 2007. – 96 б.
27. Каримов Б. Рухият алифбоси. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 2016. –423 б.
28. Каримов Ҳ. Ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари. – Тошкент: Миллий кутубхона, 2008. – 122 б.
29. Керимов Д.А. Философское основание политики правовых исследований. – М.: Мысль, 1988.
30. Кулакова И. С Философия и искусство модернизма. – М.: Изд-во Политиздат, 1980. – 271 с.
31. Мустақиллик даври адабиёти. – Тошкент: Нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 287 б.
32. Мирқосимова М., Рустамова М. Жанр ва маҳорат. – Тошкент: Миллий кутубхона, 2007. – 69 б.

33. Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 418 б.
34. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 109 б.
35. Норматов У. Тафаккур ёғдуси. – Тошкент: 2005. – 119 б.
36. Норматов У. Устоз ибрати. – Тошкент: Миллий кутубхона, 2007. – 126 б.
37. Норматов У. Ижод сеҳри. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 351 б.
38. Норматов У. Нафосат гурунглари. – Тошкент: Мухаррир, 2010. – 385 б.
39. Нурматов М. Танқид ва эстетика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. – 169 б.
40. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006. – 231 б.
41. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. – 334 б.
42. Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент: Mumtoz soz, 2009. – 286 б.
43. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: 2004. – 127 б.
44. Солижонов Й. Нутқ ва услуб. – Тошкент: Чўлпон нашриёти, 2002.
45. Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 228 б.
46. Солижонов Й. Кўзгудаги ҳаёт. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2013. – 148 б.
47. Солижонов Й. Лирика латофати, насрнинг назокати. – Тошкент: “Адабиёт учкунлари”, 2018. – 108 б.
48. Тўраев Д. Ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси. – Тошкент: Университет, 2001. – 166 б.
49. Умунов Х. Таҳлил санъати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – 143 б.
50. Умунов Х. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 252 б.
51. Умунов Х. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2004. 250 б.
52. Умунов Х. Сайланма. – Тошкент: Фан, 2007. 1– жилд. – 205 б.
53. Умунов Х. Сайланма. // Адабий-танқидий тадқиқотлар. 2 – жилд. – Тошкент: Фан, 2007. – 206 б.

54. Умуров Ҳ. Сайланма. // Хотиралар, қатралар, сабоқлар, хажвлар. 3 – жилд . –Тошкент: Фан, 2007. – 204 б.
55. Умуров Ҳ. Сайланма. // Эҳтиёж тафти. 5 – жилд. – Самарқанд: 2011. – 214 б.
56. Урнов Д.М. Литературное произведение в оценке англо-американской “новой критики”. – М.: Наука, 1982. – 262 с.
57. Уэллик Р., Уоррен О. Теория литературы. – М.: Прогресс, 1978. – 325 с.
58. Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. – 122 б.
59. Фесенко Э.Я. Теория литературы. –Архангельск: Поморский государственный университет, 2001. – 304 с.
60. Фалсафа асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 382
61. Философский словарь. – М.: Политиздат, 1980. – 445 с.
62. Хализев В.Е. Теория литературы. Изд. 3. – М.: Высшая школа, 2002. – 437 с.
63. Шарафиддинов О. Ижодни англаш баҳти. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 237 б.
64. Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя. –Тошкент: “Академнашр”, 2016. 224 б.
65. Эпштейн М. Парадоксы новизны. –М.: Советский писатель, 1988. – 413 с.
66. Қуронов Д. Чўлпон (ҳаёти ва ижодий мероси). –Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 80 б.
67. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Тошкент: Шарқ, 2004. –287 б.
68. Қуронов Д. Адабий жараёнда “Мом синдроми”. –Тошкент: “Академнашр”, 2010. –56 б.
69. Қуронов Д. Завқимдан бир шингил. –Тошкент: “Академнашр”, 2012. – 56 б.
70. Қуронов Д. Мутолаа ва идрок машқлари. –Тошкент: “Академнашр”, 2014. – 232 б.
71. Қуронов Д. Адабий ўйлар. –Тошкент: “Turon zamin ziyo”, 2016. –112 б.

72. Quronon D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: Xalq merosi, 2004. – 222 b.
73. Ўзбек адабий танқиди. Антология. –Тошкент. “Turon iqbol”. 2011. –544 б.
74. Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 198 б.
75. Ҳамдамов У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан, 2007. – 196 б.
76. Ёқубов И. Бадий эстетик – сўз сеҳри. –Тошкент ТДПУ. 2011 й. 560 б.

III. ЖУРНАЛ ВА ГАЗЕТАЛАРДАГИ МАҚОЛАЛАР

77. Дўстмуҳаммад Х. Концепцияни янгилаш учун... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990. – 16 февраль.
78. Дўстмуҳаммад Х. Тавбадан тозаришгача... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990. – 13 март.
79. Дўстмуҳаммад Х. Истиқлол ва адабиёт // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.– Тошкент, 1993. – 6 август.
80. Жўрақулов У. Асл адабиётнинг нашъунамози // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2000. – 27 октябрь.
81. Каримов Н. Кечанинг кундузи борми? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1994. – 28 октябрь.
82. Мўминов Б. Шуҳратнинг “Олтин зангламас” романида бош қаҳрамон эволюцияси // Илмий хабарнома. –АнДУ, 2018. №1.
83. Назаров Б. Замон ва адабиёт // Ўқитувчилар газетаси. – Тошкент, 1990. – 22,26,29 сентябрь ва 3, 6 октябрь.
84. Норматов У. Ҳақиқат тақозаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1995. – 17 февраль.
85. Норматов У. Умидбахш тамойиллар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2003. – №10-12. – Б. 181–189.
86. Норматов У. Ўтмишдан эртақлар ва абсурд // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2000. – 14 июль.

87. Норматов У., Болтабоев Ҳ. Янги назарий тамойиллар // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2008. № 3. – Б. 154-163
88. Норматов У., Очилов Э. Танқид, мунаққид ва ҳозирги адабий жараён // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. – № 4. – Б. 35–44.
89. Норматов У. Адолатнинг йўллари машаққатли // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1997. – 14 ноябрь.
90. Тўраева Б. Бадиий замон концепциясининг ўзбек адабиётшунослигида ўрганилишига доир // Илмий хабарнома. – АнДУ, 2018. -№1.
91. Отабой А. Онг оқими // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1997. – № 4.
92. Раҳимова Г. Мунозара – уйғониш даракчиси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1989. – 29 декабрь.
93. Рўзимухаммад Б. Постмодернизмни нима деймиз? Ёхуд тақлидми таъсирланиш // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2004. – №8.
94. Саримсоқов Б. Абсурд маънисизликдир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2002. – №27.
95. Сабирдинов А. Изланишлар самараси. Ўзбек романи кеча ва бугун // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2005. – 28 январь.
96. Солижонов Й. Бадиий нутқ // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1979. №2.
97. Солижонов Й. Ўзбек полифоник романлари // Ўзбек тили ва адабиёти. Илмий журнал. – Тошкент, 2002. №5.
98. Солижонов Й. Ўзбек насри: руҳий таҳлил ва талқин тажрибаси // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 2002. №3.
99. Солижонов Й. Ҳозирги ўзбек насрида нутқ шакллари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2001. №6.
100. Холмирзаев Ш. Жамиятнинг мақсади, яъни мафкура бобида ўйлар // Тафаккур. – Тошкент, 1999. – № 1-2.
101. Шарафиддинов О. Адабиёт яшаса, миллат яшар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1993. – № 9. – Б. 129–138.

102. Шарафиддинов О. Миллатни уйғотган адиб // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2004. – 5 ноябрь.
103. Шарафиддинов О. Модернизм жўн ҳодиса эмас // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2002. – 7 июнь.
104. Шарафиддинов О. “Кеча ва кундуз” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1990. – 16 февраль.
105. Қаршибоев М. Мухит эркидаги тутқинлик // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1990. – №10. Б. 195-205
106. Қодиров П. Маънавият, модернизм ва абсурд // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2004. – 26 март.
107. Қосимов Б. Сапёрлар кўчасидаги уй // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1988. – 6 август.
108. Қуронов Д. Яна кеча ва кундуз ҳақида // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1996.– № 5. – Б. 186–197.
109. Қуронов Д. “Кеча ва кундуз” таржима тажрибаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1995. – 9 март.
110. Қўчқор Р. Уч сароб // Ёшлик. – Тошкент, 1986. – № 6.
111. Қўчқор Р. Саробнинг пайдо бўлиши // Ёшлик. – Тошкент, 1991. – №9. Б. 66-75
112. Қўчқор Р. Қўш роман ва айрича қарашлар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1988. – № 3.
113. Янги аср авлоди // Шарқ юлдузи. Адабий суҳбатлар. №1-5 сонлар.

IV. ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР

114. Султонова Н. Исажон Султон романларида бадиий компонентлар модификацияси. Фил.фалсафа.доктори (PhD) дисс.яси. –Қарши. 2020. –Б. - 43.
115. Каримов Н.Ф. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафқураси: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993.

116. Рахимов З. О. Ёқубовнинг “Кўхна дунё” романи поэтикаси: Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 25 б.
117. Тожибоев Р.Қ. XX аср бошлари ўзбек адабиёти танқиди тарихидан: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1993. – 159 б.
118. Содиков С. Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 1997. – 312 б.
119. Солижонов Й. XX асрнинг 80-90 йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси: Филолол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 2002. – 303 б.
120. Куронов Д. Чўлпон поэтикаси (Насрий асарлари мисолида): Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 1998.
121. Йўлдошев Б. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида услуб ва маҳорат муаммолари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2000. 340 б.
122. Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2002.
123. Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (Қодирийшунослик асосида): Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2002. – 304 б.
124. Бобониёзов А.Ю. А.Қодирий “Ўткан кунлар” романида тасвирий воситалар ва тил бадиияти: Филол. фанлари номзоди дисс. – Т.: ЎзФА ТАИ, 1995.
125. Дониёрова Ш. Шукур Холмирзаев ҳикояларининг бадиий-услубий ўзига хослиги: Филол. фанлари номзоди дисс. – Т.: ЎзФА ТАИ, 2000.
126. Дўстмухаммедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янги ланиши. Филол. фанлари номзоди дисс. – Т.: ЎзР ФА ТАИ, 1995.
127. Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик: Филол. фанлари номзоди дисс. – Т.: ЎзФА ТАИ, 1994.
128. Имомова Г.М. Типик миллий характерлар яратишда бадиий нутқнинг роли: Филол. фанлари номзоди дисс. – Т.: ЎзФА ТАИ, 1994.

129. Имомкаримова М. Ў.Ҳошимов асарларида миллий кадриятлар талқини: Филол. фанлари номзоди дисс. –Т.:ЎзФА ТАИ, 2004.
130. Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси: Филол. фанлари док. дисс. –Т.:ЎзФА ТАИ, 1994.
131. Лутфиддинова Ҳ. Ёзувчининг эстетик идеали ва аёллар образи: Филол. фанлари номзоди дисс. автореферати –Т.:ЎзФА ТАИ, 1994.
132. Мирзаев И. Янгича тафаккур ва ҳозирги ўзбек насрининг таракқиёт йўллари: Фил. фанлари номзоди дисс.-Т.:ЎзФА ТАИ, 1991.
133. Ташпулатов Г. Нравственные искания в современной узбекской повести. Фил. фанлари номзоди дисс. –Т.:УзФА ТАИ, 1993.
134. Пирназарова М. Ҳозирги ўзбек романларида услубий изланишлар (О.Мухтор, Х.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам, Т.Рустам романлари мисолида). Фил.фанлари номзоди дисс. –Т.: ЎзФА ТАИ, 2005..-132 б.
135. Қурбонов Т. О.Ёқубовнинг портрет яратиш маҳорати: Филол. фанлари номзоди дисс. –Т.:ЎзФА ТАИ, 1997.
136. Холдаров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси: Фал. фанлари бўйича фил.. фан.. доктори(PhD) диссертацияси автореферати. – Т. Алишер Навоий номидаги ТДЎТваАУ, 2017.
137. Жабборова Д. Истиклол даври ўзбек адабиётшунослигида Чўлпон шеърляти ва насрий асарлари талқини: Фал. фанлари бўйича (PhD) фил.. фан. доктори диссертацияси автореферат. – Самарқанд, 2018.
138. Холиков Б. “Детектив романларда воқеликнинг бадиий талқинини тизимли моделлаштириш (Марио Пьюзонинг “Чўқинтирган ота” (“The Godfather”) ва Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асарлари мисолида): Фал. фанлари бўйича (PhD) фил.. фан. доктори диссертацияси автореферат. – Тошкент, 2018.
139. Якубов И. Мустақиллик даври романлари поэтикаси. Филол. фанлари доктори (DSc) дисс. автореферати. –Т. ЎзТА ва ФИ, 2018.
140. Насиров А. Одил Ёқубов романлари поэтикаси. Филол.фанлари доктори (DCs) дисс.автореферати. –Т.: ЎзТА ва ФИ, 2018.

IV. БАДИИЙ АДАБИЁТЛАР

141. Исажон Султон. Танланган асарлар, 1-жилд. –Т: “Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”. 2017. –340 бет.
142. Исажон Султонов. Муножот. –Т: “Ўзбекистон”. 2010. –120б.
143. Исажон Султон И. Қорақуш юлдузнинг сири. –Т: “Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”. 2019. 264 бет.
144. Султонов Исажон. Ҳазрати мажоз. Т: “Турон замин зиё”. 2017. –389 бет.
145. Ҳамдамов У. “Ёлғизлик”. Қисса ва ҳикоялар. Тошкент: Қатортол-Камолат, 1998. 112 бет;
146. Ҳамдамов У. “Исён ва итоат”. Роман. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003, 140 бет;
147. Ҳамдамов У. “Мувозанат”. Роман. Тошкент: Минҳож, 2004, 200 бет;
148. Ҳамдамов У. “Сабо ва Самандар”. Роман. Тошкент: Мухаррир, 2009, 310 бет;
149. Ҳамдамов У. “Узоқдаги Дилнура”. Қисса ва ҳикоялар ва шеърлар. Тошкент: Академнашр, 2010, 232 бет.
150. Жалолоддин Румий «Ичиндаги ичиндадур» Турк тилидан Улуғбек Ҳамдам таржимаси. Тошкент: Янги аср авлоди, 2003, 200 бет.

V. ИНТЕРНЕТ МАНЗИЛЛАРИ

151. <http://www.sharqyulduzi.uz>
152. <http://www.ulugbekhamdam.uz>
153. <http://www.quronov.narod.ru>
154. <http://www.ziyonet.uz>
155. <http://www.ziyouz.com>
156. <http://www.ijod.uz>
157. <https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/isajon-sultonov/isajon-sulton-qismat-hikoya/>